

И (Хинд)
У
F 60

ОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

Мирзо ҒОЛИБ

УМРИМ
ГУЛИ



У И (ХУНД)
F 60

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

Мирзо ФОЛИБ

*УМРИМ
ГУЛИ*



ТОШКЕНТ
«O‘ZBEKISTON»
2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Хинд)

F60

Тузувчи ва сўзбоши муаллифи:

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Ғолиб, Мирзо

G60 Умрим гули / М. Ғолиб; тўпловчи, сўзбоши
ва изоҳлар муаллифи Э. Очиллов. – Тошкент:
Ўзбекистон, 2013. – 160 б.

Очиллов, Эргаш / тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар
муаллифи.


ISBN 978-9943-01-910-2

Мирзо Ғолиб жаҳон адабиётининг забардаст сиймола-
ридан ҳисобланади. Унинг номи ва асарлари Ўзбекистонда
ҳам машҳур. Ўзбек тилида шоирнинг «Шайдо» (1965) ва
«Ғазаллар» (1975) китоблари чоп этилган. Ушбу тўплам
ҳинд услуби намояндаси бўлган ўзига хос сўз санъаткори-
нинг бир неча авлод таржимонлар томонидан ўзбек тилига
таржима қилинган асарларини ўз ичига олади.

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Хинд)

ISBN 978-9943-01-910-2



© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

УЧ ХАЛҚНИНГ ШОИРИ

Ўзининг бекиёс ижоди билан урду адабий тилига асос солган ва ҳинд шеърятининг мумтоз даврини яқунлаган, ҳам Ҳиндистон, ҳам Покистоннинг фахру ғурурига, ҳар икки миллатнинг тимсолига айланган оташнафас шоир ва мутафаккир Мирзо Асадуллоҳон Ғолиб асли туркистонлик – ўзбекларнинг ойбек уруғидан бўлиб, унинг бобоси Мирзо Қўқонбек Самарқанд амирзодаларидан бўлган отаси Турсунхон билан аразлашиб, XVIII аср ўрталарида Ҳиндистонга бориб қолади. Мирзо Ғолиб ана шу кишининг Абдуллабек исмли ўғли ва Бухородан Ҳиндистонга келиб қолган Хожа Ғулом Ҳусайн номли кишининг қизи Иззатуннисодан 1797 йили Акбаробод (ҳозирги Агра) шаҳрида туғилади. Маълум бўладики, ҳинд заминида туғилган бўлишига қарамай, Мирзо Ғолиб ота томонидан – самарқандлик, она томонидан эса – бухоролик. Бинобарин, уни нафақат ҳинд ва урду, балки ўзбек халқининг ҳам шоири дейишга ҳақлимиз.

Мирзо Ғолиб серкирра ижодкор бўлиб, форс ва урду тилларида шеърятнинг ғазал, қасида, китъа, рубоий, маснавий каби жанрларида қалам тебратибгина қолмай, қатор насрий ва тарихий асарлар

хам яратади. Унинг урду тилидаги девони – «Девони Ғолиб» 1800 байтдан иборат шеърларни ўз ичига олади. Форсий девони эса «Куллиёти назми форси» («Форсча шеърлар тўплами») номи билан машхур. «Уди хиндий» («Ҳинднинг хушбўй новдаси») ва «Урдуйи муалло» («Олий урду») каби асарлари Мирзо Ғолибнинг дўстлари, замондош шоирлар ва бошқа танишларига йўллаган мактубларини ўз ичига олган.

Мирзо Ғолиб тилшунослик ва луғатчиликда ҳам катта ютуқларга эришди. Унинг «Тиғи тез» («Ўтқир тиғ»), «Латойифи ғайби» («Махфий латифалар»), «Саволоти Абдулкарим» («Абдулкаримнинг саволлари») каби асарларида форс ва араб тили луғатлари, умуман, луғатчиликнинг моҳияти ҳақидаги фикрлар баён этилган. Мирзо Ғолибнинг диққатга сазовор асарларидан яна бири – «Панж оҳанг» («Беш оҳанг») бўлиб, у 5 қисмдан иборат. I қисмида нома ёзишнинг тартиб ва усуллари, II қисмида луғатчилик ҳақида сўз боради. Асарнинг III қисмида номаларда шеърий парчалардан фойдаланиш ҳақида ёзилган. IV қисм Мирзо Ғолибнинг бошқа шоир ва адиблар асарларига тақриз ва дебочаларидан иборат. Сўнги қисм эса шоирнинг 1826–1852 йиллар мобайнида ўз дўстлари – даврнинг пешқадам шоир ва мутафаккирларига ёзган мактубларидир¹.

¹ Абдураҳмонова М. Мирзо Ғолиб // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент, 2003. 700-бет.

Ўзбек тилида Мирзо Ғолибнинг икки шеърий тўплами нашр этилган. Биринчиси «Шайдо» номи билан 1965 йили босилиб чиққан. Мажмуадан ўрин олган шеърларни Ёнғин Мирзо ва Раҳмонберди Муҳаммаджоновлар урду тилидан таржима қилишган. Ҳинд ва ўзбек халқларининг маданий алоқалари бўйича катга ишларни амалга оширган доктор Қамар Раис китобга «Шоир ҳақида» деган сўнгсўз ёзган. У, жумладан, шундай ёзади: «Мирзо Ғолиб ҳам Ҳиндистон, ҳам Покистоннинг энг забардаст ва энг севикли лирик шоирларидан биридир... Унинг шеърлари шу қадар маъноли, шу қадар нозик-латофатлики, уларни изоҳлаш учун урду ва инглиз тилларида ўн тўртта калин китоблар ёзилгани бежиз эмасдир. Ўтган юз йил давомида Мирзо Ғолибнинг шеърлари мажмуаси – ғазаллар девони юз марта чоп қилинганлиги ижодкорнинг халқ муҳаббатига қанчалик сазовор бўлганлигини тасдиқлайди»¹.

«Мирзо Ғолиб шеъриятида фалсафий мушоҳадакорлик, айниқса, тасаввуфнинг ваҳдат ул-вужуд назариясидан ҳосил бўладиган қарашлар ҳам ифодаланган. Бироқ унда ҳаётсеварлик, инсоний ишқ-муҳаббатнинг ноёб лаҳзалари тасвири устун. Худди Хўжа Ҳофиз ғазалларида бўлганидек, Ғолибда ҳам бепарво, озод руҳ парвози, риндона туйғулар мавжи киши дилини ром этади, Илоҳ, Инсон ва

¹ Қамар Раис. Шоир ҳақида // *Мирзо Ғолиб*. Шайдо. – Тошкент, 1965. 72-бет.

Чексиз Коинот ҳақида чуқур ўйга толдиради. Унда Инсон – Мутлақ ҳақиқатнинг инъикоси, Оллоҳ мўъжизаларининг жамулжам тимсоли, деган концепция ҳукмрон. Инсон илоҳий ирфон соҳиби, Ақли куллга айланувчи зот ҳамда жамики гўзалликлардан баҳраманд бўлувчи, ўзи ҳам гўзалликлар яратувчи нодир хилқат, деб таърифланади»¹.

Шоир бир шеърида ёзади: ишқ менинг тимсолимда ўзининг доимий маҳрамини топган эди, энди мен ўлсам, у етим қолади:

Ишқнинг ғариб холига келур, Ғолиб, хўрлигим:
Борур кимнинг қошига дарду бало мендан сўнг?

Шоир фикрларини бадий санъатлар, нозик кузатишларини оҳорли ташбеҳлар қатига ўрайди. Оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган ҳодисаларни кўради, оддий одамлар сезмай, ёнидан бепарво ўтиб кетадиган ҳодисаларни ҳис қилади. Шоирнинг шоирлиги, илоҳий қисматдан насибадор эканлиги ҳам шунда-да:

Ким айтади булбулнинг ноласи беасар деб?
Парда ичида гулнинг бағридир минг чок, билсанг.

Мирзо Ғолиб бошқа бир ғазалида эса ўзининг оғир аҳволини ўгай акалари томонидан мисрлик савдогарларга арзимас чақага сотиб юборилган Юсуф алайҳиссалом тақдирига ўхшатади:

¹ Қомиллов Н. Қадимий дўстлигимиз рамзи // «Жаҳон адабиёти», 2005, 5-сон, 143-бет.

Мен ўзимга яраша кадру қиммат топмадим;
Сув текин кетди Юсуф, мен ҳам худди шундокман.

Ҳеч кимсанинг кўнглида менга заррача жой йўқ,
Яхши ғазалман, лекин кулоқлардан узокман.

Мирзо Ғолиб Соиб Табризий, Мирзо Бедил каби буюк салафларга эргашиб, ҳинд услубида ижод қилган. Бу услубда ёзилган шеърларнинг бадий жиҳатдан пишиқ, мазмунан теранлиги – бир неча маъно катламларига эгалиги маълум. Шунинг учун ҳам уларни бошқа тилларга таржима қилиш кийин. Уларни тушунтириш учун қатор-қатор шарҳ китоблари яратилган ва яратилмоқда.

Шоирнинг мана бу рубойиси Бедил рубойларига ҳамоҳанг:

Он хаста, ки дар назар ба жуз ёраш нест,
Бо суду зиёни хештан қораш нест.
Толиб зи талаб раҳини осораш нест,
Ҳарчанд ҳино барг диҳад, бораш нест.

Ҳинд услубида ёзилган ушбу рубойининг мазмуни қуйидагича: «Ҳастанинг кўзига ёридан бошқа киши кўринмайди, унинг фойдаю зиёни билан иши йўқ. Толибнинг талабдан гаровга олинган самараси йўқ. Ҳино ҳар қанча барг бермасин, меваси йўқ».

Ўз фикрларини асослаш учун хикматомуз бир фикр келтириш, далиллаш ҳинд услубининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шоир ҳинонинг барги қанча кўп бўлса-да, мева-

си бўлмагани каби хастанинг илтижоси чегара билмаса-да, унинг самараси йўқ, дейди.

Аччиқ хаёт умр паймонасини заҳарга тўлдирган шоирнинг тили ҳам кескир қиличга ўхшайди — у олам, одам, хаёт ҳодисалари, инсоний туйғу-кечинмалар ҳақида ҳам кескин хулосалар чиқаради. Чунончи, заҳар тилли маҳбуба ҳақида: «Бўлса ёримнинг тили ўрнида ханжар кошки!» дейиш билан кифояланмай шундай ёзади:

Эй кўнгил, шер комига кир, истиқомат қил вале,
Борма дилозор гўзаллар ёнига, йўқ бунда шак.

Ёки дунёнинг бор ранжу азобини тортиб, заррача роҳат-фароғат кўрмаган шоир алам-изтироб билан:

Дунёдан ҳеч нарса олма, хатто у ибрат бўлсин! —
дейди.

Мана бу тушкун мисралар ҳам шоирнинг ғаму хасратда ўтган фожиали ҳаётининг шеър бўлиб янграган акс садоларидир:

Соз бўларди бошидан қилсам ёмонлик ният,
Яхшилик қилсам ҳавас, бошга бало бўлади.

Ғолиб шеърлари хаёлот парвозининг чексизлиги, тафаккур оламининг теранлиги, шунга мувофиқ, бадийий ҳукм ва хулосаларининг фавқулодда ва кучлилиги билан ажралиб туради: менинг наздимда борлик бир хаёлу дунё шип-шийдам бир нарса,

бандаликдан биз бирор манфаат кўрмадик, хаёл занжиридир олам, агар азобда роҳат бўлмаса, кофир бўлай, бўғзимдан чиккан ўтли охимни кўрганлар мени оташпараст деб гумон қилишади ва ҳоказо.

Ҳинд тили ва адабиётининг билимдони, таникли шоир ва забардаст мутаржим Амир Файзулла шундай ёзади: «У битган ҳар бир байт ғазал, ҳар бир мисра шеър тинч оқар дарё каби теран ва сирли. Ҳарораги эса жумлаи оламини куйдиришга кодир оташнок. Хоҳ форс тилида, хоҳ урду тилида ижод қилмасин, Мирзо Ғолиб шеърияти, орадан икки аср вақт ўтишига қарамасдан, ҳамон қизғин баҳсу мунозараларга, шеърий муноқашаю мулоҳазаларга моя бўлиб келмоқда. У яратган бадиий рамзлар ҳақида ҳалигача икки мунаққиднинг фикри бир жойдан чиккан эмас. Мирзо Бедил шеърларини форс тилидан ўзга тилга таржимасида муаллиф фикрини тугал англаб бўлмаганидек, Мирзо Ғолиб яратган форс ва урду тилидаги шеъру ғазалларни ҳам фақат аслидагина мутолаа қилиб чинакамига завкланиш мумкин. Далилларнинг шохидлик беришича, Мирзо Ғолиб ҳаётлик чоғида форс тилини у билан бирга яна икки кишигина аъло даражада билар экан. Урду тилининг билимдони сифатида эса у ягона ҳисобланган».

Урду мунаққиди Абдурахмон Бижпурийнинг ёзишича, Ҳиндистонда энг ўқимишли китоблар бу – муқаддас «Веда» ва Ғолибнинг девонидан иборат.

Ғолибни суханварлик бўстонининг булбули ва маъно шаккаристонининг тўтиси деб лутф этадилар.

XX асрда Мирзо Ғолибнинг шуҳрати бутун дунёга ёйилди. Деҳли, Алигарх, Ҳайдаробод, Лоҳур ва Карачи шаҳарлари шоир ижодини ўрганишда йирик марказлар бўлиб келмоқда. Ҳиндистон ҳукумати, шахсан Индира Ганди ташаббуси билан Деҳлида ташкил этилган Ғолиб уйи ва Ғолиб академиясидаги китоб жавонлари жаҳоннинг турли мамлакатларида чоп этилган шоир ҳақидаги рисо-лалар ва асарларининг турли тиллардаги таржима нашрлари билан тўла.

Эргаш ОЧИЛОВ

ҒАЗАЛЛАР

Эркин Воҳидов таржимаси

Десам, Ғолиб, ерим – пок хоки Турон,
Асил зотим билан бағрим фарахманд.

Ўзим туркзодаю наслим-да туркзод,
Буюклар кавми бирла асли пайванд.

Уруғ бўлмиш менга ойбеклар аслан,
Камолан ойга нисбат, балки ўнчанд.

Отам касбин десам деҳқончиликдир,
Бобом бўлмиш заминдори Самарқанд.

Ўзим ҳақ файзига шогирд эрурман,
Эрурман фозил инсонларга фарзанд.

Ёнишда ҳамнафасман барқ¹ ила мен,
Саховатда булутлар бирла монанд.

Ғаму андуҳки бор, шодман алардин,
Фараҳ², бахт йўқ-ки анга доғи³ хурсанд.

Ҳама хешларки ўтмиш, йиғлагаймен,
Тирикликдан куларман бўйла⁴ хушханд.

¹ Барқ – чақмоқ, яшин.

² Фараҳ – шодлик, хурсандчилик.

³ Доғи – яна, тағин.

⁴ Бўйла – шундай, шунака.

* * *

Қоши ёси қатлима тадбирдир,
Не ажаб, уй токида шамширдир.

Севгида беморлигимни сўрмагил,
Ул Исо кўзгусида тасвирдир.

Мен жунун даштида сарғардон эсам,
Ғам дилимнинг пойида занжирдир.

Бу кўнгил вайронадир, фаввора – кўз,
Сел синик бу уйга не таъмирдир.

Ваҳ, каламнинг ёқасин йиртди Асад,
Чок дил иншоси бу таҳрирдир.

* * *

Муҳаббат тухмин экдим жонима, андуҳ самар бўлди,
Умидим шуки, қосид¹, ёрга холимдан хабар бўлди.

Ёғиб чархи фалакдан бу жафокаш бошимга тошлар,
Урушди тошга тошу мисли гулдаста шарар² бўлди.

Кўнгил дарди кўринса кўзгуда юз ранг билан, денглар
Хазону соғару³ дил қонию захми жигар бўлди.

Нигоҳим бўлди овора сени излаб ва лек охир
Қоронғу бўлди олам сенга, дил соҳибназар бўлди.

¹ Қосид – элчи, хабарчи.

² Шарар (Шарор) – учкун, чўғ.

³ Соғар – май идиши, қадах.

Жунун аклини зоҳид айб этар бўлса ажаб йўқдир,
Жунун занжири зуҳднинг эшигига банди дар¹ бўлди.

Асад, гар ғунча гулнинг шафқатига боргоҳ² бўлса,
Дилинг Бедил йўлига гул сочиб, сатринг гухар бўлди.

* * *

Париваш чехрасига берса оро,
Қилар хайрат билан кўзгу тамошо.

Кетар жоним олиб карвонда ёрим,
Ғуборин кўзларимга айладим жо.

Мени уйқуга элтди дарди хижрон,
Хаёли кипригимда бўлди пайдо.

Кулар гул йиғлаганда булбули зор,
Мен у гул хандасидан хору расво.

Фирок ўкин пари кўксимга отди,
Ажаб, ғам тоғи узра унди раъно.

Фано даштин тутар маскан муродим,
Анга парво йўқу менга тасалло.

Асад, ожизлигингни англадингми,
Нечун билдинг ўзингни бунча доно?

¹ Банди дар – эшик ҳалқаси.

² Боргоҳ – даргоҳ, манзил, чодир.

* * *

Эгам, исмингни айтмоқ журъатин бергил забонимга,
Кўнгил – хомуш садаф, дур жилвасин бергил
баёнимга.

Тараххум¹ айла мендек бедилу махзунга, лутф этгил,
Чароғи субҳ бер шомимга, гул фаслин хазонимга.

Қилиб наззора жонимни олурсан, эй парипайкар,
Кўярсан дасту пойингга² хино олуда³ қонимга.

Кўриб кўзгуда руҳинг аксини у чашми⁴ машшота⁵
Бўлибдир хунфишон⁶, берсин тўзим бу хаста
жонимга.

Қиларкан тунда булбул нола, тонг уйқудан уйғонгай,
Умидим тонги уйғонмас нечун бетин фиғонимга.

Камина тақрибу⁷ сидкин синаб кўрмоққа раҳм айлаб,
Юбординг минг туман ранжу машаққат имтихонимга.

Жамолингдин сабоҳ равшан, гулистон бўйла
зевардир,
Асадга тор қафас қурдинг, назар сол бу маконимга.

¹ *Тараххум* – раҳм килиш, шафқат этиш.

² *Дасту пой* – қўлу оёқ.

³ *Олуда* – аралашган, қўшилган.

⁴ *Чашм* – кўз.

⁵ *Машшота* – пардозчи аёл.

⁶ *Хунфишон* – қон сочувчи.

⁷ *Тақриб* – восита, баҳона.

Жуманиёз Жабборов таржимаси

Мен жафо муштоқиман, ҳар не жафо қил, розиман,
 Менга зулминг ўтказишдан ҳўб сафо қил, розиман.

Эй, қамар рашкин оширган ойжамол, ўқсинма кўп,
 Ошиғинг бисёр тағин минг ошно қил, розиман.

Сен санамсан, офтобсан, балки ортиқсан, баланд,
 Ул самодин ҳам баландроқ бир само қил, розиман.

Бекарор кўнглим кўйинг истаб мудом парвоз этар,
 Майли, остонангни Каъбадин аъло қил, розиман.

Неча хурлар ҳусн бобинда олур сендан сабоқ,
 Ғамзаю ишвангни эл ичра бало қил, розиман.

Мақтагай зоҳид хамиша боғи жаннат кўркини,
 Сен кўчанг гардин менга жаннатбаҳо қил, розиман.

Жаннату дўзахни кўшсанг бир буюк бўстон бўлур,
 Сайлу сайронинг¹ учун улкан бино қил, розиман.

Илтифот айлаб менга оби ҳаёт тутгил, ичай,
 Ташна кўнглим қондириб, меҳринг ато қил, розиман.

Бил ғазалниким Алоийи менга иншо қилдирур,
 Энди ҳар ҳукмингни Ғолибга раво қил, розиман.

¹ Сайрон – сайр этувчи.

У ҳумо парвозининг овозаси бўлсин баланд,
 Мен бўлай у куш йўлида бир шикаста устухон¹.

Ҳусн ҳавасни ёқтирар, аммо вафони камситар,
 Меҳр қўйма, йўкса, бўлғумдир ўзимга бадгумон.

Баски истармен ҳамиша энг нафис – нозик хаёл,
 Гар азият шул эса, роҳатга мен бўлғум зиён.

* * *

Ҳусни бир-ла маст эрур раъно.
 Қайси бир маст боғлагай қабо?²

Суханварлар³ мантиғи ажаб!
 Нолани ҳам дейдилар расо.

Дониш аҳли нақадар ожиз!
 Боғлар оёк захмига ҳино.

Бунда ғоят кам экан озор,
 Боғлаб умид, килди дил хато.

Содда айёр нозанин, Голиб,
 Биз-ла бошлар у аҳди вафо!

¹ Устухон – суяк.

² Қабо – эркакларнинг узун ва кенг уст кийими (жубба остидан кийилади).

³ Суханвар – фасоҳат ва балоғат соҳиби.

* * *

Тулпорингни мен дедим сабо,
Аслида бу ташбеҳим хато.

Нола-оҳда кўрди ким асар?
Оҳ, ҳамиша бўлди норасо.

Тенг килолмас умрга яшин.
У оёққа боғлаган ҳино.

Ғам-аламнинг йитмоғи маҳол,
Ёш тўкиш бефойда, мутлақо.

* * *

Бу жаҳонда хаста дил топмади дардга даво,
Бир умр ахтарди у, маънисиз чикди «вафо».

Таскин излаш дардидан ўлмоқ афзал билди дил,
Бунга ҳам ёр бевафо бўлмади асло ризо.

Бодаю май фикрига бўлди-ку маскан кўнгил,
Гарчи зоҳид айтади: «Ҳар гапингда йўқ «Худо».

Ваъда қилмоқ сенга ор, майли, килма – яхшироқ:
Бўлмагайман миннатинг дардига мен мубтало.

Лаб кимирлаш зарбидан Ғолибинг бўлди тамом,
Лик этиб колган экан, топмади дамдан шифо.

* * *

Бесабабмасдир, агар нозанин кеч қолибдир,
У ошиққан келгани, бордир аммо жиловгир¹.

¹ Жиловгир – жиловни тутқувчи.

* * *

Қайским сахрою даштда кўб кезибдир зор-зор,
Бошка ошиқларга жой бермабди дунё – кўнгли тор.

Ишқ хавосидан юракка неча ўтлар ёндашур,
Неча оташ тафтидан кўнгил бўлармиш нор-нор¹.

Мен тушим, унгимда сен-ла қанча суҳбат айладим,
Не зарар, не суд² кўрибман, барчаси бекор-кор.

Ишқ мактабгоҳида шогирди содикман хануз,
Не саводим чикди-ю, не тарк қилдим ихтиёр.

Бир ўлим бирлан кафан айбимни ёпгайдир факат,
Йўкса, ҳар қандай либосда бору йўғим ошкор.

Эй Асад, Фарход неча тоғни кесар полвон эди,
Аммо ошиқлик йўлинда бўлди ул ҳам тор-мор.

* * *

Тоқатим ток бўлди ишқдан, чорайи жон истарам,
Меҳр кўрсат, дилрабо, меҳрингни чандон истарам.

Хору хас гулханга тушгач, лов этиб ёнгай бешак,
Мен лабинг завк ўтида ёнмокни обдон истарам.

Рашк этурман сенга кўз солса баногоҳ бир ракиб,
Келмоғинг жавлон уриб бул кеча, жонон, истарам.

¹ Нор – бу ерда: ўт, олов.

² Суд – фойда, наф, манфаат.

Кўзларимга жо бўлиб, уйқуни кўздан махв эт,
Лаҳза-лаҳза шафқатинг кўрмоқ фаровон истарам.

Мен жамолинг кўргали мухтожу муштоқман, ғўзал,
Бунчалик ғурбатни даф этмоққа имкон истарам.

Нағмаи базми хаёлингдан дилимда минг савол,
Бизга ҳам бўлгайму деб бир лаҳза эҳсон истарам.

Сен вафо бегонасию, мен ҳавас ошуфтаси,
Майли, меҳринг соғиниб, ўтмоқни сарсон истарам.

Баски, бизга шафқатингдан бир жило кўрсатмагил,
Лек хаёлинг мавжида сурмоқни даврон истарам.

Ғолибо, гарчи жафолар илгида¹ кондир жигар,
Ранж агар шундок ширин, бул ранжни ҳар он истарам.

* * *


Ишқ майдонига марду ҳам жасур инсон керак,
Бўлмаса, кизгин курашларга чидам бермас юрак.

Мен ўлимдан титрар эрдим ҳар тасодиф чоғида,
Рангу рўйим қаҳрабоси – бул ҳақиқатдан дарак.

Ишқ – вафодан бир рисола ёзгали урдим қалам,
Аммо фикрим кўп паришон эрди, жоним жонсарак.

Томиримда кон оқур, мисли ҳаёт дарёси ул,
Бағримиз водийсини алвон гулистон килгудак.

¹ Илиғ – кўл.



Сендан асло йўқ гинам, мени барбод этди деб,
Шу экан пешанамда, яхшидир балки такдир.

Сен унутдинг гар мени, кел, эсингга солай мен:
Сен қилган ов ичида бор эди битта нахчир¹.

Бандаликда бўлмади ёр зулфи бегона,
Битта озори ортик: сал оғир бўлди занжир.

Бир яшин чакнаб, шу он бўлди ғойиб, не фойда?
Бир оғиз сўз айтмади, тил-қулоқдир мунтазир.

Мен уни Юсуф дедим, олмади у кўнглига,
Ранжиса ҳақли эди бергали менга таъзир.

Ҳеч айб йўқ тешада, Фарход эрмас гуноҳкор:
Биз каби девона бир ошиқ эрди ул асир.

Тушмасинми ўрнига, кўриб кўнгили рақибни!
Нола қилдим мен ахир, этсайди зора таъсир.

Турдимиз кўкрак кериб, келмади у яқинроқ,
Йўқ экан-да шўхнинг бисотида бирор тир.

Биз фаришта ёзгани бирлан ноҳақ тутилдик
Бормиди инсон бирор қилмиш ўлганда таҳрир?

Битта сенмас рехтанинг² устаси, жони, Ғолиб,
Илгари ўтган экан бошқа бир шахс номи – Мир.

¹ *Нахчир* – охуга ўхшаш чўл ҳайвони.

² *Рехта* – урду тилидаги поэзия «рехта» деб ҳам аталади.

* * *

Қайтадан баҳор келди дилрабо,
Офтобу ой бўлди махлиё.

Бир каранг, мана, эй жаҳон аҳли!
Айтади шуни кўркаму зебо.

Ер юзи чунон бўлди сабзор,
Кўм-кўк осмон ҳам килур ҳаё.

Ерга сиғмагач, сабза гул бориб
Сувнинг бетига бўлди-олди жо.

Сабзаларнию гулни кўргали
Қилди наргис гул кўзини шаҳло.

Бор ҳавода бир майнинг таъсири,
Кайф килур киши, хўпласа ҳаво.

* * *

Йиғламасдим умрима, гар қувонса кўзлар,
Жаннат ичра сен каби бўлса битта ҳур агар.

Улганимдан сўнг мени кўммагил кўчангга ҳеч,
Мен туфайли халқ топмасин уйингни, алҳазар!

Соқигарлик шаънига доғ туширдинг бу кеча,
Қанчаки бўлса бода, мен ичардим ҳар сафар.

Сенга-ку, эй дўст, менинг ҳеч сўзим йўқ айтгулик,
Қуллук айт мендан, агар учраса у номабар.

Севги дарди калбимиз ичра абад бўлгайму ҳеч,
Сўнса ҳам калб, дейдилар, дарди яшар эрмиш бешак.

Ёру дўстлар топмадим харгиз жунунимга даво,
Гарчи манзил бўлди менга об-ҳавосиз тор катак.

Бир жасад бўлмиш кафансиз, бул Асад ошику зор,
Шафкат айлаб, кўнглига нуруни ёғдурсин фалак.

* * *

Дилимнинг бул шеваси¹ аёндиру аёнмас,
Унинг туйғу, аъмоли гумондиру гумонмас.

Дилбарни бул ғамимдан десам огоҳ айлайин,
Ичимдаги ғулғула баёндиру баёнмас.

Жоним ичра фармонинг, ҳар хизматингга шайман,
Ҳар пардада дил дардим равондиру равонмас.

Ахли назар қошида дардимни айтсам агар,
Бўсага ташна ул лаб даҳондиру² даҳонмас.

Кезарман гулшан ичра, баҳору... ҳеч вақт йўқ,
Гулхан бўлиб кўринган хазондиру хазонмас.

Дарёга тушса катра, сингиб кетгайдир албат,
Бу қандайин синоат? Зиёндиру зиёнмас.

Баҳор завқи-ла яшнаб, шохда гуллар урар мавж,
Гул косасида бода ниҳондиру ниҳонмас.

¹ *Шева* – 1) одат, равиш, йўсин; 2) хунар; 3) ноз, ишва.

² *Даҳон* – оғиз.

Ғолиб, назардан ўтказ атрофда бор сафони,
Парда ортида сирлар аёндиру аёнмас.

* * *

Ғар денгиз чайкалса, не ахволга тушгай хас-хошок,
Худди шундай, ҳар нигоҳингдан танимда жон ҳалок.

Ғайзиёб бўлсанг агар майнинг оташ дарёсидан,
Сўнгра жисминг музлатур, албатта, ул ваҳшу нопок.

Ғар чароғон бўлса хонанг, сенга зулмат хавф эмас,
Чўғ кўрингай кўзларингга музлаган бир парча хок.

Бул ҳароратдан вужудинг яйрагай хушнуд бўлиб,
Барча нохуш туйғулар ҳар ён титилгай чок-чок.

Ушбу айёмни ёмонлаб гап сотишдан фойда не?
Тақдиринг шундоқ бўлишин асли ёзмиш чарх-бебок¹.

Кўл-оёқ жойида бўлгач, бизга ким заҳмат берур?
Қай маҳал йикди Фаридунни² ўшал Заҳҳок³ – хок?

Таъбимиз равшанлиги ҳар бир суҳанда акс этур,
Тут кўнгилни, Ғолибо, ҳар лаҳзада озода-пок.

¹ *Бебок* – 1) ботир, кўркмас; 2) золим, тошбағир, шафқатсиз; 3) ҳаёсиз, андишасиз.

² *Фаридун* (*Афридун*) – қадимги Эроннинг пешлодийлар сулоласига мансуб олтинчи ҳукмдор. У адолат рамзи ҳисобланади.

³ *Заҳҳок* – қадимги Эроннинг пешлодийлар сулоласига мансуб бешинчи ҳукмдор. У золимлик тимсоли ҳисобланади.

* * *

Не сўз демай, эшитиб, эшитмасликка олар,
Субху шом ҳолим билиб, ўзин билмасга солар.

Банддан бўшалган оху орзу килурму домни,
Кўнглимизнинг ғизоли¹ шубҳалар ичра толар.

Эй сокий, шафқат айлаб, бир коса бода тутким,
Жигар қон бўлди ғамдан. Шу сендан илтижолар.

Ёр дийдорин кўришдан бир яхши пайгом² кутдим,
Мушток бўлиб кўзларим неча шому саболар.

Юздан суриб пардангни ноз билан ўтқил, дилдор,
Ойнайи жамолинг берсин дилга сафолар.

Кўзимдан оққан ёшнинг ҳисобин қилиб бўлмас,
Унда қон мавж ураркан, жоним не ҳолда қолар?

Гулгун майдан бул кеча хузурбахш бўлай лахза,
Дейдиларки, паймона³ кўнгиллар зангин олар.

Андух хуружи, Голиб, кўнгилга солмиш ғулу,
Оҳим эшитиб шояд қилса раҳму раҳолар⁴.

¹ *Ғизол (Ғазола)* – кийик, оху.

² *Пайгом* – хабар.

³ *Паймона* – май қадахи.

⁴ *Раҳо* – озод, халос бўлмок.

* * *

Жамолинг торож айлар ҳар қандайин назарни,
Хироминг помол этур сарв ила санобарни.

Шавк оташинг ёндириб диллар уйин саросар¹,
Тийғи захминг ўлдирди неча қалбу жигарни.

Дардингда ўлар бўлдим сендан узок тушган чоғ,
Ёндим эшитганим чоғ келишингдан хабарни.

Хабардор бўл азобинг тортган харидорингдан,
Нолам етказур сенга дилдаги бу қадарни².

Шод эдим бу хилватда, олисда шум рақибдан,
Йўлингда уйғок турдим кузатиб хар гузарни.

Кўзларим ёш тўкарди умидвор илинж ила,
Гарчи сезса-да қалбим бу йўлда бир хатарни.

Эй бармоқлар, кўзимдан олингиз дарҳол ўзни,
Пок домонин силангиз ўшал моҳи қамарни.

Тўти шакарни истаб, не қўйга солур ўзни,
Ғолиб, сен ўшал лабдан топурсан қанд-шакарни.

* * *

Нурли офтоб бодаси узатган чоғи осмон,
Ранглар намоишидан яйраб кетди гулистон.

¹ *Саросар* – бошдан-оёқ, бутунлай.

² *Қадар* – ғам, ғусса, мунг.

Бизнинг офтобимиз-чи, дариғ тутар меҳрини,
Шул боис ҳаётимиз шоми ғариб, нотавон.

Офтобимиз биз учун душману ҳамдард яна,
Шам билан суҳбатимиз тонгга қадар беармон.

Навбат била икки нур кўнгилга солур ёғду,
Кулфату фароғатни бизга тутиб ёнма-ён.

Мана, баҳор гуркираб, олам муаттар ўлди,
Шабнамлар шуъласида гўё акс этди жаҳон.

Май базмида латофат суҳбати авж олғуси,
Қадахлар садосидан диллар бўлиб нурафшон.

Ғолиб, сабуҳий¹ завкин кўнгилга солди наҳор,
Нурли офтоб бодасин узатди чоғи осмон.

* * *

Тақягоҳ² аҳду забонингдан ғалат бўлди, ғалат,
Ҳам ширин, ўтли баёнингдан ғалат бўлди, ғалат.

Хоксор этдинг рақибим қошида гарчанд мени,
Бу ғалатдир, жон-жаҳонингдан ғалат бўлди, ғалат.

Фунчага солсанг назар, бўлғай хижолат, чунки ул
Бемисол ширин даҳонингдан ғалат бўлди, ғалат.

¹ *Сабуҳий* – эрталабки бош оғриғи учун ичиладиган май.

² *Тақягоҳ* – суйанчик, хомий.

Ҳар жаф эйингким, менга минг бир вафодан ҳам зиёд,
Дил уйи бундок гумонингдан ғалат бўлди, ғалат.

Раҳм қил, дарду ситамлардан Голиб ўлгай бешак,
Тақягоҳ аҳду забонингдан ғалат бўлди, ғалат.



Васфий таржимаси

Жон тасаддук айтасан ширин мақолини¹ кўриб,
Лек сўзингдан қайтасан тиғи ҳилолини кўриб.

Гапга моҳир шунчаки, ҳар бир сўзи дилларга жо,
Бу менинг қалб сўзларим дерсан мақолини кўриб.

Мен эмас, ҳаққимдаги гап ёр базмин ҳамдами,
Яхши дерман, ҳар ёмон сўзу саволини кўриб.

Эй умидсизлик балоси, тийма заҳматдан мени,
Дил топар таскин унинг турли малолини кўриб.

Айтади дилга оёғим: энди қўзғатма мени,
Бош паноҳим шул мени, дилбар висолини кўриб.

«Кел, юрак-бағрим, жаҳаннам ўтига бўлгил макон», —
Дерман ул шўри қиёматдек жамолини кўриб.

Голибо, девона дил ўз ўтида ёнмоқдадир,
Раҳм қил ўзингга дерман, ушбу ҳолингни кўриб.

¹ Мақол – бу ерда: сўз, нутқ.

* * *

Менинг тонгим коронғуликда окшомга эрур монанд,
Шунинг-чун билмагум тунлар ва кунлар ўтса ҳам
харчанд.

Азият чекмагунча келмагай рохат, масал борки,
«Тузатмоклик учун синган оёкни айлагайлар банд».

Кўлим чок этса гар андишасизликдан – бу айб эрмас –
Ки, шайхлар жандаси ҳам кўп ямоқлардан топар
пайванд.

Деярсанки, чидаб аччикка панд олгил кулоғингга,
Гапирма, бодамиз аччиклигига тенглашолмас панд.

У дилбар борлиги ҳусну менинг бошдан-оёғим ишк,
Ичарман душманам бахтига, дўст икболига савганд!¹

Муҳаббатнинг нигоҳи дилга қўймасдан зилолини,
Нишоту² айш ила таъбим ниҳоят хурраму хурсанд.

Ниҳоят шодликдан ўлмасин деб менга билдирмас,
У ёрим ўлмоғимни истаса ҳам аслида гарчанд.

Севимли дўстинг кажравлигига³ кўз тикиб доим,
Фалакдан беҳабар саргаштадирман, эй азиз
дилбанд!..

¹ *Савганд* – қасам.

² *Нишот* – шодлик, хурсандчилик, хуррамлик.

³ *Кажрав* – эгри, тескари юрувчи; мажозан: маккор, хийлагар.

Жаҳонда ҳеч вафо йўқдир, валек Ғолиб ғами бисёр,
Сўраб қолса биров, айтгил: юрибди ҳартугул хурсанд.

* * *

Ажаб тақдир экан, мен ўз-ўзимга рашк этиб чандон,
Юзига бир қарай дейман, каролмайман, нетай бу он.

Муҳаббат бодаси шундай ҳароратлики, тафтидан
Эриб кетмоқда дилнинг шишаси, махв бўлмоғи осон.

У ёр ағёрнинг¹ густоҳлигин қандай қилиб тийсин,
Тийишдан тортинар, ё манъ этишга топмас ул имкон.

Бу севги шундайин тентак экан, оҳ тортавер, дейди:
Юракнинг холи шундоқки, дам урмоқ унчамас осон.

Сенинг базмингни кўздан асрасин, гар инграшим етса,
Ўшал базмингни айлар куй-қўшиқлар авжидан
шодон.

Тағофилдан² унга мақсад яширмоқ севги сиррини,
Бирок беҳудлигим³ таъсиридан қолмас бу сир пинҳон.

Бўлиб ошиқ у маҳваш⁴, қайтанга кўркам чирой
очмиш,
Гўзал тортар, ажаб, ҳар қанча ранги ўчса, ул жонон.

¹ Ағёр – бегоналар, бошқалар, ракиблар.

² Тағофил – ўзни билмасликка солиш, эътиборсиз бўлиш, бепарволик.

³ Беҳуд – ўздан беҳабар. Мастлик ва ошиқлик мақоми.

⁴ Маҳваш – ойга ўхшаган, гўзал.

Дилимда ишк ўтининг яллиғи шундоқ баланддирки,
 Қочар мендан тутундек ўз кўланкам ҳам бўлиб сўзон¹.

Ахир, мендек олов-оташнинг олдида қаю бир дил –
 Чидаш бергай, Асад, бўлғайму ўт-ла ўйнамок, эй жон.

* * *

Кел, бузайлик, ҳарна тартибки, яратмиш осмон,
 Биз казони даф этайлик жомни² айлаб равон.

Кўз ила дилдан тамошони килиб хайрону лол,
 Жон билан тандан муросани этайлик безиён.

Ланг очиб эшикни, сўнгра ўлтирайлик гўшада,
 Кўча-кўйдан қайтарайлик келса дуч гар посбон.

Кўркмагаймиз қанчаки миршаб сиёсат қилмасин,
 Рад этармиз гар юборса бизга подшо аргумон.

Очмағаймиз лабни ҳатто бизга Мусо котса сўз,
 Қайтарурмиз бўлса Иброҳим Халил ҳам меҳмон.

Йўлдан ўтгувчи кишиларга сочармиз гул-гулоб,
 Ўртада майни кўйиб, суҳбат қуармиз шодмон.

Анжумандан биз қувиб соқий билан созандани,
 Тўхтатармиз йўл аро гар учраса ҳар карвон.

¹ Сўзон – ёлқинли, куйган, ёниб турган.

² Жамшид жоми – қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид «Жоми жаҳоннамо» – жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан.

Гоҳи сўз бобида биз афсунгару нозик адо,
Бўса кўмсаб оғзимизда айланур гоҳи забон.

Бир-бировга ёндошурмиз биз сира тортинмайин,
Шўхлик-ла ром этармиз кўкда юлдузни шу он.

Тонг юрак тўлқинларимиздан нафас олмай колур,
Куннинг иссиқлик балосин даф этурмиз бегумон.

Ҳаммани тун хавфи бирлан чалғитармиз бирма-бир,
Ярти йўлдан қайтарурмиз пода ўтса ё чўпон.

Кимки гул узмоқни касд айлаб бу гулшанга кирар,
Битта гулсиз куп-курук қўл қайтарурмиз беомон.

Ундагаймиз тинчгина биз тонготарнинг кушларин
Шохларин тарк этсину ўз инида тутсин макон.

Мен киму сен ким, ишонмас васлингга Голиб сира,
Кел, бузайлик, ҳарна тартибки, яратмиш осмон!

* * *

Кимки май сармасти бўлса, ёз анга мадху сано,
Фитнанинг дафъи учун ёз ҳамда туммору дуо.

Дўстнинг саркотибисан, мунча сусткашлик нечун?
Таърифин ёзгилки, қўли тиғ солишга бебаҳо.

Ҳар кеча ғам уйида кечмишларимни бирма-бир
Эрталаб ёр кўйининг деворига ёзгил расо.

Шунчалар бўлса гар ғавгою найрангу фириб,
Қайда бўлса ҳар киши ёзғони кофирможаро.

Дўстлик йўлида ҳар хўрликка гар бўлсанг дучор,
Ўз, хумо¹ қушнинг қаноти соясин айлаб сиё².

Нома сотсанг бохабар бўл, кўз тегишлик хавфи бор,
Кўзи чиқсин ул ҳасадчининг, дебон битгил дуо.

Гар ўқисанг бир китобда маъшуқа раҳм этганин,
Шу varaк хошиясига ёзки: жон бўлсин фидо.

Сен агар ёрим билан сайр айласанг, қўлинг билан –
Ўз, менинг номимни хоки пойи деб шу йўл аро.

Учраса Ғолиб тахаллус гар ғазал ичра, ўчир,
Ўрнига мағлуб, деб ёзгил азизим, доимо.

* * *

Келинг, бу мендаги ишқ ишқ эмас, бўлсин жунун –
ваҳшат,

Ана шул ваҳшатим бўлсин сенинг-чун шон ила
шуҳрат.

Аё³ эй, ёри жоним, узмагил мендан алоқангни –
Ки, жилла қурмаса, бўлсин адоват ёки бир ғурбат.

Ўзингни тортмагил, бўлсам бўлибман, ҳечқиси
йўқдир,

Буюр ташриф, мажлис бўлмаса, бордир бирор хилват.

Эмасман сенга душман, майли ағёр кўнглича бўлсин,
Муҳаббат унга-ю, менга насиба ташвишу фурқат.

¹ Хумо – кимнинг бошига сояси тушса, ўша киши бахтли бўлади, деб эътиқод қилинадиган афсонавий давлат куши.

² Сиё(х) – қора, қоронғилик.

³ Аё – нидо калимаси: эй.

Ўзинг-ла бирга бўлсин ҳарнаки бўлса бисотингда,
Хабардорлик агарда бўлмаса, балки бўлар ғафлат.

Яшиндек умр ҳар қанча агарчи тез ўтар, аммо
Юракни қон қилишга лоақал топмоқ керак фурсат.

Вафони тарк этиш йўқдир сира фикру хаёлимда,
Қўйинг, ишқ бўлмасин, майли, мусибатга қўнар тоқат.

Фалак, йўқ инсофинг, менга, ахир, бергил бирор нарса,
Ақалли, яхшидир берсанг менга дод этгали рухсат.

Асад, ёрдан умид узма, унинг ёди билан бўлгил,
Висоли бўлмаса, шояд муяссар бўлғуси ҳасрат.

* * *

Яхшидур на кофиру на соҳиби имон яшаш,
Хайф эрур кофир ўлишлик ёки мусулмон яшаш.

Риндлар¹ аҳволини, эй ёр, мендан сўрмагил,
Шунча билгумдирки, мушкилрок эрур бу он яшаш.

Парда ичра қанча сирлар яшириндир банд-банд,
Гар ўлим мактуб бўлса, унгадир унвон яшаш.

Жонни топшир ёр васли пайтида, йўқ эрса сен
Биз каби бўлгунг пушаймонки, эмас имкон яшаш.

¹ Ринд – шарият ва тарикат босқичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган ҳур фикрли, исёнкор, майпараст, илоҳий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади.

Кўринур гоҳ кўзга зулмат, гоҳи нур, билмам нечун?
Хуш бўлур беаҳриман¹, бедину беяздон² яшаш.

Файзли мазмуни бор ортиқча такрор айб эмас,
Нуктадонлар хотирида кечмагай чандон яшаш.

Вақт ғанимат Ғолибо, Хинддан чикиб килғил сафар,
Хуш Нажафда ўлмоқ, Исфаҳонаро хар он яшаш.



Чустий таржимаси

Мен билан чакчаклашиш фикрини қил бир кун келиб,
Ранжитурман йўқ эса мен ногаҳон мастлик қилиб.

Фахр этиш бўлмас баланд уйларга; дунё бекарор,
Унда турганлар тушар бир кун тубанга сирпалиб.

Ўйлаб эрдим келтирар деб бир бало кашшоклик,
На қилай, май ичдим, ишрат айладим мен қарз олиб.

Қайгу-андух куйларин билгил ғанимат, эй кўнгил,
Бир куни сингай ҳаёт сози, уни бўлмас чалиб.

* * *

Узоқдан ғунчани кўрсатма менга ғунча шундай деб,
«Нечук бўлса?» – дедим, кўрсат уни оғзингда бундай
деб.

¹ *Беаҳриман* – Аҳримансиз. Аҳриман – зардуштийлик динида ёмонлик худоси.

² *Беяздон* – Худосиз, Тангрисиз.

Ракиб бирлан бу окшом нелар этдинг, деб сўраб
эрдим,

Ёнимга келди, ўлтирди, тикилди ушбу кундай деб.

Бокиб оғзига базм ичра жим ўлтирмоқ эмас мумкин,
 Оғиз очмасдан ўлтирмоқда ўлтир худди мендай деб.

Ракибдан холи бир суҳбат курайлик деб эдим унга,
 Мени ҳайдаб чикарди холи суҳбат худди шундай деб.

Нигорим ҳуш кетиш қандайлигин мендан сўраб
колди.

Кўриб беҳушлигим эсган сабо кўрсатди бундай деб.

Эсимда йўк экан ёр кўйида қандай тутиш ўзни,
 Оёғин излари кўрсатди дархол худди шундай деб.

Сўралса: шеъри форсий урдудан рашк этгуси қандай,
 Ўқиб бер, Ғолиб, ашъорингни, мазмун айла бундай
деб.

* * *

Эй ситамгар, бўлмагансан ҳеч кишига меҳрибон,
 Қилмаган зулмингни менга бошқага қилдинг чунон.

Тенглашолмасдан ҳануз дилбар жамолига куёш,
 Отди осмонга қазо илги ани бермай омон.

Қадру киймат ҳиммату ғайрат била ўлчангуси,
 Кўз ёши гавҳар бўлолмай колди бир томчисимон.

Дилбаримнинг қоматини кўрмасимдан илгари
 Дилда йўк эрди қиёматга ишончим ҳеч қачон.

Ранжишин кўргач ракибдан ёрнинг хурсанд эдим,
Ишк дарсин яхши билмас содда эрканман ҳамон.

Бас, гуноҳ дарёсида ҳатто этак нам бўлмади,
Кирдиму сув оз экан, дарё куриб колди шу он.

Эй Асад, сув босмаган эрди юрак ўтхонасин,
Чикмаган эрди жигар ишдан юриб турганди қон.

* * *

Нега жоним аяй мен ул паридан,
Менга имон азиз эрмасми дерман.

Ўкин пайкони жонимдан лазиздур,
Юракдан чикди, аммо саклади тан.

Чидам даркор, дўку даъвога Ғолиб,
Эса жонинг ширин, иш мушкул эркан.

* * *

На мен ёқимли оханг, на сози хуш навомен,
Мағлубият дуторин торидаги садомен.

Оворасен сочингга оро бериш-ла доим,
Юз минг хаёл бошимда, ўйлашга мубталомен.

Тоқатда лоф уришлик, алдаш ўзи ўзини,
Ҳаддан ошса-да чунон дардинг, дедим давомен.

Бўлсам қани, ситамгар нозин умидин этмай,
Ул ноз лаззатиға бир лаҳза ошномен.

Қалбимдаги бор коним мужгонин этди гулгун,
Қолса бирорта томчи мен унга норизомен.

Эвох, жонга офат минг ғамзаю ишва сенда,
Сенинг макру зулмингга, юз воҳким, адомен.

Ҳолимни сўрган эрсанг, ёрим, нима бўлибдур,
Сен бир ғарибнавозу, мен бир ғариб гадомен.

Эвоҳки, бу Асаднинг умри тамом бўлибди,
Боғлаб хаётга ишқин дер эрди чин фидомен.

* * *

Ул ситамгар жабру зулми муъжиза, оромижон,
Энди этмас, зулм этишда энгилибди осмон.

Қонга ташна бўлса-бўлсин нозанин киприклари,
Қон томар киприқларимга ҳам керак бирмунча қон.

Биргадурмиз эл билан, бизни тирик деса бўлур,
Сен эсанг мангу хаёт деб ўғридек юрдинг ниҳон¹.

Нозу ғамзанг бир балоки, жумла оламга етар,
Шу бало кўнидаман, рашк офати ундан ёмон.

Эй Худо, асраб мени, ундан узоқлаштира хеч,
Бир мен эрмас зулм ўкига, бошқа ҳам бўлмиш нишон.

Мендин олмиш ўрнак ул тутқун қуш аҳволин кўринг,
Хору хас тўплаб кафасда айламоқчи ошён.

Мен ажаб бахти қаро қучдим аёғидан бориб,
Бир гадо деб жим турар эрди мени дарвозабон.

Шавку завқимда ғазалнинг эски чордевори тор,
Менга кенг майдон керак дил розин этмоққа баён.

¹ Ниҳон – пинҳон, яширин, махфий.

Барча давлатни Хусайнхонга яратмиш Ҳак, вале,
Элга ҳам бермиш бир оз, кўз тегмасин унга дебон.

Эй Худо, бу кайси бир олижаноб исми, тишим,
Шодланиб ўпди тилимдан номини айтган замон.

* * *

Ситамни ташлаган эрмиш, қачон ташларди ул барно,
Мудом айтур тагин: «Сенга юзим кўрсатмагум ҳатто».

Туну кун айланур етти само тинмай қарори йўқ,
Нетиб ташвиш этармиз, оқибат бир иш бўлур пайдо.

Муҳаббат деб бўлурму бўлмаса ҳатто ҳавас дилда,
Кўнгилда бўлмагач ҳеч нарса, янглиш бўлмағай асло.

Нечун биз йўлга тушдик номабарнинг¹ ортидан
шошиб,
Ўзимиз элтамизму номамизни балки, эй Оллоҳ!

Кетиб энди бўлибмиз дилрабо остонасидан биз
Чўкайлик қонлар ичра, майлига ғарк этса бу дарё.

Сўрар пайти келиб қолганда у Ғолиб ўзи ким деб,
Не десам бўлғай айтинг-чи биронтангиз, мени
шайдо?!

¹ Номабар – мактуб элтувчи, хат ташувчи.

* * *

Дилни сахни тор экан деб, шавқ этди шиква¹ пайдо,
Денгизнинг изтироби бир дур ичинда гўё.

Номамга бермагайсан ҳаргиз жавоб, билурман,
Ёзмокни шавки, найлай, ҳолимга қўймас асло.

Кўклам кузак оёғин рангин ҳиноси бўлса,
Кулфат экан ҳаётнинг маъноси бемуаммо.

Ҳижрон кунда қайнаб эттирма сайри гулшан,
Ёкмайди менга гуллар боғда кулишса бежо.

Маҳрам бўлиш муродим ёр ҳуснига ҳали ҳам,
Бошдан-оёқ вужудим кўздир кўришга ҳатто.

Ноз этмасидан аввал берган эдим кўнгулни,
Йўқ токатим – жамолин қилғум қачон тамошо.

Дерсан йиғи кўнгулда тилак билан баробар,
Йўқ, йўқ, кўзим муроди бўлмок мисоли дарё.

Ёримни ёд этарман бокиб, Асад, самога,
Тангри мисоли ул ҳам жабр айламоқда танхо.

* * *

Қолмамиш бир парча ҳам бўшлиқ бу кун гулшан аро,
Ҳар қарич ер лолалар кони билан топмиш жило.

Ким чидар хушёрликнинг дардига май бўлмаса,
Бўлмасам ожиз қадаҳ тушмас қўлимдан мутлако.

¹ Шиква – шикоят, нолиш.

Боғ аро булбулнинг аҳволин кўриб гуллар кулар,
Ишк бир девоналикдир, ўзга эрмас можаро.

Менда нотикликка бўлган иштиёк янги эмас,
Сўз чироғин буркишига қаршиман ҳар доимо.

Ишкнинг занжиридан юз марталаб топдик нажот,
Яхшилик билмас, нетай, дил қайта-қайта мубтало.

Қон юракда юрмаса, кўз нурина босгай туман,
Бўлмаса май нури гар майхона¹ ҳам топмас зиё.

Яшнаган боғинг сенинг кўнглимга бахш этди хузур,
Кимга ҳам ёққай бунинг олдида кайфу хуш ҳаво.

* * *

Қай жароҳатни тикишга чора бўлса ё даво,
Сен уни ёз душманам пешонасига, эй Худо.

Серҳино бармоқларин қилсанг тасаввур ёрнинг,
Томчи қон бордек кўрингуси юракда у ҳино.

Шарм этардинг, фаҳм этардинг, гар эшитса нолани,
Йўқ эшитгувчи, надур ошиқнинг оҳидан ибо.

Бағрини тиг кесмаса ул ошиқ аҳволига вой,
Минг таассуф, бўлмас бўйнига ханжар ошино.

Ғолиб, ул ошиқнинг аҳволига минг афсуским,
Топмай ўтса умрида бир ёри хунхор дилрабо.

¹ *Майхона (Майкада)* – шавқу завқу илоҳий файзга қон қончил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносида ҳам келади.

* * *

Ушбу хислат шуълалар, балки чақинда йўқ эрур,
Сохиру¹ айёру шўх фаттон² ўзи, айтгил, надур.

У бирор ножўя иш қилгай дебон кўркмам сира,
Рашк этурман шунчаки сен бирла агёр сўзлашур.

Ёпишиб қолди танимга қонга ботган кўйлагим,
Қолмади ҳожат, яқо йиртиш меним-чун нозарур.

Ўт тушиб ёнғач таним, кўнглим куйиб кул бўлди-ку,
Нега бу кулни титарсан, сенга не даркор ўлур?

Қойил эрмасман томирда юргучи қонга сира,
Кўзларимдан окмаса чак-чак, у қандай қон бўлур.

Айласак жаннатни ҳурмат боиси бор биргина,
У эса гул рангли май – ундан бўлак не ҳам бўлур.

Бода уч-тўрт хумда бўлса, барчасин ҳам сипқорай,
Шишаю жому қадаҳлар не керак, хумни кетур.

Сўзламокка йўқ мадорим, бўлса ҳам недур умид,
Энди мен қайси юрак-ла мақсадим айтгим келур.

У ҳаво боғлабди, чунким ҳамдам эрмиш шоҳға,
Йўкса Ғолибнинг шаҳарда обрўйи кам эрур.

¹ Соҳир – сеҳргар. Соҳири Бобил – Бобил сеҳргари: Хорут билан Морут.

² Фаттон – фитна солувчи, мафтун қилувчи, жозибали.

* * *

Гул назокатдан жудо, ажралса гулшандан агар,
Гар яко бўлмас этакда, бўлмас асло муътабар.

Оқди қоним хаммаси йиғлайвериб, йўқдир малор,
Этагимда бўлмаса ранги ўчиб кетмиш бадар.

Икки кўзи бирла ёр ҳуснига бокмоқда куёш,
Ёр уйин тиркишларида заррадан йўқдир асар.

Туйнугидан зарра нур тушса тонг отгандек бўлур,
Чунки ғам зиндони беҳад коп-коронғу, серхатар.

Хонавайрон этгай ишқ, лекин этар обод хам,
Тушса хирмонга чакин, сўнг анжуман шамъи ёнар.

Дилбарим ҳусни баҳор, ноз ила ўлдурди мени,
Қабрим устида шунинг-чун бўлди гуллар жилвагар.

Худди ҳар бир катра қон жисмимда бир янги яра,
Дард учун жисмим ҳам ўч, жон шу билан роҳат топар.

Ул сахий сокий ғурурин этди паст жайҳунлигим,
Кўзада май тўлкини ҳеч қолмади, қилғил назар.

Нотавонлик шунчалар жисмимни қуршаб олдики,
Қоматимни ҳам этолмасдан қолибман дардисар.

Юртда қадрим бормиди, бўлгай мусофирликда у,
Сигмаган гулшанга, Ғолиб, хору хас мен дарбадар.

* * *

Базмида мен бўлсаму қайтсам май ичмай менга ор,
Не учун зўрлаб ичирмас сокий, ман-ку тавбадор.

Бошка эрди бир вақтлар бу юрак бирлан жигар,
Санчилик бир ўққа икки нотавон бўлмиш қатор.

Борида тирноқда куч эрмасди хожат чок этиш,
Дилни чок этмок заруру энди йўк унда мадор.

Нотавонман, хаста Голиб келмас илгимдан ҳеч иш,
Ипга тушмасдан тугун, тирноқ эди мардонавор.

* * *

Бу юракнинг сир тўла оҳангидан эл беҳабар,
Ушбу сознинг пардасини бу никобдир дейдилар.

Менга санчилмай нега бегоналарга санчилур,
Ёндирад дилни бу ғам: ғайрга¹ ташларсан назар.

Ноладан саклаб ўзимни мен тирикдирман ҳамон,
Йўқса ўтлик битта оҳ жонимни тандан йўк қилар.

Шисалар май кайфиданми шунчалик ўйнадики,
Худди ҳар бурчакда зангбо зўр тамошо кўрсатар.

Кон эди қалбим чунон қимматбаҳо дурга, Асад,
На қилай, хижрон ғамида қолмади ундан асар.

¹ Ғайр – ёт, бегона, ўзга.

* * *

Илтижо қилмоққа нолам яхши бир услуб эрур,
Эй ситамгар, жабр қил, жабринг менга матлуб эрур.

Ишк даъвоси кизик! Хисравга¹ хизмат айласа,
Яхши ном Фарход учун фикрим номансуб эрур.

Чўлда яйрайман, уйим ҳам бир биёбондир, факат —
Чўл уйимдан кенг-у дилкашлик билан мағруб эрур.

Воқеа тўфони зўр мактабдир оқиллар учун,
Балки ҳодис² мушти устод калтагидан хўб эрур.

Ёр жабридан вафо аҳлин нечукдир ҳоли воҳ?!
Менга бокмас, у билур жисмим мисоли чўб эрур.

Гар шамол йўлида лола бўлмаса ёнган чирок,
Нега ҳуснин шуъласи тездан ўчиб, мағлуб эрур.

Бўлса сайёд гулдан ажратгай эди ушлаб сени,
Булбуло! У боғда йўқ, сенга қувонмоқ хўб эрур.

Балки жаннат ҳам қолишмасди кўчангдан, дилбарим,
Лекин ундан ҳам кўйингда мубталолар кўп эрур.

Қолмади шафқат ватандошлар, унутдингму, нечук
Нолидинг, Ғолиб, мусофирлик сенга маҳбуб эрур.

¹ *Хисрав* — подшо.

² *Ҳодис* — содир бўлган, юз берган.

* * *

На дермиз ул ҳам одам-ку, унга дил берса бергондир,
Ракиб бўлса бўлиб қолмиш, у бир қосид, на нуксондир.

Бугунча келмасин, лекин у келмай қолмасин дермиз,
Ажалдан бу талабни айламак бизга на имкондир.

Десам бу кўча ағёр кўчаси мумкин эрур, чунки,
Қачон боксам ракиб ёр кўчасида сайри-сайрондир.

Унга маълум экан ҳолим деб ўйлаб арз этолмайман,
Имою рамзи дер бизни булар хўб содда нодондир.

Атайлаб ҳолу аҳволим сўрайди ёр бозорда,
На дерман кўпчилик олдида, сўзлаш дема осондир.

Учи қайда вафонинг риштасин деб ўйламайсан ҳеч,
Қўлимга бок на бордир, демагилким сўзи ёлғондир.

Эшитмас у сўзимни мен жавоб олмак умид этмам,
Демак шундай экан, дил унга сўз айтмоққа ҳайрондир.

Етук санъат-ла моҳирлик муқофоти ҳасад бўлмиш,
Хунарнинг музди¹ найлай жабру зулму пасту
арзондир.

Ёмон эрмас деёлгай ким ғариб ошуфта Ғолибни,
Ҳақиқатда ёмон, аммо на бўлса ошиқ инсондир.

¹ Музд – хизмат ҳаққи.

* * *

Жимиб қонга беланган орзулар борки пинҳондир,
Ғариблар қабрида сўнган чароғман, умр сўнгондир.

Ҳамоно дилда дилбарнинг жамоли партавидан¹ бор,
Дилим Юсуф камалган хужраданур, яъни
зиндондир.

Бу кун бегоналарнинг бағрида ётганга ўхшарсан,
Тушимда, йўқса нега жилмаюрсан гар бу ёлғондир.

Худо билгайки, билмам, канчаларнинг қонларин
тўқдинг,
Бу қандай зўр қиёматким, бутун киприкларинг қондир.

Фано йўлида мен Ғолиб ўлимга мунтазир ҳар дам,
Ўлим – дунё чигал қорини² ҳал айлашга имқондир.

* * *

Қилур қимнинг, таажжуб, сўзу шеъридан шикоятлар,
Қийиб қоғоз бу хушқомат, қадим афсонага ўхшар³.

Қун ўтар мисоли сут оқизмоқ қатта дарёдан
Шу хил мушқилки, ёлғизлик азобин сўрма, эй дилбар.

Қўринг, қандай қилур тезлик бўйинга тушгали
шамшир
Чиқиб қиндан нафас янглиғ дами ўткирланиб ўйнар.

¹ *Партав* – нур, шуъла, ёғду.

² *Қор* – иш, амал.

³ Қадимги Эрон шоҳларидан бирининг хузурига қоғоз қалпоқ қийиб кириш расм бўлган экан.

Илинмас асти донолар кулоғининг тузоғига,
Сўзимнинг маъниси, яъни муродимга тушунмаслар.

Асир, Ғолиб, оёғим чўғда бетоқат бўлиб жизгин,
Кишан ҳар халқаси ўт устида соч торига ўхшар.

* * *

Менга васлин тунда бўлди ҳамдам меҳрибон парку,
Ҳаловатбахш-роҳатбахш ҳам оромижон парку.

Хирож олмоққа ҳожат колмади Чин шоҳидан бул кун
Сочин ҳар халқаси чун давлатим бўлди ҳар он парку.

Бинафша, ёсуман япроқлари менга тўшак бўлмиш,
Кўйибдур бошимга гулдасталардан бўстон парку.

Мунаввар қилди дилдорим жамоли хобгоҳимни,
Эрур Хулкар¹ тўшак, Миррих бошимга кадрдон
парку.

Олиб кўймоқчи бўлди ўртамизга нозанин юз шукр,
Кўтармакка мажолсиз эрди, қолди бир томон парку.

Дегил ёринг билан ухлашни қандай лаззати бўлғай,
Арога кўйса ул нуқрабаданли² ёри жон парку.

Фақат тонг отгуча шуъла берур, эй анжуман аҳли,
Суянманг шам нурига, бўлолмас ҳеч қачон парку.

¹ *Хулкар* – Сурайё: олти кичик юлдуздан иборат юлдузлар туркуми.


² *Нуқрабадан* – кумушбадан.

Ишонди тешага Фарҳод, уни теша ҳалок этди,
Суянсанг кимга у душман бўлур, бўлмас ёмон парку.

Фироқин кечасида шунчалар қаттиқ азоб чекдим,
Ётар жоним илон устидаю бошисимон парку.

Кетиб ҳушдин йиқилганда, мени дилдор ўлдиргач,
Унга энди кафансиз мурда жисмим жонажон парку.

Мудом золим фалак бу деб биз айтган нарса, эй Голиб,
Қадимдан эрди ғамхўр, меҳрибон, оромижон парку.



Шоислом Шомуҳамедов таржимаси

Маълум ўзингга буткул Ҳинду қаламравида¹
Кимса суҳанда қилмас мендек гавҳарфишонлик².

Ғамдан куйиб битибманким, энди йўқ мажолим,
Қолмабди сўз мажоли, қуввати мадҳхонлик.

Энди бу ғам ўтида доғу аламга ҳамдам,
Шуъла билан бу нутким қилганди ҳамзабонлик³.

Шамдек куйиб кетурга қурбим етар, билурсан,
Дил доғини эговлаб қирмоқ-ла бер омонлик.

Ташла мени ўт ичра кул бўлайин бутунлай,
Кўтармасанг баландга, кўрсатма меҳрибонлик.

¹ Қаламрав – мулк, қўл остидаги ерлар.

² Гавҳарфишон (Гавҳарафишон) – гавҳар сочувчи.

³ Ҳамзабонлик – суҳбатдошлик, сирдошлик.

Доим мени адоват ахли қилур надомат,
Менга раводир энди қилмакка саргардонлик.

Кексайдим энди ғамдин фақат ўлим нажотим,
Якбор¹ кетар бу ғамдан бўлганда навқиронлик.

Аҳвол ажиб, ҳаёт ҳам мамот аро муаллақ,
Жон ширину ҳаётим аччик ва шўр фиғонлик.

Ёнгин Мирзо таржимаси

Кўнгил берган кишиларда оху афғон нечук бўлғай?
Юраги йўк кишиларда тили бийрон нечук бўлғай?

Этди шарманда диловар², муҳаббатга ўқий лаънат,
Йўк, йўк! Ғамга этмасанг тоб, бир меҳрибон нечук
бўлғай?

Чаманзордан гапир менга, кўркма ҳамдард,
кафасдаман,
Ўт туташган бўлса дилга, ул ошён нечук бўлғай?

Қасрда ишк? Вафо надир? Қаён борсам ёрилғай бош,
Юрак ҳам тош, йўли ҳам тош. Ахир, имкон нечук
бўлғай?

Дилимга жо доимо сен. Бироқ, айт-чи, бу қандай сир,
Беркитурсан жамолингни кўздан, жонон, нечук
бўлғай?

¹ Якбор – бир йўла.

² Диловар – ботир, қаҳрамон, жасур.

Кўрсатардим сенга ҳам қилмишин Мажнуннинг,
Бошқа ғамлардан бўшаб, топсам ўзимдан хабар.

Изма-из бормоқ Хизир бирла бизга фарз эмас,
Майли, битта мўйсафид бўлди бизга ҳамсафар.

Нозли ёр атрофида тургучи, эй халойик!
Тегмангиз, гар учраса Ғолиби ошифтасар.

* * *

Дили нодон, сенга раво надур?
Ахир, айт, дардингга даво надур?

Биз-у мушток, улар эрур безор,
Эй Худойим! Бу можаро надур?

Менда ҳам бор-ку тил-забон охир,
Қани сўрсангки, муддао надур?

Бу паризод, бу нозанинлар ким?
Бу мақомлар, бу ноз-адо надур?

Қадди раъно ва зулфи анбар не?
Қора кош-кўзу сурмо надур?

Гулу сабза, ахир, келур қайдан?
Еру осмон, булут, хаво надур?

Қилай умид вафога мен қандай?
Ўзи билмайди у вафо надур?

«Яхшилиқ қил, бўлур сенга яхши»,
Яна дарвеш учун садо надур?

Жону тинни фидо қилай сенга,
Вассалом, мен билмам, дуо надур?

Арзимас Голибинг, бу гап тўғри,
Лекин олсанг текин, бало надур?

* * *

Мендаги дарду алам кўп қилибди бекарор,
Бормиди, золим, бирор сен каби ғафлатшиор!

Йўқ экан сабру қарор, ғамга тобинг йўқ экан,
Не учун бўлдинг, ахир, менга, эвоҳ ғамгусор?

Сенга ғам ўртоқлашув фикри келди не учун?
Қасд қилибсан ўзингга, менга, нодон, бўлиб ёр.

Ваъда қилдинг бир умр сен вафодор бўлгали,
Бўлса кошки кимсада бу умрга эътибор!

Бир захардир мен учун бу ҳаёт об-ҳавоси,
Чунки шу об-ҳаводан етди сенга кўп озор.

Бўлмайин деб шармисор, сен бекининг ер аро,
Сир тутишда севгини йўқ экан сендек айёр.

Ишк-мухаббат ўлди, бас, унда обрў колмади,
Қолмади дунёда ҳеч кимса аҳдга вафодор.

Тиғ қадовчи қўллари, афсус, ишдан чиқибди,
Ташна дилга етмади яхшироқ зарба бирор.

* * *

Қайским сахрою даштда кўб кезибдир зор-зор,
Бошка ошикларга жой бермабди дунё – кўнгли тор.

Ишк хавосидан юракка неча ўтлар ёндашур,
Неча оташ тафтидан кўнгили бўлармиш нор-нор¹.

Мен тушим, ўнгимда сен-ла қанча суҳбат айладим,
Не зарар, не суд² кўрибман, барчаси бекор-кор.

Ишк мактабгоҳида шогирди содикман ҳануз,
Не саводим чиқди-ю, не тарк қилдим ихтиёр.

Бир ўлим бирлан кафан айбимни ёпгайдир факат,
Йўкса, ҳар қандай либосда бору йўғим ошкор.

Эй Асад, Фарҳод неча тоғни кесар полвон эди,
Аммо ошиклик йўлинда бўлди ул ҳам тор-мор.

* * *

Токатим ток бўлди ишқдан, чорайи жон истарам,
Меҳр кўрсат, дилрабо, меҳрингни чандон истарам.

Хору ҳас гулханга тушгач, лов этиб ёнгай бешак,
Мен лабинг завқ ўтида ёнмоқни обдон истарам.

Рашк этурман сенга кўз солса баногоҳ бир ракиб,
Келмоғинг жавлон уриб бул кеча, жонон, истарам.

¹ Нор – бу ерда: ўт, олов.

² Суд – фойда, наф, манфаат.

Кўзларимга жо бўлиб, уйқуни кўздан махв эт,
Лаҳза-лаҳза шафкатинг кўрмоқ фаровон истарам.

Мен жамолинг кўргали мухтожу муштокман, гўзал,
Бунчалик ғурбатни даф этмоққа имкон истарам.

Нағмайи базми хаёлингдан дилимда минг савол,
Бизга ҳам бўлгайму деб бир лаҳза эҳсон истарам.

Сен вафо бегонасию, мен хавас ошуфтаси,
Майли, меҳринг соғиниб, ўтмоқни сарсон истарам.

Баски, бизга шафкатингдан бир жило кўрсатмагил,
Лек хаёлинг мавжида сурмоқни даврон истарам.

Ғолибо, гарчи жафолар илгида¹ кондир жигар,
Ранж агар шундоқ ширин, бул ранжни ҳар он истарам.

* * *


Ишқ майдонига марду ҳам жасур инсон керак,
Бўлмаса, кизгин курашларга чидам бермас юрак.

Мен ўлимдан титрар эрдим ҳар тасодиф чоғида,
Рангу рўйим каҳрабоси – бул ҳақиқатдан дарак.

Ишқ – вафодан бир рисола ёзгали урдим қалам,
Аммо фикрим кўп паришон эрди, жоним жонсарак.

Томиримда кон оқур, мисли ҳаёт дарёси ул,
Бағримиз водийсини алвон гулистон қилгудак.

¹ Илиғ – қўл.



Менга кўнгил берибди! – деб шиква қилмоқ – ғалат.

Ўйла:

Ўзингни торгмасанг дилбар, бу имтихон нечук

бўлғай?

Синдирмагин дил шишасин, етар фитна, етар нозлар...
Бировга дўст эсанг барно, аҳду паймон нечук бўлғай?

Агарда бу синов бўлса, азоб бермоқни не дерлар,
Бўлибсан ўзгага маҳбуб, синовлар, жон, нечук бўлғай?

Дединг: «Ағёр ила суҳбат куришда не ёмонлик бор?»
Ки, рост айтдинг, тилим лолдир. Умид-армон нечук
бўлғай?

Не фойда таънадан, Голиб? Гина-кудрат эрур бесуд¹,
«Раҳмсиз» дегонинг бирлан, берар эҳсон нечук
бўлғай?

* * *

Остонагда ётишга доим кодир эмасман,
Лаънат ушбу ҳаётга. Йўқ, тамагир эмасман.

Доим чир айланишдан нечун ҳовлиқмасин дил,
Мен инсонман. На коса, ҳалқа, занжир эмасман.

Ё Раб, нечун замона йўқотмоқчи вужудим?!
Ошкор айтай: сўнувчи жисмга доир эмасман.

Не сабабдан бунча ҳам йўқ олдингда кимматим?
Мен, ахир, ёқут, зумрад – жинси нодир эмасман.

¹ Бесуд – бефойда.

Майли, оёк кўявер кўзимга тортинмасдан
Бари мучам бутундир, каму косир¹ эмасман.

Ўпай десам оёгинг сен монелик килурсан,
Наҳотки, кўк малаги, тақдири бир эмасман.

Маошхўрсан, эй Ғолиб, подшоҳни дуо кил,
Замон ўтди дейишга «мен тамагир эмасман».

* * *

Бизни кутмоқлик эди-ю, сенга раво бир неча кун,
Ёлғиз бориб тургин ўзинг, майли, танҳо бир неча кун.

Кунни кеча келдинг ахир, кетмоққа жазм этдинг бугун,
Қол демайман, тургин мудом, эй бебаҳо, бир неча кун.

«Қиёмат кун учрашурмиз» дейсан менга –
ҳақ сўзладинг,
Бугун қиёмат кун эмас, бордир гўё бир неча кун.

Сен мунаввар этган уйим, ўн тўрт кунлик ойим эдинг,
Кетди файзи хонамизнинг, ёнмай зиё бир неча кун.

Майли, ўгир мендан юзинг! Майли, дема дўстларга
сўз,
Эҳ, этмадинг болаларинг юз тамошо бир неча кун.

Яхшиманми ёки ёмон. Шунча муддат ўтди, қаранг
Кетдинг оламдин бунча ёш, турмай доно бир неча кун.

¹ Косир – нуқсонли, айбли.

Ҳажрида қандай ўтар бу каро, селли кеча?
Кўзларимга тун бўйи кўкда юлдузлар даркор.

Зор кулок овозига, кўз жамолин соғинур,
Битта ёлғиз дилга, бир неча хил ташвиш бор.

Ишқ хали, Голиб, йирок эрди девоналикдан,
Қолди армон канчалар: бўлмадим мен хору зор!

* * *

Умид шакли ҳеч дунёга келмас,
Бирорта чора мияга келмас.

Ўлим-ку бир кун келгай албатта,
Бутун тун уйку бу нега келмас?

Келарди аввал ҳолима кулги,
Бироқ энди ҳеч нарсага келмас.

Ибодатда йўқ ҳеч савоб, маълум,
Тилим лол, асло калмага¹ келмас.

Сукут этдим мен, демак бир гап бор,
Деманг сиз: тили «йўқ», «ҳа»га келмас.

Вужудим шундай ердаки, ундан —
Хабар ўзимдек зотга ҳам келмас.

Нега кичкирай? Агар овозим —
Келмаса, дейди: «Бу нега келмас».

¹ *Калма* – калима, сўз, ибора.

Кўринмас дилнинг яроси, лекин –
Нахотки, хид ҳам сенга келмас?

Борурсан қайси юз-ла Каъбага?
Номус-ор, Ғолиб, ёдингга келмас!

* * *

Бўлур таъсир, муҳаббат бекор эмас,
Уни бекор деганлар бедор эмас.

Шаробли жом – кўчиб юрган салтанат,
Унда Жамшид муҳри, исми бор эмас.

Сенинг жилванг билан обод бу олам,
Куёшсиз зарра ҳам жилвакор эмас.

Бўлур дунёга дoston маъшук сири,
Ўлиш бизга, бўлмаса, душвор эмас.

Мен ўткинчи қувончлардан кўрқаман,
Тугалмас ғам-алам унча кор эмас.

Умид, Ғолиб, яшашга бир таянчмиш,
Яшашдан ҳам кўнгил умидвор эмас.

* * *

Ёр жафоси вафони тарк этишдан нишонмас,
Бир ҳазил бу – муроди кийнашу имтиҳонмас.

Қайси тил-ла ташаккур билдирай илтифотга?
У сўрайди ҳол-аҳвол, тил бироқ таржимонмас.

Кўхна фалак, ғаддор фалак! Ориф хали ниҳол эди
Не бўлурди гул сўлмаса, айлаб наво бир неча кун?

«Максудинг не яшамокдин?» – дединг Ғолибга бир
куни
Яшамоклик тақдирда бор бу таманно бир неча кун.

* * *

Сен менга вафо қилдинг, ағёрлар жафо дерлар,
Қадимдан бўлиб келган: ҳақни ҳам хато дерлар.

Хаста ҳолими сўзлаб у даргоҳга боргайман,
Тингланурми арзи ҳол? Тағин не раво дерлар?

Азалдан шундай бўлар, қилмайди ақл бовар¹,
Маю нағма – сурудни² кўр, андуҳрабо³ дерлар.

Бизнинг асл саждагоҳ идрокдан йирок тургай,
Назар аҳли қиблани ҳам қибланамо дерлар.

Абгорлар оёғига раҳм қилди сафо аҳли⁴,
Кўчангда тиконларни, бил, меҳригиё дерлар.

Юракда олов бордир, шул вайдан жўшар қалбим,
Ўт-олов эрур матлуб, гар бўлса ҳаво дерлар.

Бу шўхнинг мағрурлиги бахайр бўлсин охир,
Унинг ҳар қилиғига «Оҳ! Дод! Тасанно!» дерлар.

¹ *Бовар* – 1) ишонч, ишониш; 2) тўғри, ҳақиқат.

² *Суруд* – куй, оҳанг; кўшиқ, ашула.

³ *Андуҳрабо* – ғамни олиб кетувчи.

⁴ *Сафо аҳли* – кўнгли соф, покиза кишилар, илоҳий оламдан баҳра олувчилар.

Ваҳшату Шефта¹ энди марсияхон бўлиб шояд,
Ғолибни ҳам «ўлиб кетди шўрлик, бенаво» дерлар.

* * *

Ғам чекардим: ҳолими қилсам изҳор – чораси қандай
бўлғай?

Арз қилдиму бўлмади, яна бир бор, чораси қандай
бўлғай?

Доим бошимда бир фикр – унинг номин дерлар висол,
Қимга йиғлай бўлмаса, бўлса ночор, чораси қандай
бўлғай?

Шу тортиниш, шу одоб бўлса агар, мен найлайин,
Бўлсам шундай безабону, андиша-ор, чораси қандай
бўлғай?

Ўзинг айт-чи: қандайин кун кўруркан бутпарастлар?
Тош кўнгилга ҳеч нима қилмаса қор, чораси қандай
бўлғай?

Агар боқсанг ойнага, унутарсан ўзинг дарҳол,
Биров сенга кўчада келса дучор, чораси қандай
бўлғай?

Ундан бизга умиду унга бизнинг қадримиздир,
Тилга олмок бўлса гар, тилга озор, чораси қандай
бўлғай?

Мужгонларингни кўриб бергил ўзинг бир маслаҳат
Ғар юракка санчилса бу тиғи хор², чораси қандай
бўлғай?

¹ Ваҳшат, Шефта – Ғолибга замондош хинд шоирлари.

² Хор – тикан.

Гумоним тўғри чикди – хат билан тўлди кўнгил,
Кўнмаса бу кўзларим истаб дийдор, чораси кандай
бўлғай?

Насиб бўлса бировга менга тушган бу қаро кун
Кун демаса у тунни, бу кўп душвор¹, чораси кандай
бўлғай?

Мен-ку Мажнун эмасман, Ҳазрат Голиб дейдилар:
«Ҳижронда дил топса гар таскин бирор, чораси
кандай бўлғай?»

* * *

Қани, аҳбоб, пешонамда абад висоли ёр бўлса,
Тирик юрсак, ажабмасди ўша дилдор хумор бўлса.

Ваъдам билан яшади деб ўйламагин, янглишурсан:
Чок-чок сўкилмасми юрак башарти эътибор бўлса?

Нозиклигингдан пайкадим нобоплигин аҳдингни ҳам,
Бузолмасдинг ўн оламда кароринг устувор бўлса.

Шу ҳам дўстликмики, носих² келиб-келиб бўлса жўра,
Бу дардлар дилни тешмасди карамли ғамгузор бўлса!

Қатор тошлар томиридан томарди тўхтамай конлар,
Агар сен «ғам» деган нарса ёқутдай ўт – шарор бўлса.

¹ Душвор – кийин, мушкул, оғир.

² Носих – насиҳатгўй.

Дарду ғамга ҳалокат ёр, бироқ дардсиз юрак бўлмас —
Ажал афзал бўларди, гар ўлмак ҳам бир бор бўлса.

Бунда бордир ғами даврон, унда бўлса ёр висоли,
Нима ҳам деб айтай сенга, дилда икки қарор бўлса.

Тасаввуф йўлларин баён этурга Ғолиб мумтоздир,
Авлиё деб атардилар шаробдин парҳездор бўлса.

* * *

Куйиб кул бўлдимۇ тўздим, офтобрухсор кўриб,
Рашк этурман ўз-ўзимдан қуввату дийдор кўриб.

Оташпараст дейди жаҳон аҳли мени тилга олиб...
Нола-оҳимни ҳамиша ўтли, шуълавор кўриб.

Борми обрў севгида расм бўлса жабру жафо?
Йўлларингни тўсдим, дилбар, бесабаб озор кўриб.

Воҳасрато! Бас қил энди, эй жафокор ситамларинг?
Бок, мени озору қийнок лаззатиға зор кўриб.

Шеър бирла ўзимиз ҳам сотилиб кетсак ажаб,
Лекин харидорни кўриб табиату меъёр кўриб.

Боғла зуннор! Юз донали тасбеҳни уз, улоқтир!
Йўл босади йўлчилар йўлни равону ғаддор кўриб.

Оёқдаги пуфакчаларни кўрибон кўрқдим аввал,
Кўнгил қувонди охири йўлни тиканзор кўриб.

Бадгумон бўлгонини кўр: тўтининг акси эмиш,
У кўқарган ойнамни зарду¹ – зангдор² кўриб!

Қатл этгали келгай ўзи, бироқ рашкнинг оташида
Ўртанурман илгида шамширин тигдор кўриб.

Исбот этилди айби ҳам: гулгун қадахнинг бўйни қон:
Шаробга бок, титрайди-я юришларинг дилдор кўриб.

Биз қолиб, Турга³ нега тушди жамолнинг шуъласи?
Чунки тутурлар майни тез у ҳиммати майхор кўриб.

Сабри тугаб девонавор Ғолиб бошин ёрмоқ бўлур
Ёдима келмиш бу ўй, бундай қонли девор кўриб.

* * *

Тилга олмоқ бизни ҳатто камситиб, манзур эмас;
Ҳам ракибнинг гар бузулса режаси кўп, дур⁴ эмас.

Гулзоримни сайр этишга ваъда қилди – дил қувон!
Қатл этишга мужда бордир, лекин у мазкур эмас.

Бор вужуди мутлақ ёрнинг бели⁵ эрур бу олам;
Одамлару бор дейди, бизга бу манзур эмас.

Қатра бўлсак ҳам аслда дарё эрурмиз, лекин –
Ётдир даъво қилмоқлик: «Биз паст ҳиммат, Мансур
эмас».

¹ *Зард* – сарик.

² *Зангдор* – занг босган.

³ *Тур* – Мусо алайҳиссалом Оллоҳ таоло билан сўзлашган Арабистондаги тоғ.

⁴ *Дур* – узок, олис, йирок.

⁵ *Бел* – комил инсоннинг фикру таҳайюли. Ингичка (қилдай) бел – бу фикру таҳайюлнинг позик ва теранлиги.

Аттанг-аттанг, куч-кувватдан қолмади дўстлар, нишон
Энди ишқнинг жангларига танзимиз мақдур¹ эмас.

«Қиёматда сенга эришарман» десам ёрима мен,
Кибру ҳаво ноз била дер: «Биз одамзод, ҳур эмас».

Гар карам келмас эса қўлдан, қил зулм! Жоним зулм!
Сен тағофул айламоққа заррача маъзур эмас.

Асл Жамшид май дўконин бода харидоримиз,
Ҳоли войдир, агарда май шарбати ангур² эмас!

Зухурийнинг каршисида Хафийман³, эй Голиб;
Менинг даъвойимга дерлар: «У, ахир, машҳур эмас».

* * *

Бермайман, асло кўнгил, гарчанд йўл аро топдим;
Йўқолур кўнгил борми, жоним, муддао топдим.

Ишқ кўйида бу кўнгил учгай завқ қанотида,
Дардима даво топдим, дарди бедаво топдим.

Эътибор ғанимларга, йўқ кўнгилга ошнолик,
Охим беасар⁴ чиқди, нола норасо топдим.

Соддалиқ ва айёрлик, беҳушлигу хушёрлик!
Ҳусн аҳлин тараҳҳумда жуда беҳаё топдим.

¹ *Мақдур* – қудрат, қувват.

² *Ангур* – узум.

³ *Зухурий, Хафий* – Голибга замондош хинд шоирлари.

⁴ *Беасар* – таъсирсиз.

Навбахор яна келди, гуллар очди гулшанлар,
Қон эди юрак, кўрдим; дилни бенаво топдим.

Қалбнинг холи не кечди хабарсизману бироқ,
Неча бора изладим чиқди бир садо: «Топдим».

Насиҳат била носих туз сепди яроларға,
Сўрсайди биров ундан, дермиди: «Сафо топдим».

* * *

У даргоҳга етгач нега хушдан кетурман илдам?
Чунки миннатдорлик билан ўпмок бўлурман кадам.

Менга кўнгил, мен кўнгилга дарс берурмиз вафодан –
Шунчалар ром қилмиш ўзга иккимизни ғам-алам!

Қил тағофул, бироқ таниб... ёнсин умид юлдузи.
Бир захардир, ёт қарашлар. Асли ундан эмас кам.

Юракни қон қилурсан, деб изламагин баҳона,
Жоду кўзнинг хусни турсин, тилагим шу, ҳеч эркам.

Сен шу қадар нозик-нихол фиғон дейсан жимликни.
Мен шу қадар ожизманки, тағофул менга – ситам!

Шавқимизга бу шаҳар манзил эмасдир сўнггиси...
Йўқдир ҳавас сайр этарга. Кутар мени Каъба шу дам.

Олиб кетар Ғолибини қайси манзилга умид,
«Карам» деган йўлга тортар шу сўзда ишқ мужассам.

Миртемир таржимаси

Зоҳид, ҳадеб мактаганинг ўша жаннат, боғи ризвон –
Биз беҳудлар кулбасида бойлам гулки сўлғин, хазон.

У мужгонлар азобини сенга қандоқ қилай баён,
Юрагим қон, катралари нақ кирмизи шода маржон.

Замон агар имкон берса, кўрсатардим хўб томошо,
Дилимда бир оташ ёнар, кўрсанг қилур лолу хайрон.

Жамолинг жилваси кўзгу уйида товланур андоқ –
Ки, шудринг ичра кун ўйнар жимир-жимир қилиб
хар он.

Не-не орзу қурбон бўлиб, пинҳон ётар сукунатда,
Ғарибларнинг гўридаги ўчиқ шамдай мен безабон.

Лекин хануз дил уйида ёр жамолин учкуни бор,
Маъюс кўнглим, мунглуғ кўнглим гўё Юсуф ётмиш
зиндон.

Бир оёғи гўрда Ғолиб, дилни бир ўй банд айлаган,
Ўлим – таркок хаёлларга нукта қўйса недур гумон.

Ҳамид Ғулом таржимаси

Ҳавасли дилда доим иштиёқ бор,
Ўлим борки, киши ҳар ишда тезкор.

Тағофилни юзингга қилма парда,
Ўзингни билмаганга солма, эй ёр!

Қилиб бежо иноят ғайриларга,
Нечун бизга шикоят, нолаю зор?

Менга бир марта чин дилдан қараб қўй,
Синаш сабру қароримни на даркор?

Хасу чўп ёнса бир онда бўлур кул,
Мисоли пуч ҳаваским, ҳамма безор.

Нафас денгизда оний мавж кабидир,
Унутма, сокиё, бўлгил мададкор.

Хушим йўқ ёр либоси атрига ҳам,
Сабо бечорадек тўйдим кезиб хор.

Денгизсиз бекадр сув зарраси ҳам,
Факат ёлғиз яшашдан не умид бор?

Нигоҳинг ханжарин кўксимга санчгил,
Неча қурбон қатори мен фидокор.

Вафо мулкига ўт қўйгувчи, тингла –
Кўнгил синганда чиққан сасни якбор.

Чидамни борми даъво қилгучи мард?
Бу пора-пора дил вайрону абгор.

Сенинг ваъданг омонсиз, қотилона,
Сенинг ишванг кўнгилни қилди тор-мор.

Сўзи, рафтори¹, Ғолиб, жонга офат,
Имоси, нози кулфатга сабабкор.

¹ Рафтор – юриш.

Пулат Мумин таржимаси

Тегишсам-у ғинг демаса у наҳот?
Ичган бўлса ўшқирарди шу заҳот.

Хох қаҳр бўл, хох бало бўл, майлига,
Ўзни менга этсанг эди мукофот.

Пешонамда бир талай ғам, эй Худо,
Кўпрок юрак бермадинг-да, сен ҳайҳот!

Эпақайга келиб қоларди Ғолиб,
Бир неча кун кечирсайди у хаёт.

Раҳмоиберди Муҳаммаджонов таржимаси

Эртани деб сен бугун бўлма зикна шаробда:
Соқийи кавсарни бу камситиш ҳар ҳисобда.

Биз бугун бўлдик нечун шунчалик хор? Кеча-ку —
Бир малак густохлиги ёкмади бизнинг бобда¹.

На қўлим тутган жилов, на оёқ узангида
Қайда тўхтаркин умр тулпори шу шитобда?

Ўз-ўзимдан шунчалар мен йирокман, қанчаки —
Дил эрур бегоналик ваҳмидан изтиробда.

¹ Боб — эшик.

Турли навда намоён битта денгиз бор, холос,
Маъни йўқ ҳеч бошқада – катра, тўлқин, хубобда¹.

Хуснига оро бериш бирла банддир у хануз,
Ойна тутган илгида, хусни бўлса никобда.

Ғолибо, дўст дўстининг дўстида дўстни кўрур,
Ҳаққа таъзим килурман, кўзларим Бу Туробда².

* * *

Гўдакларга ўйинчок дунё менинг олдимда,
Эртаю кеч тамошо гўё менинг олдимда.

Шунчаки бир ҳазилдир тахти Сулаймон, билсанг,
Сафсата бир сеҳргар Исо менинг олдимда.

Қуп-курук гап бу олам, дунё менинг фикримча,
Барча борлик хаёлдир танҳо менинг олдимда.

Бўлди гард ичра ниҳон сахро менинг қаршимда,
Кирди ернинг бағрига дарё менинг олдимда.

Не кечур холим менинг сендан кейин – сўрмагил.
Бок ўзингга, эсу ҳуш Анко³ менинг олдимда.

Ҳақ гапирдинг, нега мен бермай оро ўзимга?
Нозанин бир ойина сиймо менинг олдимда.

Рашк этардинг гапирсам, гул-лолалар сочардим,
Кошки бўлсайди коса, мийно⁴ менинг олдимда.

¹ *Хубоб* – сув юзида пайдо бўладиган пуфакча, кўпик.

² *Бу Туроб* – Ҳазрат Али.

³ *Анко* – Қоф тоғида яшайдиган афсонавий қушнинг номи;
мажозан: топилмас, нодир, ягона.

⁴ *Мийно* – май шишаси.

Дейди рашкимни нафрат, айтай десам тилим йўк:
«Номин олма тилингга асло менинг олдимда».

Мен-ку ошиқ, биров ром қилмоққа хўп устаман,
Топгай Мажнунда нуқсон Лайло менинг олдимда.

Тўсди имон йўлимни, қуфр судрайди олға,
Қолди оркамда Каъба, калисо менинг олдимда.

Лахталаб қон ютарман, бўлсайди, ох, охири,
Бор хали неча жабру жафо менинг олдимда.

Гарчи бўлди қўлим шол, қўзлар очик, сокиё!
Олма, турсин косаю мийно менинг олдимда.

Ҳампешаю¹ ҳамкоса, сирдош эрур менга у,
Кам дема Ғолибни ҳеч, аъло менинг олдимда.

* * *

Жароҳатни биронта тикиб бўлмас баданда,
Умидсизлик ёшим ип бўлиб қолди сўзанда².

Маломат, таъналардан жунун савдоси кетди,
Бутун бўлди чок ёкам дўсту ёрим қулганда.

Қуёш юзли нигорнинг юзин кўрган заҳоти,
Учиб ойна сайқали, паноҳ излар равзанда³.

Жунун савдоси менга юрак бахш этти минглаб,
Қуйиб ҳар катра қоним қора доғ бўлди танда.

¹ *Ҳампеша* – ҳамкасб.

² *Сўзан* – игна, нина.

³ *Равзан* – туйнук, дарча, тешиқ.

Дурустман ё ёмонман – ниҳон, лекин шу гап бор:
Гул эрсам гар оловда, тикан бўлсам – чаманда,

Асад, мен яхшилар илтифотига асирман,
Карам-ла қучса гар қўл, бўлурман унга банда.

* * *

Лаб қўюр ағёр коса-жомига,
Биз эурмиз мунтазир пайғомига.

Хастадирман, йўк бироқ сендан гинам,
Айлади осмон гирифтор домига.

Хат ёзурман, гарчи йўқдир муддао,
Мен фақат хуштор эурман номига.

Севги бизни қилди, Ғолиб, нотавон,
Бизда ҳам етгайди иш анжомига¹.

* * *

Агар қилса ишора, мўлжал – нишон бошқа,
Қилур бўлса иноят, бўлгай гумон бошқа.

Қилиб арз чарчадим мен – ҳеч англамас, Худойим!
Бер унга дил, бермасанг менга забон бошқа.

Кора мужгонга пайванд нозли нигоҳ этибдир,
Эрур бу тир² муқаррар, лекин камон бошқа.

Шаҳарда сен борсан, йўқ менда ғам: айрилсам,
Бозордан келтирурман дил бирла жон бошқа.

¹ Анжом – охир, оқибат.

² Тир – ўқ, камон ўқи.

Йўк этдик синдириб биз канча ҳам бут-санамни,
Бирок олдинда катта тош кўп ҳамон бошқа.

Суюнма, берса кўнгил бир дам агарда тинчлик:
Тирик бўлсанг неча кун, бўлғай фиғон бошқа.

Юрак-бағрим эрур кон – йиғлар эдим хўп тўйиб,
Яна бир нечта бўлса кўз хунфишон бошқа.

Яна кўпдир жаҳонда манман деган шоирлар,
Бирок, Ғолибда дерлар, тарзи баён бошқа.

* * *

Даркор эрур бир умр охдан асар бўлгунча,
Ким бор ва ким йўк насиб зулфи анбар бўлгунча.

Денгизнинг ҳар тўлкини минг-минг наҳангга кондир,
Не-не азоб чекаркин қатра гуҳар бўлгунча.

Севги сабр тилайди, орзу сабрни билмас,
Кўнгилни не килай мен кон бу жигар бўлгунча?

Дейсан: «Тағофил этмам». Яхши бу гап. Аммо биз –
Тупрокка жо бўлурмиз сенга хабар бўлгунча.

Сочди қуёш нуруни – шабнам ўлимга маҳкум,
Мен ҳам тирик карам-ла ёрдан назар бўлгунча.

Бир лахзадир, зиёдмас, ғофил, ҳаёт муддати,
Мажлис кизиқдир факат ракси шарар бўлгунча.

Борми ўлимдан бўлак чора ҳаёт ғамига?
Ғолиб, ахир шам ўчмас субҳи сахар бўлгунча.

* * *

Қолишмас ёр феълидан дўзах асло шитобда,
Бўлай кофир бўлмаса агар роҳат азобда.

Билай кайдан, қачондан хароб дунёда борман,
Ҳажрли тунларим ҳам агар қолса ҳисобда!

Яна кўзига уйқу бир умр келмасин деб,
Келишга ваъда бердинг бугун тун чоғи хобда.

Бориб келгунча элчи яна ёзиб кўяй хат,
Ахир, маълум-ку, қандай бўлур таҳрир жавобда.

Унинг базмида бизга қадах қай кун тегувди!
Худойим, бўлмасин-да бирор ашё шаробда.

Ўзи билмас вафони, уни алдаб бўлурми?
Бекор дўстимдан этдим гумон душман ҳисобда.

Менинг кўнглим рақибдан қилиб ваҳма халақда,
Бирок шубҳа қилиб сен қолибсан не азобда!

Қани энда висол қайфи бўлса ихтиёрда!
Жон ҳадя қилмоқ эсан чиқибдир изтиробда.

У кош-кўзин чимирган никоб ичра хойнаҳой:
Кўринмоқда бир ажин аниқ-равшан никобда.

Оху нола кўнгилдан ололмас заррача жой,
Агар-чи шиддатида шикаст ер офтоб-да.

Биронта сеҳру жоду муродга етказолмас,
Ҳаттоки у туфайли кема юрсин саробда.

Шароб бегона бўлди, бироқ, Голиб, баъзида –
Ичурман кун булутли, тун оймўмали тобда.

* * *

Неча муддат бўлди ул ёрни меҳмон қилиб,
Дил уйин май жилваси бирла чароғон қилиб.

Тилка-пора дил-жигар, қайта якжо¹ қилурман:
Ўтди неча-неча кун, даъвати мужгон қилиб.

Жоним оғзимга келур боса-боса кўнгилни:
Йиллар ўтди бир неча чоки гирибон² қилиб.

Ишк яна кўрмоқ учун келди дилнинг захмини,
Мингта туздон лиммо-лим унга армуғон қилиб.

Кўз ботирмоқчи бўлур қаламни дил қонига,
Этагимни лолазор этгали паймон қилиб.

Кўз билан кўнгил яна ўз аро бўлмиш ракиб,
Тамошо ва тасаввур истагин дoston қилиб.

Дил маломат кўчасин қайта қилмоқчи тавоф,
Иззати нафс масжидин ағдариб, пайҳон қилиб.

Ишк яна бозорда харидорни ахтарур,
Ақлу хуш ва жону дил илгига маржон қилиб.

Ўйларим, фикрим яна лола-гулга толпинур,
Кўзларим олдида ёр оразин бўстон қилиб.

¹ Якжо – бир жойда.

² Гирибон – ёка.

Қайта ёрнинг номасин очгали дил беқарор,
Дилрабо сўзларига ўзини эҳсон қилиб.

Қайта кўзлар кимсани чорлагай том бошига,
Дейди: кел, юзларингга зулфинг паришон қилиб.

Дил яна бир кимсани кўмсади. Оҳ! Келса-чи –
Сурма-ла киприқларин ул тиғи паррон¹ қилиб.

Навбахор бир нозанин ёрни кўзлар ахтарур,
Учраса май тафтидан чехрасин бўстон қилиб!

Ётмоқ истар дил яна эшигида ёрнинг,
Хўп деса дарвозабон, ёстиғи остон қилиб.

Қайта дил орзу қилур ўша фурсат дамларин,
Дер: ўтирсам эрта-кеч фикр-ўйим жонон қилиб.

Тегма менга, Голибо! Ўлтиурман дунёни –
Этгали ғарк ёшима мен қарор-паймон қилиб.

* * *

Бўлса, ха, бордир, авлиё биров,
Дардимга қилсин бир даво биров.

Шариату қонун бор, бироқ бундай –
Қотила бергай не жазо биров?

Очсанг оғзингни, кесилар тилинг,
«Ха, ха» деб қилгай, бас, садо биров.

¹ Паррон – учувчи.

Эс-хушим учган, тил бирок алжир,
Англамай колсин, эй Худо, биров.

Тўс йўлин, босса ножўя кадам,
Эт афу, килса гар хато биров.

Шох Искандарни алдади Хизр!
Қилсин, айт, кимни раҳнамо биров?

Йўқ, умид, Ғолиб, на килур гина!
Майли, кел, қилсин кайф-сафо биров.

* * *

Ловиллаган гул ўти – оби ҳаёти шамнинг,
Нигорнинг оразидир ёниш бисоти шамнинг.

Тили-забон борлар ўлим деди сукутни,
Буни базмда исбот килди вафоти шамнинг.

Кўнгил сени ёд этиб хурсанд бўлиб килур ракс:
Шамол кўриб олар авж ракси нишоти шамнинг.

Мени нигор ёнида кўриб нега ўртанур?
Менинг дилимга доғдир бу «илтифоти» шамнинг.

* * *

Иноят кил, чакиргин, қайси кун сен истасанг:
Мен ўтган вақт эмасман, бу келолмайди, десанг.

Заифликда одамлар таънаси ҳеч гап эмас:
Ахир, таъна бош эмас, кўтаролмайди, десанг.

Бизга золим керакмас, золима биз керакмиз,
Бемурувват эмасдир, гарчи у меҳрибонмас.

Нега, нодон, сўрайсан ёзмишин пешонамга?
Бутга сажда килурман – шу нахотки, аёнмас?

Бўлди манзур шеърим; анча таҳсин эшитдим,
Менга пешво Жабраил гарчи ҳеч ҳамзабонмас.

Кўкрагингни тил, юрак пора-пора бўлмаса!
Тигни санчгил юракка, киприк агарда қонмас!

Сийнага иснод эрур, бўлмаса дил ўтхона,
Дилга исноддир нафас, гар оловга у қонмас.

Хайрият, ором учун қаҳр-итоби муяссар,
Афсус, ором олгали яроқли жисму жонмас.

Куйлагай жоним озор гаштини сурмоқ қийин,
Лабларимнинг сози ҳам маъюсу нолонмас.

Майли, бўса бермагин, лоақал, дашном бер,
Бор-ку оғзингда тилинг, лаб агар битқонмас.

Бўса нархи – битта жон, лекин у айтмас хали;
Яхши маълум-ку унга: Ғолиби нимжонмас.

* * *

Лаби лочин, унга ҳеч бир арзи ҳол қилиб бўлмас,
Битурми иш? Оғиз очиб ё якин келиб бўлмас.

Муҳаббатни ўйин билмиш, кетмасайди у ташлаб,
Илоҳим, кўнгли айтсин-да: «Қийнамай туриб бўлмас».

Юрибдир ғайри мактубингни кўз-кўз қилиб шундай,
Сўраб қолса биров «на?» деб, ҳеч қачон уриб бўлмас.

Эй куйдирди бу нозиклик, яхшидир, бироқ афсус,
Тушиб қолса агар қўлга, унга қўл уриб бўлмас.

Нега кутмай ўлимни мен – у, ахир, келур бир кун,
Сени кутмоққа йўқ умид, сени ҳеч келтириб бўлмас.

Елкама тушди шундай юк, кўтармоқ эрур мушқул,
Бошима тушди шундай иш, уддалаб-қилиб бўлмас.

Кўтармас севги зўрликни, шундай ўтки бу, Голиб –
Зўрлаб ёндириб бўлмас, зўрлаб ўчириб бўлмас.

* * *

Демайман ҳеч қачон мен менга бўлсин мурувват,
Ахир, бир нарса бўлсин, майли, бўлсин адоват.

Заифликдан кўнгилда қолмади ҳеч бир истак,
Кўнгилга юк ҳар нарса, юкдир ҳаттоки улфат.

Менинг сендан гинам шу: тилга олдинг ғайрини,
Нега ундан гап очдинг, гарчи бўлсин шикоят?

Одамлар дейди ҳамма дардга топилган даво,
Шу дардларнинг ичида йўқми дарди муҳаббат.

Ғариб-бекас эрурман, йўқ биров-ла алоқам,
Тортаман ўз-ўзимдан бўлса ҳатто хижолат.

Хаёл бирла ҳар инсон кўнгли гавжум ва обод,
Билурман анжуман мен, бўлса ҳаттоки хилват.

Захар кошки топилса, эй ситамгар! Ичардим –
Висолингга қасамми, бу ичолмайди, десанг.

* * *

Айтмаки, йўқ кўнглида қиёматга эътикод,
Бўлмас, аммо, у азоб дарди хижрондан зиёд.

Ким ёмон деб айтади, тунда бўлса оймўма?
Нолима ҳеч, кундузи йўқ эрур, деб, абру¹ бод.

Ташламайди бир назар етти ёт бегонадек,
«Мархабо» йўқ келсаму, кетсам айтмас: «Хайрбод!»²

Гоҳида келсам агар мен ғариб ҳам ёдига,
Дейди: «Мажлисида бугун йўқ бир оз фитнес-фасод».

Ийду байрамда фақат май тегур, деб айтди ким?
Майхона бор кўчада банда бўлмас номурод.

Бўлса бордир дунёда шодлик ҳам. Бизга нима?
Бизга теккан дил бўлак. Бўлмагай асло у шод.

Кўй, эй Голиб, ваъдасин не қилурсан эслатиб!
Барибир у айтади: «Қайси ваъда? Бу – ижод».

* * *

Чаман булбуллари, ташвишга тушманг, айласам
фарёд,
Зиёним сизга тегмас, мен кафасда, сиз эса озод.

¹ *Абру* – булут.

² *Хайрбод* – хайрлашиш, узоқлашиш.

Рақибга дўст бўлмоқ мен учун ғоятда мушкул иш,
У дўст бўлмоқни истар, рашк ила аммо дилим ношод¹.

Юрак-бағримни эзмокда бу рашким, эй Худовандо,
Рақиб кўнглида нега айладинг шул орзуни бунёд?

Менинг кўксимдаги захм игнани қонга белангирди,
Буни кўрдинг-у, ох, бир томчи кўз ёш тўкмадинг.

Минг дод!

Худо олсин менинг бу қўлларимни, телбаларча у,
Гоҳи ушлар ёкамни, гоҳида ёр этагин, хайҳот!

Туюлгай қатлгоҳ ҳозирча бизга енгилу елпи,
У тупрокни ҳали кўрган эмасмиз, қон сузар жаллод.

Оёғимга кишан даркорлигин темир билиб қонда,
Дили тезроқ чиқишга ташқари чун айлади иршод.

Агарда минг булут келса экинзоримнинг устига,
Қувонмасман яшин қилмоқчи деб хирмонларим
барбод.

Ҳақиқий бир вафодорлик – ўзи бу асли имондир,
Бараҳман² ўлса гар бутхонада, қўм Каъбага, эт шод.

Шаҳид бўлмоқ менга қисмат экан, боис шудир, доим
Қаерда бир қилич кўрсам, эгарман бошни мен
дилшод.

¹ Ношод – шод эмас, ғамгин, хафа.

² Бараҳман – 1) ҳинд ҳақими ва донишманди; 2) бутпарастлар пири.

Уйимни яхшиямки, кундузи ўғри уриб кетди,
Бутун тун ухлабон тинч, ўғрини этгум дуода ёд.

Бисотимда сухан дурдонаси бор, не керак гавҳар,
Дилимнинг кони бордир, нега ўзга кон қилай ижод.

Менинг шоҳимга Жамшиду Фаридунлар келолмас
тенг,
Ўзим, шоҳим, мусулмону улар оташпараст авлод.

* * *

Қайдаки, сен босган из ҳам кўрамиз,
Унда жаннат, боғи Эрам кўрамиз.

Қоп-қора холида нозли ёрнинг
Севги аҳли бошқа олам кўрамиз.

Қоматингдан, ёр, киёмат фитнасин
Бир одам бўйи расо кам кўрамиз.

Бир қараб қўй, эй ўзига маҳлиё!
Ҳар нигоҳинг дардга малҳам кўрамиз.

Яллиғин бир ноланинг дил доғидан:
Ердаги издан-ку одам кўрамиз.

Биз кийиб, Голиб, факирона либос,
Айланиб ҳимматли одам кўрамиз.

* * *

Қатра сувнинг бахтидир кўлда фано бўлмоғи,
Дард ҳадида ўтгани – унга даво бўлмоғи.

Ахтариб дардга даво мен ахир бўлдим адо:
Тугун битди ишкалиб, жумбоқ адо бўлмоғи.

Махрум этди мени у зулмидан ҳам, эй Худо!
Шунчалар душман менга аҳли жафо бўлмоғи.

Толди кўзлар ёш тўкиб, йиғим энди бўлди ох,
Билдим энди – чин экан сувнинг ҳаво бўлмоғи.

Сел куйиб абри баҳор, осмон очилса, билинг –
Ёш тўкиб ёр ҳажрида ошиқ фано бўлмоғи.

Гул иси гар қилмаса сенинг кўчангни ҳавас,
Не учун елни қучиб тўзон барпо бўлмоғи?

Бахш этур гул жилваси Ғолибга завқу ҳавас,
Кўз агарда бўлса кўр, керак бийно¹ бўлмоғи!

* * *

Қилма асло шикоят, қаддинг дуто² бўлади,
Тилга олма шиквани, бу ҳам бежо бўлади.

Дил эрур кон шиквага, гўё рубоб наъмага,
Озгина чертиб кўринг, қандай наво бўлади!

¹ *Бийно* – кўрадиган.

² *Дуто* – ҳам, эгик, икки букилган.

Жабру зулмига нега бўлмагаймиз биз нишон?
Келтирурмиз ўзимиз, гар ўк хато бўлади.

Соз бўларди, бошидан қилсам ёмонлик ният:
Яхшилик қилсам ҳавас, бошга бало бўлади.

Нола-охим илгари кетгайди Аршдан нари,
Энди лабга келди, бас – парвоз расо бўлади.

Ғолибо, афв эт мени – аччиқ наво айладим,
Чунки кўнглимда бутун тун зимзиё бўлади.

* * *

Эзилган дил-жигар ёдимга тушди,
Сел окқан кўз, камар, ёдимга тушди.

Босилган йўк эди кўпда киёмат,
У кетган лаҳзалар ёдимга тушди.

Начоғлик содда бу орзули кўнгил!
Яна нозли назар ёдимга тушди.

Нечун, армонли дил, фарёд тиларсан?
Эзилган қон, жигар ёдимга тушди.

Нахотки, шундай ҳам ўтмасди умрим?
Сен ўтган кўчалар ёдимга тушди.

Роса Ризвон билан бўлғуси жанжал,
Кўчанг жаннатда гар ёдимга тушди.

Хаёл қайта сенинг кўчангга бошлар:
Йўқолган дил, дилбар, ёдимга тушди.

Кўтаргандим, Ғолибо, Мажнунга тош
Шу он бошга тушар ёдимга тушди.

* * *

Асти мушкул ҳар бир иш, билсанг, осон бўлиши,
Ҳар бир одам ҳам, ахир, мушкул инсон бўлиши.

Осмон бел боғлаган хонавайрон этгали,
Уй-жой ўрнида аён бир биёбон бўлиши.

Тавба, эй девона дил, бу не савдо кимсанинг –
Ёр кўйига қатнашу ўзи хайрон бўлиши?

Кетдим армон бирла мен ҳам каро ер бағрига,
Қолди ёрнинг товланиб, минг гулистон бўлиши.

Жон бериш ёр кўлида айни бахт ошиқ учун,
Кўзига жаннат эрур тигнинг урэн¹ бўлиши.

Дил яроси ошиққа катта роҳат бахш этур,
Унга айни муддао бағрининг қон бўлиши.

Ўлдириб бўлгач мени энди тавба қилдилар,
Ох, ёр бечоранинг тез пушаймон бўлиши!

Ҳайф, тўрт энли матога, бўлса гар тақдирида –
Ғолибо, ошиқ учун у гирибон бўлиши!

* * *

Қай бирин деб йиғлайин: дилни ёки жигарни?
Етса қурбим, ёлласам мен бирор навҳагарни².

Рашк қурғур кўймади сўргали ҳеч уйингни,
Кимни кўрсам айтаман: «Топай қайдан уларни?»

¹ Урэн – яланғоч.

² Навҳагар – нола қилувчи, оху фиғон тортиб йиғловчи.

Неча марта қатнадим мен рақиб даргоҳига,
Оҳ, қанийди билмасам сен юрар кўчаларни!

Майли боғла, бўлса гар. Менинг кўрқар жойим йўқ,
Жуда яхши билурман сендаги бел-камарни.

Энди – оҳ! – бу ҳам мени дейди кашшок, мосуво,
Билсам – оҳ! – саклар эдим уй-жойим дардисарни.

«Хохиш» отин «сиғинмок» деб қўйибди одамлар,
Не учун маъбуд билан тошдан ҳам баттарни?

Эс-хушимдан айрилиб, унутдим ёр кўчасин,
Бир борардим ахтариб ихтиёр зулфизарни.

Қайси илдам учраса, бирга боргайман бир оз,
Мен тополмай доғдаман раҳнамо – раҳбарни.

Барча дунё аҳлини тахмин айлаб ўзимдек,
Элга манзур англадим илму санъат, ҳунарни.

Истагим шу Худодан: шуҳрат отида, Ғолиб, –
Кўрсам Али Баҳодир олижаноб гуҳарни.

* * *

Қолди на васл истаги ва на ёрга иштиёқ,
Тушди шундай ўтки, қул бўлди дил ғамхонаси.

Бу жунуннинг яллиғин айтайин қайга бориб,
Мен бир оҳ урган ҳамон ёнди саҳро хонаси.

Энди кўнглим, Ғолибо, ранжу ғам орзу килур,
Анжуман ҳолин кўриб, сўнди шўх таронаси.

* * *

Шўхга хизмат қилгани қодир у дил қолмади,
Мен ишонган ул юрак энди буткул қолмади.

Мен кетурман, тириклик армони кўнглимда доғ,
Бир ўлик шамман, менда бунда маҳфил¹ қолмади.

Топ, ўлимга бошқа йўл! Энди бўлмас, э кўнгил!
Оҳ! Қани у жисму жон, бокса қотил? Қолмади.

Тўрт томонга ланг очик энди кўнгил – ойина,
Унга энди барча тенг, нокис-комил қолмади.

Ёр кўтарди пардани, бениқоб бўлди жамол,
Биргина қолди назар, бошқа ҳойил² қолмади.

Гарчи уй-дунё ғами тутди бизни домида,
Ёд этишдан дил сени асти ғофил қолмади.

Энди севги боғига битди дилда иштиёқ,
Чунки армон унди, бас, бошқа ҳосил қолмади.

Ҳеч писандмас менга ишқ заҳмати, лекин, Асад,
Мен ишонган ул юрак энди буткул қолмади.

* * *

Қил шукр, кўнгил, сенга дори-дармон бўлмади,
Яхши бўлди: миннати менга товон бўлмади.

Тўпладинг атрофингга ғайриларни не учун?
Бўлди яхши тамошо, бу имтиҳон бўлмади?

¹ Маҳфил – мажлис, анжуман, базм.

² Ҳойил – тўсик; монелик қилувчи.

Нақадар ширин-шакар тилларинг, эй ёр, сенинг!
Қарғишинг тинглаб, рақиб ҳеч пушаймон бўлмади.

Парда босди устини – қолди мадда, кетмади,
Қолмади оҳинг, маъниси – мушкул осон бўлмади.

Чинми ёки сохтами биз имон қилган Худо?
Бандаликдан бизга ҳеч фойда-эҳсон бўлмади.

Орият¹ бир жон эди, мен топиштирдим, холос,
Ростини айтсам, адо қарзи инсон бўлмади.

Бир нима денг Ғолибо, мажлис аҳли мунтазир,
Ҳамма айтур «не учун у ғазалхон бўлмади».

* * *

Зулмингга ҳеч кимсада токат асло бўлмади,
Мен чин айтдим мен каби кимса пайдо бўлмади.

Бандаликда ҳам менинг ҳеч ғурурим қолмади,
Оркама қайтдим шитоб, Каъба гар во бўлмади².

Гар гўзаллар кўзига ўхшасам, бу яхшидир,
Соз, хуморлик дардидан дил мусаффо бўлмади.

Нола лабга келмади – қолди дилда доғ бўлиб,
Қатра ерга бўлди ем, гар у дарё бўлмади.

Бу жаҳонда кимсага менча озор тегмади,
Ҳеч кишининг бошида менча гавғо бўлмади.

¹ *Орият* – омонат, бирор нарсани вақтинча олиш.

² *Во бўлмоқ* – очилмоқ.

Сўзлаганда томмаса тук-тукингдан кон агар,
Кисса бўлди бачкана, ишки аъло бўлмади.

Томчида дарёни кўр, заррада оламини кўр,
Кўрмаган кўз ўйинчок, чашии бийно бўлмади.

Шохи Ғолибнинг бугун синармиш деб эшитдик,
Кўргани бордик, бироқ бу тамошо бўлмади.

* * *

Ишва бирла сўзласанг, эй анжуманнинг дилбари,
Жон кирар деворда суратларга одам сингари.

Сайр этиб гулшан аро юрсанг санобар, сарв ила,
Қоматингга эргашиб шайдо бўлиб юргай бари.

Рухсат эт, чеккан азобимдан шикоят айлайн,
Эй ситамгар, шод бўл, дардим ошар борган сари.

Тегмаса ё тегса ҳам оғритмаса арз айлагум,
Таъриф айларман, нишонга тўғри урсанг, эй пари.

Бир ишора айласа соҳир кўзинг, ойнаи хам,
Тўтидек сўзга кириб кетгай ўзингдан илгари.

Чўл аро келсун, кабартирсин аёгин одамий,
Эй Худо, сувсаб тиканларнинг курибдир тиллари.

Мен нечун айламай, нозикбадан дилдорнинг
Оҳким, зуннор кучоғига кирибдир пайкари.

Махфий сирлар боисидан дил ёнар ўтхонадир,
Чикса бу ўт ошкора куйгай оламинг бари.

Ғолиб, ашъорим менинг битмас-туганмас ғазнадир
Бу хазина ичра қанча-қанча маъно гавҳари.

* * *

Хаёл этди қувонди деб бериб ҳар икки дунёни,
Уялдим баҳс этишга у билан бу катта маънони.

Қолиб кетди ҳориб уч-тўрт нафар, йўлларда,
ҳар жойда,
Улар нетсун тополмас бўлса андек шўх барнони.

Ачинмайдур дема базм аҳли ёнган шам холига,
Нетар ғамхўрлик, бўлса аламлар роҳати жони?

Рақиб тилёғламалик айлади-ю, ўз ишин қилди,
Гумон ҳам қилмади куйгон дебон тилсиз бу ошнони.

* * *

Нози ўлдирди мени, мактолмадим дилдорни
Ғамзаси кўп, ё Раб, ўлдиргай у қанча зорни.

Қасд этиб менга тикилган кўз – сочин ҳар ҳалқаси,
Толалар – отган ўқи ул сурма кўйган ёрни.

Кунда минг-минг оху фарёдим юракларни тешар,
Эй қулоғи қар, эшитмайсан бу оху зорни.

Бевафо дейдур дилим, тасдиқ этишга қўрқаман
Шармсор этма бу сўз бирла мени – абгорни.

* * *

Гапирмаслик агарда сир тутар бўлса бу холимни,
Эрман шодки, ҳеч кимса тушунмайди мақолимни.

Нетай охир, биров «ҳолинг нечун» деб сўрмаса, армон
Ўқиб кўрмас ақалли дилдаги достони лолимни.

Тилим лолу дилим аммо гуноҳимга узроҳдир,
Кечирсанг ҳам ўзинг билмасмидинг, Тангрим,
уволимни.

Нигор кўнглида севгинг севги гар уйготмаган бўлса,
Умидингни узма, эй кўнгил, бузиб фикру хаёлимни.

Жунуним ғалвасини сиғдиролмас бағрига олам,
Уёлиб терга ботди ер кўриб ранжу малолимни.

Асад, бор деб ҳаёт, сен ўз-ўзингни алдама зинҳор,
Хаёл занжиридир олам, ўки бу килу қолимни!

* * *

Жигар конимни энди сарҳисоб килмоққа вақт етди,
Сабабки, ёр йўлида катра-катра сарф бўлиб кетди.

Менинг холимни сўрма, бор вужудим мисли
мотамдир,
Кўнгил кўзгусини синдирдинг-у, оламини тун тутди.

Менинг мурдамни судраб юр, рафиқ, ҳар кўчаю
кўйда,
Сабр рашк айлабон ёр куйини айтмоқни рад этди.

Вафо даштида кўзни чалғитиб турган сароб мавжи,
Менга ҳар зарраси ёр кипригин тиғини эслатди.

Муҳаббат кулфатин билмас эканмиз, энди билдик хўб,
Валек жон топмайин чора тириклик сўнгига етди...

* * *

Пардасиз ул кимсаки, доғим намоён ўртади,
Кўзни юмди, ўйлади, гўёки пинҳон ўртади.

Сачради на учқуним, қолди кулимдан на нишон,
Куйдиму, билмам, не турли жисм ила жон ўртади.

Сийна кўз ёшдан жудо, кўз ҳам жудо куймоқдадир,
Ушбу ёлқинли булут шундай паришон ўртади.

Бу қора кун дастидан кундуз чироқ ёкмоқ ишим,
Хираликдан дилни бу хуршиди тобон¹ ўртади.

Ишқнинг бир кофириман, менга дўзах йўқ писанд,
Тафтидан аммо мени достони Санъон² ўртади.

Йўлда куймас оёғим йўл кезишнинг ҳовридан,
Ҳар қадамда куйгучи хори биёбон ўртади.

¹ *Хуршиди тобон* – порлоқ қуёш; мажозан: гўзал маҳбуба.

² *Санъон* – Фаридиддин Атторнинг «Мантик ут-тайр» достони қаҳрамони бўлган машҳур шайх. У Каъбада 50 йил шайхлик қилган, 400 та муриди бўлган. Тақвою тоатига ҳатто фаришталар ҳавас этган. Лекин тарсо қизни севиб қолгач, ундан баъзи қуфрона ишлар содир бўлади.

Сезмагил деб ўзни пинхон ташладим оташ аро,
 Ҳам сенинг доғинг билан қалбим пушаймон ўртади.

Эзмасин ишқ деб ясадим мен жигарни тошдан,
 Лекин у тошни паёпай¹ захми пайкон² ўртади.

Ғолибо, дердим не ҳам куфр оқибат аҳволини,
 Эй, мени яркираган жавҳари имон ўртади.

* * *

Зарарсиз олдимда гар турибдир эшик-девор:
 Нигоҳи шавққа қанот бағишлар эшик-девор.

Бўлиб сел кўз ёшларим уйимни қилди вайрон,
 Қаранг бир: девор-эшик бўлибдир, эшик-девор.

Эмас соя ёрни келармиш деб эшитиб,
 Бир оз хатлаб илгари чиқибдир эшик-девор.

Бўлибди хор нақадар, санам, хуснинг бодаси!
 Кўчангда масту аласт, бу ҳар бир эшик-девор,

Бўлиб келгач қўшни ёр, қаранг, гўё соядек –
 Эшик-деворга фидо бўлибдир эшик-девор.

Кўзимга бир тикандек ботар сенсиз бу уй-жой,
 Мени доим зор-зор йиғлатур эшик-девор.

Тоғиб селобдан дарак эрур хурсанд нақадар!
 Ўпишиб-ўйноклашар бесабр эшик-девор.

¹ Паёпай – кетма-кет.

² Захми пайкон – тиф яраси.

Ҳеч кима, Ғолиб, дема муҳаббатнинг сиррини!
Билишга лойик эрур бу хил сир эшик-девор.

* * *

Тош эмас-ку бу юрак, эзилмай қолгай нечук?
Йиғлагаймиз эрта-кеч. Кимса ман қилгай нечук?

Йўқ ҳарам, йўқ бутхона, йўқ дахлизу остона,
Йўлда ўтирсак агар, ор биров билгай нечук?

Бу ҳаётнинг сиртмоғи, ғам-алам занжири бир,
Бу кишандан ўлмайин жон ҳалос бўлгай нечук?

Дилрабонинг орази – тиккага келган қуёш,
Ўзи-ку кўзни олур, пардалар солгай нечук?

Ғамзаси – жон офати, ноз боқишлардир – ажал,
Бу сенинг аксинг, бироқ рўбарў келгай нечук?

Унда қибру ноз-фирок, бизда ору андиша,
Биз йўлиққаймиз қачон, эсга у олгай нечук?

Тўғри, у қофир эрур, бевафо ҳам устига,
Дил ва дин билган азиз у томон боргай нечук?

Хаста Ғолибсиз қолиб, дунёда не иш чала?
Зор-зор йиғлар нега? Оҳ-воҳ қилгай нечук?

* * *

Хушхабар сенга, асирликни ҳавас этган юрак,
Бир тузук бўшдир қафас олдида, гар бўлса керак.

Ҳар тикан нишида мен конимни дарё айладим,
Бу эса, наштарсевар бағрим коникмабдир демак.

Бир очилди кўзларим, шу дам юмилди, чикди жон,
Хаста ошиқ қошига вақтида келдинг, эй малак!

Бўлса ёримнинг тили ўрнида ханжар қошки,
Тўхтамасдан бош эгиш ҳам жон бериш менга тилак.

Эй кўнгил, шер комига кир, истикомат қил, вале,
Борма дилозор гўзаллар ёнига, йўқ бунда шак.

Боғ аро кўрса сени гуллар назокатлик бўлур,
Сенга ошиқдур, келиб бошингга бўлғай чамбарак,

Берди жон Ғолиб уриб бошни деворингга, ох!
Қайда энди ўлтириш кўйингда йиғлаб бекўмак.

* * *

Ишк дардин торта-торта бўлдимиз роса бебок,
Руху танни ювди ёш, бўлдимиз роса ҳам пок.

Дайдилиқдан шармисор бўлдик олам элига,
Лекин очди кўзни бу, ўсди онг бирлан идрок.

Айтди ким, булбулнинг нолаеси беасар деб?
Парда ичра бўлди гул кўкси юз пора, чок-чок.

Сўрма севги аҳлин, эй рафик, бору йўқлигин,
Бўлдилар ошиқлар ўз ўтида ёнган хошок.

Борган эрдик қилгали биз тағофилдан гина,
Бир бокишда ерга кирдик, бўлиб тупроғу хок.

Шундай иззат-ла кўтарди Асаднинг ўлигин –
Ким кўриб, душманлар ҳам бўлдилар анча гамнок.

* * *

Эй хушо! Шох базмида шеър дафтарин очдик дадил,
Эй Худойим! Бу хазина қопқасин пок саклагил.

Тун бўлиб, осмонда юлдузлар чароғон кулдилар,
Мисли бутхона очилди, унда машъаллар шиғил.

Мен-ку бир девонаман, лек алдаёлмас ёр мени,
Енгида ханжар, кўлида тиг – мени килгай қатл.

Бахтиёрман: ул пари мен бирла суҳбат айлади,
Гарчи мақсад бошқа эрди унда, бошқа эрди тил.

Яхши ўй, яхши хаёл яхши амалдан кам эмас,
Ёрга етсанг, сен ўзингни ердамас, жаннатда бил.

Гул юзида пардаси бир ҳуснига мингни қўшиб,
Ёрнинг зар қокилини ҳар замон айлар хижил.

– Майли, кол остонада, – деб кулди-ю, тез килди рад,
Шунча ҳам бераҳм бўлурму севгида айнаш сабил.

Не учун тун бунчалар зулмат, дедингми? Англагил:
Файрилар базмида ёрим бу кеча яйратди дил.

Не учун ғурбатда кўнглим шод бўлсин, эй рафик,
Нома олгунча ватандан қон ютиб бўлдим-ку сил.

Ғолибо, қай шоҳки йўл топса биҳиштга, сен унга
Қўлни бергил, мақсадингни кўзла, дархол қўллагил.

* * *

Кўкдаги ой хусни-ку яхши топганда камол,
Лекин ундан яхшироқ ердаги офтобжамол.

Бўса-ку бермайди ҳеч, калбни олмоқ истаги,
Кўнглида у айтади: «Теп-текин келсайди мол!»

Синса, бозордан яна келтурурмиз янгисин,
Жоми Жамшиддан кўра биз учун яхши сапол.

Тегса эҳсон беталаб, кайфи ортиқроқ бўлур,
Шу сабабдан яхшидур тилатмай айтсангиз: «Ол!»

Илтифот-ла бокса у, юзга жилва югургай,
Бундан у қилгай якун: яхши беморда аҳвол.

Севги аҳли қанчалар бут-санамдан баҳраманд
Бир бараҳман айтади: «Бу йили яхши икбол».

Гар қўшилса дарёга, катра сув дарё бўлур,
Яхшидир ҳар битта иш, яхши бўлса агар маҳол.

Теша қилди ҳамсухан¹ Фарҳод ва Ширинни,
Қайси турда бўлса ҳам, яхши инсонда камол.

Хизир Султонни², Худо, соғ-саломат саклагин!
Подшоҳнинг боғида яхшидир бу навнихол.

Бизга жаннатнинг сири яхши маълумдир, бироқ
Дилни хушнуд этгали яхши, Ғолиб, бу хаёл.

¹ *Ҳамсухан* – суҳбатдош.

² *Хизир Султон* – шахзода.

* * *

Ғам-андухимга кимдан «Тасанно!» орзу қилсам,
Унинг кўксин яна ҳам чок-чок этмиш ситам.

Кўнгилда минг-минг орзу, бири катта биридан,
Хўп армоним-ку чикди, бироқ чикди жуда кам.

Одам жаннатдан қандай чиққанин мен билардим,
У ҳам ҳалво кўринди кўчангдан мен чиқар дам.

Биров ёзса агар хат, менга ёздирса зора,
Сахарда чикдим уйдан, олиб қоғозу қалам.

Мухаббатда фарқи йўқ ҳаёт бирла ўлимнинг:
Кима жонингни берсанг, ўша бирла ҳаёт ҳам.

Эй дўст, эз кўкрагимни! Жафо тигин чиқаргин:
У чикса гар, чиқур дил, чиқар жон унга ҳамдам.

Ўтингайман, Каъбанинг эшигин очма, золим!
Бу ердан ҳам, ажабмас, чикса бир кофир санам.

Эй золим! Сарви қомат ўсал бўлиб коларди,
Агарда жингалак соч ёйилса толим-тарам.

Насиб бўлди менга бу замонда бодахўрлик,
Яна келди замона: яна чикқай жоми Жам.

Қаёқда майхонаю, қаёқда воиз! Аммо –
У тўкнаш келди, Ғолиб, эшикка кўйсам кадам.

* * *

Кимки меъёр билмаса, бўлди охир бўйни ҳам,
Ошиб кетса қанчалик, шунчалик у бўлди кам.

Бор экан қаттиқ тузоқ ошиёни ёнида,
Қуш қанотин ёзди-ю, гирифтор бўлди шу дам.

Сўрмагин ишқ жабрини тортганлар ҳолини!
Бора-бора бус-бутун бўлдилар ғам ва алам.

Сен вафо қилган билан ғам арирми? Дунёда –
Бу зулмдан бошқа ҳам бўлди қўп жабру ситам.

Ёзавердим мен жунун дардларини қон билан,
Шу туфайли гарчи бу қўлларим бўлди қалам¹.

Тавба қилдим, эй Худо! Шунчалар золим эрур,
Оху нолам ичимда қолди – ризқим бўлди ғам.

Бўлса кашшоқ, Асад этмади тарк севгини,
Кимки қилса мурувват, бўлди чин дилдан қарам.

* * *

Тиришгандин пешона, мен ғами пинҳон, дедим,
Палапартиш хатидан, ёзган паришон, дедим.

Нега бунча паришон хотиринг, деб сўрмагил,
Сиқилди шунчалар дил, мен уни зиндон дедим.

Кўриб ёр юзида тер, рашқ ўтида ёнди дил,
Ёр юзида бир жаҳон кўзлар намоён дедим.

¹ Қалам бўлмоқ – кесилмоқ.

Ўзим ожизлигимдан ўйладим мен: «у золим»,
Оловнинг яллиғи хас набзидан¹ аён дедим.

Заифлик ишк даштида қилди оромни талаб,
Соямни ҳар кадамда салқин шабистон дедим.

Ўла-ўлгунча кочдим мен ёр мужгонидан:
Қазони даф этишни шунчалик осон дедим.

Бекор бердим кўнгилни, вафодор ўйлаб уни,
Хато қилдим, кофирни Асад, мусулмон дедим.

* * *

Боргач ул даргоҳга мен ҳушдан кетурман дам-бадам,
Чунки миннатдор бўлиб мен ўпмоқ истарман кадам.

Менга кўнгил, мен кўнгилга дарс берурмиз сидқдин,
Шунча ром қилган ўзига иккимизни ғам-алам.

Қил тағофил, майли, аммо қил таниб: бўлсин умид,
Ёр бу бегона қарашлар бир заҳардир, дема кам.

Дил-жигарни қон қилишга менда унча йўқ сабаб,
Кўзларимдан ҳусну равнақ кетмасин – шу менга ғам.

Сен эурсан шунча нозик, ноладир сенга сукут,
Мен эурман шунча ожиз, боқмасанг, дейман ситам.

Бу шаҳар мен азм этган сўнгги бир манзил эмас,
Кўзлаганман бошқа манзил, ул эрур Каъба – ҳарам.

¹ *Набз* – қўлдан томир уришини аниклаш.

Бир умид кетмоқда бошлаб бизни, Ғолиб, бир томон,
Тортади йўл, бу «карам»нинг коф¹ харфи мужассам.

Бир биёбон, чарчасам-да менинг завқим бўлмайти
кам,
Тўлкинларда ок кўпикдай тинимсиз мен босган қадам.

Чаманларни севар эдим, лекин ҳозир ҳафсала йўқ,
Гулларнинг атру бўйидан жон ҳалқумга келди бу дам!

* * *

Ҳеч киши йўлдан тўсолмас, чўл кезар мажнун манам,
Ғилдирак бўлди аёғимда кишан, кўйсам қадам.

Ишк савдоси биёбонларда сарсон этдиким,
Битта ҳам йўл топмадим манзилга минг кўз ташласам.

Қийнаса ишки ҳузур этмоқчи эрдим, мен нетай,
Ушбу йўл ўтқир қиличдек ўлдираркан беалам.

Оҳу нолам қилмаган бўлса асар, хўб яхшидир,
Менга айни муддао маъюслик-ла мангу ғам.

Бош тuzалган сўнг яра ўрни қичий бошлар яна,
Бошга теккан ҳузурин мисли йўқ таърифда ҳам.

У гуноҳ недур, пушаймонлик гувоҳин олдида,
Айласанг қаттиқ гуноҳу кечса гар аҳли карам.

Шеъриятдан беҳабар, ким мухлис эрмас Мирга²,
Носих айтгандек ишончим қатъий Ғолиб дам-бадам.

¹ Коф – араб ёзувида «к» харфи.

² Мир – Ғолибдан илгари ўтган шоир.

* * *

Эй азизим, эй умидим, менки умрим даврида,
Дунёда не-не жафою жабру хижрон кўрмишам.

Шундайин махбус – қора кунманки, бу олам аро,
Офтоб нури эмас, зулмоти зиндон кўрмишам.

Жисму жоним шунчалик озгин бўлиб қолдики, мен
Ўз дилимни шишадан майдек намоён кўрмишам.

Ғам тутуни ҳар нафас бошга урар даҳшат билан,
Чунки қайғу-ғам туни хоби паришон кўрмишам...

Мен паришонликда қолдим, найлайин, гўё бугун,
Ўзни бир саргаштаи¹ тоғу биёбон кўрмишам.

Ушбу водийда эсаркан бир куюн шиддат ила,
Тол дарахти сингари жисмимни ларзон кўрмишам.

Шул қаро тунларда мен водий кезиб бўлдим адо,
Гўё роҳат тушагин хори муғилон² кўрмишам.

* * *

Лолаю гулда фақат бир неча юзлар аён,
Қанча ойдек чехралар қолди ер ичра ниҳон.

Хўп базмлар қайфини бизлар ҳам сурган эдик,
Энди у гуллар қуриб, қовжираб бўлмиш хазон.

Пардада пинҳон эди етти қиз осмондаги,
Келди-ю, тун негадир пардани билди зиён.

¹ *Саргашта* – сарсон, овора, саргардон.

² *Муғилон* – биёбонда ўсадиган бир хил тикан.

Олмади зиндондаги ўғлидан Яъқуб хабар,
Аммо равзан шаклида кўзларидир нигорон.

Ҳамма ағёрдан хафа, лекин Зулайхо шод эрур,
Чунки Юсуфни кўриб нозанинлар тўқди қон.

Майлига қон йиғласам; бу, ахир, хижрон туни,
Мен тасаввур айлайин: бўлди кўшшам нурфишон¹.

Жаннат ичра ўч олай мен бу паризодлардан,
Муъжиза рўй берса-ю, бўлсалар хуру ғилмон.

Тун ва уйқу кайфини ҳам ҳаётнинг лаззатин
Сўргил ундан, сочларингким қўлида паришон.

Мен чаманга кирдим, мактаб очилди гўё:
Нола-оҳим тинглабон бўлди булбул ғазалхон.

Мунча ўткир бу нигоҳ! Қалбни тешгай, эй нигор!
Ҳолбуки, минг таассуф, кўзларинг бўлди мужгон.

Таъначи ёр олдида энди бергум не жавоб?
Қанча билсам мен дуо, олди барини дарбон.

Май эрур жонга хузур; кимгаки тегса қадах,
Қафтида ҳар бир чизик бўлди гўё рағи² жон.

Эътиқодим – битталиқ, дин – русумни тарқ этиш;
Қавму миллат битди, шу мен учун айни имон.

Ранжу ғамга кўнса дил, йўқ бўларкан ранжу ғам,
Қанча мушқул бошима тушса, у бўлди осон.

¹ *Нурфишон* (*Нурафшон*) – нур сочувчи, ёрқин, порлоқ.

² *Рағ* – томир.

Бўлса гар шу йиғлаши, эй халойик, Асаднинг
Энди бу обод шаҳар шубҳасиз бўлди вайрон.

* * *

Ҳажрида гоҳ эшикка, гоҳ деволга қарайман
Яъни гоҳ номабарга, гоҳ шамолга қарайман.

У келибди уйимга, бу – Худонинг қудрати!
Мен бир унга қарайман, бир аҳволга қарайман.

Тегмасин кўз, илоҳим, ёр дастпанжасига!
Қалбимга берган завол безаволга қарайман.

Тождаги гавҳарингга мен қараб не қилурман
Омади хўп келибди, мен шу ҳолга қарайман.

* * *

Соз бўлур хижрон ғамин айласам гар мен баён,
Йўкса, лабда доғи дил бўлғуси муҳри аён.

Юрак шундай эзилиб окса хижрон кечаси
Сел бўлиб ой нурлари, айлагай хонавайрон.

Ўйлаган эрдим юрак сарф бўлур деб вафога,
Ўйламабман бўлмоғин имтиҳон бирла хазон.

Сенга бор хар дилда жой, истасайдинг сен агар,
Бор жаҳон аҳли бўлар эрди менга меҳрибон.

Ўтли кўзлар буюрса – томирдаги кон каби
Ловиллаб турган олов хас ичра бўлгай ниҳон.

Кўй, олиб борма мени боққа ҳолимни кўриб,
Унда ҳар гулнинг юрак-бағри бўлгай лахта қон.

Айтинг-айтинг мен топай рўзи маҳшарда инсоф,
Бор умидим то шу дам, бўлган инсоф ул замон.

Фойда борми, ўйлагин, сен ҳам доносан, Асад,
Бўлма дўст нодон билан, бўлғуси жонга зиён.

* * *

Бало даштида овчи қувган оху-улокман,
Гоҳ фиғоним фалакда, гоҳ кўзлари булокман.

Жон оғзимга келиб ҳам лабим бўлмайди ширин,
Ҳаётнинг аччиғин мен тоғишда шунча токман.

На тасбеҳни билурман, на ошноман қадахга,
Мисоли бир кесилган қўл каби мен нўнокман.

Мен у тупроқда, лекин адоват йўқ дилимда,
На донман мен сочилган, қўйилган на тузоқман.

Зоҳидларнинг сафида гарчи хорман жуда ҳам,
Гуноҳқорлар ичида бироқ равшан чирокман.

Жаҳонда топмадим мен муносиб кадру киймат,
Юсуф кетди сув текин, мен ҳам худди шундоқман...

Бирор кимнинг дилида менга заррача жой йўқ,
Ғазалман яхши, аммо қулоқлардан йироқман.

Асад, ит тишлаганлар чўчийди сувни кўрса,
Қочурман ойнадан мен: улусдан хадикроқман.

* * *

Завку шавк ҳар турда ҳам бўлди одамга зиён,
Қайс сурат пардаси ичра ҳам чиқди урён.

Тийр парво қилмади юракнинг торлигига,
Чиқди қалбимдан ёзиб у қанотин икки ён.

Гул иси, дил ноласи, шамъи маҳфилнинг дуди –
Ҳамма базмингдан сенинг чиқди буткул паришон.

Ғам-аламга дил тўла, бу тўкин бир дастурхон,
Ёру дўстлар тўйди хўп, қолмади зарра армон.

Қийнок-озор истаган дил ўлим истар эди,
Келди-ю офат валеқ чиқди бу иш кўп осон.

Дилда ғавғо кўзгади, Ғолиб, охир хўрланиш,
Қатра ҳам ёш чиқмаган кўздан оқди сел бу он.

* * *

Эшигингга курдим уй, раъйи недир, демасдан,
Билолмассан энди ҳам, уйим будир, демасдан?

Ғапирмоққа мадорим қолмаган, ёзғирур ёр:
«Билай қандай кўнглини бирорта сир демасдан?»

Менинг шундай кишига ишим тушди, биродар,
Биров олмайди тилга уни жобир демасдан.

Мен асло ташламайман топинмоқни санамга,
Зарарсиз, қўймаса эл мени кофир демасдан.

Кўнгилда ўзи гап йўқ, акс холда, бошимга
Келса ҳам қилич, қўймас эдим бир-бир демасдан.

Сўз мавзуи ишва-ноз, лек ундан гап очилса,
Сира мумкин эмасдир, тиғу шамшир демасдан.

Мурод ҳарчанд дин-имон, худо ҳусни, жамоли,
Илож йўқ, ҳар гапда бир маю соғар демасдан.

Гарангман, илтифот ҳам керак икки баробар:
Тушунмайман гапингни, яна айт бир, демасдан.

Ҳадеб, Ғолиб, қошига бориб арзи ҳол этма,
Аён-ку ҳолинг унга удир-будир демасдан.

* * *

Ҳусн ғамза дардидан топди шифо мендан сўнг,
Яшар энди тинчгина аҳли жафо мендан сўнг.

Бирор шахс йўқ ошиқлик бурчин адо этгали,
Бекор бўлди ғамзалар, нозу адо мендан сўнг.

Агар шам ўчеа пайдо бўлғай ундан қора дуд,
Ёпинди ишқ шуъласи қора ридо мендан сўнг.

Ер бағрида оҳ дейман нозанинлар ҳолига,
Тирноғи консиз қолиб, дейди хино мендан сўнг.

Ситамгарлик санъати энди йўқотди кадрин,
Ёр кўзида йўқотди сурма баҳо мендан сўнг.

Юракни тирнайди бир ғам: йўқ жаҳонда кимсаки,
Азо тутса ўлди деб меҳру вафо мендан сўнг.

«Борми бир мард нўш этувчи ишк-муҳаббат бодасин,
Килур такрор ва такрор соқий нидо мендан сўнг.

Ишкнинг ғариб ҳолига келур Ғолиб, хўрлигим,
Борар кимнинг қошига дарду бало мендан сўнг.

* * *

Йиғлагай дил зор-зор, айтайин ё айтмайин?
Ҳаё дер: «Айтма зинҳор!» Айтайин ё айтмайин?

Одоб-ахлоқ этаги ҳеч қўлимдан чикмагай,
Менга ҳам маълум асрор, айтайин, ё айтмайин?

Хоҳласанг бил шиква деб, хоҳласанг де шикоят,
Мен вужудимдан безор, айтайин ё айтмайин?

Дилдаги ғам-аламни дилга сўзлай қолайми?
Топмасам бир ғамгусор¹, айтайин ё айтмайин?

Дил ашаддий душманам – худди шу дил жабри-ла
Мен мусибатга дучор, айтайин ё айтмайин?

Мен-ку бир девонаман, бу жаҳон ғийбатчидир,
Ҳар деворда бир кулок, айтайин ё айтмайин?

Ўзича у сўрмаса ҳол-аҳволим, Асад,
Ҳолима мос шеър бирор, айтайин ё айтмайин?

* * *

Ул парини зикр этиб, сўнг ўзин қилгай баён,
Бўлди, ахир, у рақиб, доим эрди роздон².

¹ *Ғамгусор* – ғамдан халос қилувчи, ғамхўр, меҳрибон.

² *Роздон* – сирни билувчи.

Бунча май ичгай нега ўзгаларнинг олдида,
Йўқмиди – ох! – бошқа пайт қилса ўзин имтихон.

Мен ўзимни баланддан бир тамошо килардим,
Бўлмади лекин насиб Аршдан пастрок макон.

Қанча хўрлик бўлса ҳам кулги бирлан енгамиз:
Ошна чикди анчайин у эшикда посбон.

Олмасанг ҳам бўларди остона тошини:
Йўқ бўларди ишкилиб пешонамга у ҳар он.

Бўлмасин ғийбатчи деб ёру дўстдан нолисам –
Душманимни ўзимга килиб олдим ҳамзабон.

Қай ҳисобда бемисол, қай ҳунарда яккамиз?
Бизга, Ғолиб, бесабаб бўлди душман осмон.

* * *

Токатим ток бўлди ишқингда, аё оромижон,
Меҳрибон бўл, йўқса, бўлғумдир ўзимга меҳрибон.

Куйса хору хас агар оташда, оташ бўлғуси,
Ўла-ўла охири топдим завқида жон.

Маҳв бўлдим мен тағофилдан, кутарман илтифот,
Кўзга гар жо айласам уйқуга бўлғумдир макон.

Сув бўлиб ботдим ўзим лойимга, аҳдим бор учун,
Ўйлама, кўйингдан ўзга ерга бўлмасман равон.

Хижолат, шармисорлик – беҳаёлик далили,
Бировдан ҳеч на олма, олма ҳаттоки ибрат.

Умр ўтти деган ғам ҳар одамни эзаркан,
Умр бўйи қилгани гарчи бўлсин ибодат.

Асад, турмайман энди фитнагар эшигидан,
Бошимда шу туфайли, майли, бўлсин қиёмат.

* * *

Дўзах ўтида қайдан бор бунчалик ҳарорат,
Пинҳоний ғам-аламнинг тафти бўлакча гоят.

Ёрнинг аразлашини кўп кўрган эрдик, аммо
Ҳозирда бош эгиши бир бошқача аломат.

Топширди хатни хаткаш, қарар тагин бетимга,
Ёки яна бормикин оғзаки бир башорат?

Сайёралар кўпинча одамга ёғдирар зулм,
Сайёра зулми ҳолва, ёр зулми кўп қиёмат.

Ғолиб, келиб бўлишди ҳамма бало-баттарлар,
Навбатда қолди энди ўлим деган бир офат.

* * *

Кел, эй дилбарки, дилда қолмади ҳеч сабр ила токат,
Нечук энди қилурман ингизорлик дардига токат.

Бу дунё лаззати ўрнига жаннат ваъда қилмишлар,
Бироқ жаннатдаги май менга бсрмайди сира лаззат.

Бу кўз ёши мени судраб чикартирди-ку базмингдан,
Нетай, менда йиғини тўхтатишга бўлмаса кудрат.

Дили ранжийди деб харгиз гумон этма сен, эй дилдор,
Нечунки, ер тагида ишк эли кўнглида йўқ зулмат.

Баҳор хуснини гул кўзгусида кўргил, тамиз айла,
Маоний жилвасини дилдан ахтармоқка кил одам.

Мени қатл айламоққа ёр аҳд этган, билурман-ку,
Яна таъкидлаб айтинг, аҳди бўлсин катъийрок албат.

Шаробни тарк этишга сен қасам ичган эдинг, Ғолиб,
Кийин лекин ишонмоқ бу қасамга, эй қадим улфат.

* * *

Бизнинг зулматхонада ҳам туни кўрмоқда туш,
Шам берарди саҳардан дарак у ҳам жим, беҳуш.

На висолдан бир хабар, на жамолдан жилва бор,
Анча кунлардан бери кўз, кулок билмас уруш.

Бода пардозкор хусн пардасин очди, ана,
Тегди руҳсат, эй кўнгил, топшир энди ақлу ҳуш.

Нозанинлар бўйнига бўлди маржон гавҳаринг,
Хўп баланд келди сенинг омадинг, гавҳарфуруш!

Завқ – соқий, чехра – май ҳам нигоҳлар бўлди маст,
Фикр уйи майхонадир, бироқ жимжит, беҳуруш.

Бу фикрлар ҳаммаси келди, Ғолиб, ғайбдан,
Бу каламнинг сўзлари – осмон ахлидан улуш.

* * *

Қани роҳат: бу дунёда дардисар-да ҳеч вако йўқдир,
Жигар кони бўлак, лекин жигарда ҳеч вако йўқдир.

Ғубор бўлсам, ажабмаски, учиб борсам шамолларда,
Юролмайман, оёғу қўлларимда ҳеч вако йўқдир.

Ким эркан келаётган орази жаннатсимон дилбар?
Факат гул бор, бўлак йўлда, гузарда ҳеч вако йўқдир.

У-ку, майли, раҳм қилмас – ўзим ҳам бераҳмдирман,
Аён-ку: оху воҳ, нола чекарда ҳеч вако йўқдир.

Этиб ёрнинг жамолин ёд килур кайф аҳли майхона,
Бу майхона, бу май-бода ичарда ҳеч вако йўқдир.

Муҳаббат хонавайрон этди, бўлдим элга кулгу мен,
Қуриш армони бор, аммо қўлимда ҳеч вако йўқдир.

Асад, энди менинг шеърим факат кўнгил очаргадир,
Аён бўлди ахир: санъат, хунарда ҳеч вако йўқдир.

* * *

Бўлибман шунча Мажнун – бўйинда зуннор йўк,
Воҳасрато, ёкамда биронта ипу тор йўк.

Муҳаббатсиз кун ўтмас, бироқ кандок қилай мен:
Қилишга бу азобдан ҳузур менда мадор йўк.

Жунун савдосидан бош бўлибди елкага юк,
Бироқ саҳрода, афсус, Худойим, бир девор йўк.

Адоват ғайриларга бўлур менда каёқдан,
Заифликдан кўнгилда нигорга ҳам хумор йўқ.

Менинг нола-оҳимдан кўрк, кофир! Худо де,
Гумон этма мени бир асир беозор – йўқ!

Кўнгилда мужгон ила курашмоққа ҳавас бор,
Агарчи куч тиканнинг зарбига ҳам бакор¹ йўқ.

Хилвату жилватда мен кўп кўрурман Асадни,
У балки девонамас, биров хуш, ихтиёр йўқ.

* * *

Дардима, аҳбоб, даво истаманг; шу яхшироқ,
Яхши бўлгунча яра қайта ўсмасми тирноқ?

Ҳаддан ошди, ёр, азоб: хар сафар шу «А? Нима?»
Арзи ҳолимни менинг қай кун эшитгай кулоқ?

Ҳазрати носих агар келсалар, бош устига,
Уқдирарканлар нима, шунга хайронман бироқ.

Тиғ – кафанни кўтариб бир бораи-чи мен бугун,
Энди ҳам қатл этмаса, ҳийла қилгай у қандоқ.

Банди қилсанг, майли қил, носихо, ҳеч ғам емам:
Ишқ жунунин бу билан йўқ қилишлик қийинроқ.

Зулф асири бўлса эр, у кишандан қочмагай,
Мен вафога мубтало, менга занжир ўшандоқ.

Бунда-ку маъмурчилик, лекин улфатдир қахат,
Дехлида улфат бору, Асад, озука чаток.

¹ Бакор йўқ – бу ерда: мадор йўқ.

* * *

Гайрига, қандай десанг, майли, бўлгин хайрихоҳ,
Бизни ҳам лекин сўра, бўлмагай охир гуноҳ.

Кимса асло қутулмас қиёмат кун сўроғдан,
Қотилим бўлса рақиб, санамлар бўлгай гувоҳ.

Бошқалар ҳам бағри тош, золими Шаддодмикин?
Бу, келинг, одам эмас, офтобдир ёки моҳ.

Пардаи рухсорида ажралиб бир тор турур,
Ох, Худо кўрсатмасин, бўлмасин шу ёт нигоҳ.

Кетди қўлдан майхона – энди жойнинг фарқи йўқ,
Майли, бўлсин мадраса, масжид ёки хонақоҳ¹.

Зоҳидо, кўп яхшидир жаннатингнинг таърифи,
Айтгин-айтгин, ёр-ла файз топган ўлсин жилвагоҳ.

Ғолибу бўлса-бўлар, бўлмаса-йўқ, не зарар?
Бўлсин, айтинг, элу халқ ҳамда бўлсин подшоҳ.

* * *

Қон йиғласам майлига: бу кечам ҳижрон бўлди,
Қилурман мен тасаввур: шамлар нурафшон бўлди.

Ўч олурмиз жаннатда ушбу паризодлардан,
Агар Худодан бўлиб шу хуру ғилмон бўлди.

Ҳама нохуш бўлса бор рақибидан валекин –
Зулайхо шод улардан – ойга нигорон бўлди.

¹ Хонақоҳ – сўфийлар йиғиладиган, зикр тушадиган жой.

Сўргил ундан тун кайфин, уйқу ва ҳаёт кайфин
Кимнингки қўлларида зулфинг паришон бўлди!

Мен чаманга кирдим, гуё мактаб очилди –
Менинг ноламини тинглаб, булбул ғазалхон бўлди.

Бу нигоҳ бунча ўткир – дилни тешар, агарчи
Пешонам шўрлик қилиб, кўзларинг мужгон бўлди.

Қандай жавоб берурман таъначилар қошида
Мен билган дуо бари дарбон-ла расон¹ бўлди.

Жоннинг хузури бода, кимгаки қадах тегса,
Кафтидаги чизиклар гуё раги жон бўлди.

Яккалик – ақидам, дин – расмларни тарк этиш,
Миллатлар йўқолдими, шу менга имон бўлди.

Ранжу ғамга кўниксанг, йўқ бўлади ранжу ғам,
Бошимга шунча мушкул тушдики, осон бўлди.

Шу йиғлаши бўлса гар Ғолибнинг, эй халойиқ,
Деяверинг бу обод шаҳар ҳам вайрон бўлди.

* * *

Кўнгилда яна бир бекарорлик,
Кўксимда жароҳатга хуморлик.

Тирнайди тирнок жигарни яна,
Келди-да баҳор – лоззорлик!

¹ Расон – бу ерда: этишмоқ.

Ўша юз оҳанг, нола килинур,
Ҳали ҳам ўша нобакорлик.

Ишва-ноз яна бўлди хиромон
Дилни камради кўп бекарорлик.

Хусн жилвасин қилди намойиш,
Авжида яна жонлар нисорлик.

Очилди яна севги қопқаси
Кизиб кетди-ку бу инсофдорлик.

Зулму ситамлар бўлур жаҳонда,
Қилур зулфлар хўп ҳукмдорлик.

Дилнинг яраси ариза берди,
Яна дод-фарёд, яна оҳ-зорлик.

Ишк гувоҳлари талаб этилди,
Яна шу фармон: «Гирякорлик!»

Дил билан мужгон иши устида
Дарборда бугун яна бедорлик!

Бу беҳудлик бекормас, Голиб,
Бирорта гапга бу пардадорлик¹.

* * *

Дод оҳангми? Бундай эмас,
Нола – асири най эмас.

¹ Пардадор – парда тортувчи, яширувчи.

Гарчи сен бор ҳар нарсада
Ҳеч нарса лек сендай эмас.

Фириб ема ҳаёт деб, ха!
Минг «бор» дегин, ундай эмас.

Зохид, кадаҳни кайтарма,
Бу – май; кўркма, «бай-бай» эмас.

На «бор» бору, на «йўк», Голиб,
Ўзинг несан, сен, ҳай, «эмас?».



Эргаш Очилов таржимаси

Дард кўп ёмондиру дармон ҳам,
Дунё бепарводиру Раҳмон ҳам.

Маърифат деб кечмагил имондан,
Маърифат кетса, кетар имон ҳам.

Кимга ғамдир кувса гар шоҳ базмидан?
Ори йўғу маҳруми даврон ҳам.

Тоатимни бузгуси доим хумор,
Бокий эмас завки ҳам, исён ҳам.

Келдими ишқ – энди афсус беҳуда,
Бу жароҳатдир чукур, туздон ҳам.

Мен ажалсиз ҳам ўларман ҳар дам,
Мен яшай олгум яна бежон ҳам.

Базму гашти боғ кувончи тарк этиб,
Йўқ булут, ёмғир – кўнгил вайрон ҳам.

Бу сукут ёлғиз кўнгилни сикмагай,
Кўп паришон дастидан девон ҳам.

Улки ўйлар ўзини ҳофиз дея,
Ғолиб, ошуфта ўшал, ҳайрон ҳам.

* * *

Бахтим уйкуда – уни кошкийди бедор айласам,
Токи ғавғои киёматни мен ошкор айласам.

Аҳду паймонинг қани демокқа ҳаддим йўқ сенга,
Ҳар нима десанг, мен истайманки такрор айласам.

Ёр баҳоси – жон дедим, лекин беролмай доғдаман,
Кошки қайта парча бу жонни харидор айласам.

Шавк ила бўлиб хиромон ул санамнинг кўйида,
Бориб ўзимни тузоғига гирифтор айласам.

Ўлдим-ей васлига етмай, энди майл айлаб яна,
Янгидан-янги синовга ўзни тайёр айласам.

Ўз хузурим ўйлабон ранжу азобга учрадим,
Топсаму мужда ракибдан, унга озор айласам.

Мен гувоҳ бўлдим: қуёшга кетди шабнам қўшилиб,
Мен-да журъат топиб, арзи шавки дийдор айласам.

Раҳм этиб келса агар мен нотавонликдан, нетай,
Бир жаҳон тоқат керак то ишқим изҳор айласам.

Ғолибо, тилдан эмас, лабдан тўкилгай сўзлари,
Тил тутилгай шарҳи ушбу лутфи гуфтор¹ айласам.

* * *

Маъни жилвасин ваҳм киссасига пинҳон айладик,
Олам ичра биз Юсуф шаънига нуқсон айладик.

Раҳмати тоғдай суянчиқдир берар тоқатни то,
Ўзимизга ушбу мушкул ишни осон айладик.

Ранглар жам бўлди – сарф этмокка бир жой қолмади,
Чикди жаннат ранги эсдан, ўзни ҳайрон айладик.

Нолани қилдик чароғон мазҳаб нури билан,
Йиғини дил қонидан тасбеҳи маржон айладик.

Солдилар шодлик гирибонига гул учқунидан,
Ишрат аҳли устидан кулгини чандон айладик.

Май ичувчи йўғу биз бесабру ишрат кимга муфт?
Қанча эскирса шароб, биз уни арзон айладик.

Зохидо, бизни узумнинг бошидан кам кўрмагил,
Беҳабарсан – бир кадаҳда балки нуқсон айладик.

Изла шу чок ёкамиздан сен сиримизни мудом,
Номаи шавкинг яна бир четдан унвон айладик.

Ҳайф, ахир, меҳмон йўли узра тиканларни сочиш,
Ёдида киприк ўқидан оҳу афғон айладик.

¹ Гуфтор – сўз, нутқ.

Интизор парвонанинг сўзига жумла ҳақшунос.
Тонг кушидан нола машқини фаровон айладик.

Бир қадахдан май тутар ҳар бир ичувчига кўзи,
Соқий ишва айлади, биз куфру имон айладик.

Қабри, Ғолиб, гулга тўлсин бу нафаснинг мавжидан,
Пардасини биз зуҳур созин гулафшон¹ айладик.

* * *

Тан бир тарафда зоеъ, дил бир тарафда ғофил,
Соҳилда колганидек чўккан киши юки, бил.

Доғимга шуъла зоеъ, унга яшиндан ўт сол,
Бир куш каби чалажон бўш интилиш-да буткул.

Тақдир қўли ҳиноли айлаб шаҳид фақирни,
Кўриб саодатимни юлдуз заминда ой-йил.

Андиша бошдан-оёк маҳшар билан баробар,
Ҳар лаҳза боқишига чакмок эрур муқобил.

Бўлди кадок оёғим беҳуда санқимокдан,
Қилди димоғ паришон андишаларки – ботил.

Тунги хумордан аҳвол бўлди хароб чўл ичра,
Борим гаровга бердим май деб – нечук бу манзил?

Хилватни хира қилди юзи қаро шамим ҳам,
Чангим наво қилолмай қарвонда бўлди зойил.

¹ Гулафшон – гул сочувчи; нурафшон.

Сенинг сиринг тушимда тоширди лабга учук,
Сенинг тиғинг, утаркан санчилди дилга – котил.

Чидаш адоларингга Мусою Тури Сино,
Енгиш балоларингни Ҳоруту¹ чохи Бобил.

Аҳд этди жунун ичра Мажнун келиб факир-ла,
Лайли кўриб жамолинг, тан берди, бўлди койил.

Ғолиб, ғам ичра шодман, ўлим менга кийинмас,
Ёр васлига етолмай ҳолим фақат мушкул.

* * *

Ишониш аҳд-паймонингга ғалат эди, ғалат,
Бу мос тарзи баёнингга – ғалат эди, ғалат.

Улки қошингда сўзлади мен ҳақда, эй ракиб,
Ғалат эди бу жонингга – ғалат эди, ғалат.

Хуш бокдим ғунчага нозик адоси бор учун,
Чунки ўхшар даҳонингга – ғалат эди, ғалат.

Хабарингга кўнгил боғлаш хато эди, хато,
Умид лаби хандонингга ғалат эди, ғалат.

Лабим бор демасанг, бўлгай муносиб сенга бу,
Бор дейиш бу ниҳонингга ғалат эди, ғалат.

¹ *Ҳорут* – фаришта. Аёлга ошиқ бўлганлари учун Ҳорут ва Морут Худо ғазабига учраб, Бобилдаги чоҳга ташланган. Бу чоҳни сеҳр манбаи дейдилар. Кимки сеҳр-жодудан сабоқ олмоқчи бўлиб, чоҳ қошига борса, бу фаришталар унга сеҳргарлик илмини ўргатадилар.

Вафо эвазига жафо қиларсан то хануз,
Даъвойимиз гумонингга ғалат эди, ғалат.

Охир, эй буқаламун, қайда намоён бўлдинг,
Ким ишонса нишонингга ғалат эди, ғалат.

Ваҳм риштаси бошига шавқ тортмаса эди
Бизни сенинг томонингга – ғалат эди, ғалат.

У ўзинг эдингки, ўхшашинг йўқ эди, йўқ ҳеч,
Соя сарви равонингга ғалат эди, ғалат.

Хоҳлайсанки шу замзама ичра ўлса Голиб,
Ишониш аҳд-паймонингга ғалат эди, ғалат.

* * *

Кошонадаги ишвагарини не қиларсан?
Бефитна ўшал раҳгузарини¹ не қиларсан?

Етмасми кўнгил эригани нолалар ичра,
Беҳуда умиднинг асарини не қиларсан?

Каймус² тиласанг, истама ундан чиқинди,
То бўлмаса унда жигарини не қиларсан?

Мажбур қиларсан дилу дин этгали ҳадя,
Миннат аралаш ишларини не қиларсан?

¹ Раҳгузар – йўловчи.

² Каймус – таом тури.

Инсоф кириб, зора менга меҳр ила бокса,
Мажнунлик аро бу қадарини не қилурсан?

Рашк ичра ўзи бирла мадоро кила олмас,
Севги йўлида пок ҳунарини не қиларсан?

Кел тунда мурод истар эсанг май ичишингдан,
Воиз сену Худо хабарини не қиларсан?

Йўқ бўлса самар сабру чидамдан нима фойда?
Ол ундан ўзинг – дардисарини не қиларсан?

Йўқ йўли дея ўйлама сўз саҳросининг, бас,
Эгри юрар у хийлагарини не қиларсан?

Ғолиб, бу жаҳон шоҳларнинг ортида қолди,
Ҳукм этгучию ситамгарини не қиларсан?

* * *

Эй дил, умид гулбуттасидан бир нишон келтир менга,
Гар топмасанг бир тоза гул, майли, хазон келтир
менга.

Экисидан янги жароҳат кучлироқ бўлсин мудом,
Олмос кесар асбобни айлаб армуғон келтир менга.

Офтоб билан бирга туриб ҳар кун гадолардек енгил,
Қўйгин гаровга жону тўнни, май бу ён келтир менга.

Севги ғаму ташвишидан бир дам очилмайди кўнгил
Қўй фитналарни, яхши суҳбатдан нишон келтир
менга.

Шунча ғам етгуси, иқболни менга айла нишон,
 Бир бор хато килсанг нетар – ўқсиз камон келтир
 менга.

Кўлдан кўлимга бермадинг шавқ мактубини ҳсч
 қачон,
 Тилсиз висолнинг муждасин тилдан аён келтир менга.

Жонимни бердим рашк ила севгинг ғамида, эй санам,
 Ўлдирма рашк ўтида, андуҳи жаҳон келтир менга.

Эй шамширингнинг тиғида ҳаттоки ётган тўшагим,
 Ёритгали уйимни сен шам бегумон келтир менга.

Йўқликдан, эй Оллоҳ, вужудимни яратган сен ўзинг,
 Энди лабингнинг ганжидан бўса бирон келтир менга.

Ғолиб, дилимни содда сўзлар ўзига ром этмасин,
 Бас рамзу тимсолга ўраб, нозик баён келтир менга.

* * *

Ишқда ҳар икки жаҳондан бениёз¹ бўлмоқ керак,
 Ҳам мажоз бирла ҳақиқатдан халос бўлмоқ керак.

Майлу рағбат чўнтаги ичра қувонч нақдин тўкиб,
 Беҳабар жон қувватига пардоз бўлмоқ керак.

Лаб каби беҳуда сўзлашни этиб тарк шавқ аро,
 Дил каби парда ичинда ганжи роз² бўлмоқ керак.

Ишрат аҳли базмидек порлаб тиниқ руҳсор билан,
 Хилват аҳли шамидек ишқ ичра хос бўлмоқ керак.

¹ Бениёз – эҳтиёжсиз.

² Ганжи роз – сирлар хазинаси.

Маҳв этишга ўзлигингни боғлабон белга камар,
Қўл бериб бир пирга ишда унга мос бўлмоқ керак.

Ўзлигингдан юксаларсан шавк бериб сенга канот,
Жилва айлаб ифтихор ичра ниёз бўлмоқ керак.

Сабр этиб майхона саҳнида мудом масту хумор,
Савмаа¹ кунжиаро вақти намоз бўлмоқ керак.

Ким яшаб кон ичра завқ олгай нигоҳидан унинг,
Киприк ўқидан шаҳид безътироз бўлмоқ керак.

Изла бедор дийдадан нигоҳ гадолар аҳлига
Барчага толиб уйи эшиги боз бўлмоқ керак.

Ғолибо, топдингмикин озодалиқдан бир самар,
Ҳамдаминг сенинг ҳамиша сўзу соз бўлмоқ керак.

* * *

Гўзаллар қилмагай ул ишником, бизга зиён етгай,
Агар дил кетса қўлдан, ўрнига бир дилситон етгай.

Хабарни қизганар ҳатто, мен эса солдадилликдан
Умид айлаб бўларман шод магар ёр ногаҳон етгай.

Мурод дайру² ҳарамдан³ ёр висолидир фақат бизга,
Агар ҳар қайда сажда айласак-да ул томон етгай.

¹ *Савмаа* – ғайриисломий ибодатхона.

² *Дайр* – оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона.
Суфийлар истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадиятдан
хузурланишни билдиради.

³ *Ҳарам* – Каъба.

Бўлиб майхонада май куйкасини¹ ичгучилар жам,
Факирлик фахри буқим, менга ҳам ундан нишон
етгай.

Нишон ҳам қолмади мендан етиб майхона кунжига,
Мисоли ул садоқим, қар қулоғига гумон етгай.

Тузокка тушмагайман дона деб асло, қафасни гар
Баланд этганда қуш кўзига гўё ошиён етгай.

Бу йўллар, бор эканман мен, сира осуда бўлмайдир,
Ичаркан май каби коним, хотиржамлик қачон етгай?

Жигарга киприги санчилди ёр кўйига йўл олсам,
Юракка ундан олдин ушбу ўқи бегумон етгай.

Камонингга ўқингни тесқари сол деб ўтингандим,
Минг афсус, энди менга ўзга бир ёйдан нишон етгай.

Умид узмай сира муғ² ахлининг йўлига киргилким,
Қўлида май тўла коса билан ири муғон³ етгай.

Висолдан ўзга мужда йўқ дея хор тутмагум ўзни,
Ишончим бут: фалакдан барчаси ҳам бир замон етгай.

Агар соҳибқирони соний оламда бу кун йўқдир,
Менинг сўзим жаҳонга мисли бир соҳибқирон етгай.

Мусога жилва қилган ул тажаллий нури йўқ бўлса,
Сўз ичра сенга, Ғолиб, қайданам ўтли баён етгай.

¹ *Май қуйқаси* – дурд: тасаввуфда – қаноат ва номуродлик. Маъшуканинг ошиқни бетоқат қилувчи ёдини ҳам билдиради.

² *Муғ* – оташпараст; баъзан оташпарастлар руҳонийси маъносида ҳам келади; мажозан: пири комил.

³ *Пири муғон* – муғлар пири. Тасаввуфда маънавий раҳбар, комил инсон маъносида қўлланади.

МУХАММАС

Баҳодиршоҳ Зафар газалига

Чустий таржимаси

Оёқда ярми колди ишкалангач муттасил занжир,
Сен ўлдингу сағона ярми битмай колди бетаъмир,
Тўлик айтолмадинг, невчун қолиб кетди ярим такбир,
Қинида колди чикмай ярми, эй қотил, нега шамшир,
Ярим жони қолибдир ошиқингнинг ғам қилиб
дилгир.

Кўзимга ёш олиб ўлтурдим ул хунхор олдида,
Нега мен арзи ҳол айтмоқчи бўлдим ёр олдида,
Келиб огзимга жоним ваҳми гўё дор олдида,
Тўлик бир гапни мен айтолмадим дилдор олдида,
Азизим, ярмин айтдим сўзни, ярми колди бетаҳрир.

Менинг ҳолимни билдингму на бўлди, айт-чи,
сирдор ёр,
Кишида эрк бўлса, хоҳ бўлур уйқуда, хоҳ бедор,
Тикардим дил яросидек кўзимни бўлса гар хушёр,
Чизиб чикдим бутун тун уйқуда ёр суратин мен зор,
Ярим ҳолича битмай колмиш уйғонсамки, бу тасвир.

Ситам эзгач мени, аҳд айладим, эй дилбари танноз,
Борай шахло кўзим олдига топгай чора ул бир оз,
Келиб эрдимки, шарпам бирла уйғондинг, аё мумтоз,

Ярим очган кўзингни кўрдиму хайратда колдим боз¹,
Амалга ошмади, колди ярим мен ўйлаган тадбир.

Кишига илтифот айлармиди ул дилбари мағрур,
Бу ҳалво, зулми ортар, хусни ортмоқда бўлиб машхур,
Магар беш-олти кунлик янги ойдир кўкдаги бенур,
Хузурида эмас бир ҳафталик ой менга номанзур,
Жамолин олдида ҳатто куёш берди ярим таъсир.

Мени қийнаш пайига тушдиму бахти каролик ҳам,
Эрур чексиз балою офату дарду алам-ла ғам,
Булардан бошқаси менга қаҳатдир, бўлса ҳам кам-кам,
Ҳақиқатда жуда шўрлик экан, найлайки, пешонам,
Яримта хосият берди менинг кафғимдаги иксир².

Ёнимга кел, бўлак жойдан бу жой хилват бўлур аксар,
Чақирма бошқани, танҳо ўзинг кел, бўлмагил қайсар,
Десанг ҳар нарса бўлса бўлди, кел, оғушима дилбар,
Нега сочинг силаб ўйлаб қолибсан, эй парипайкар,
Ярим колди висолингнинг туни, кел бу нечук тақдир.

На бўлди у киши қайтиб кетиб қолмиш ярим йўлдан,
Эшитдим, билмадим: қайтиб кетибдир не сабаб
бирлан,
Бу ҳам пешона шўридур, ярим йўлга келиб эркан,

¹ Боз – 1) лочин; 2) яна, тағин.

² Иксир – афсонавий жавҳар – унинг воситасида гўё мисни олтинга айлантириш мумкин эмиш; мажозан: жуда фойдали дори.

Келиб кирмай уйимга кетган эрмиш кайта
сийминтан¹,
 Ярим тортмишми кўнглим, бир бало борми бу қандай
сир?

Эсимга тушди кўкқисдан Худовандо бир эски гап,
 Демай ҳеч кимга бир сўзни, фақат тинглаб турарман
хап,
 Яширмайман, у кунги сўз эсингда борми, кўр эслаб,
 Шошилдинг мунча, эй қосид, бор эрди дилда кўп
матлаб,
 Тушиб қоғозга ярми дилда қолди, ярми бетафсир.

Худонинг қаҳри, хуснин партави бўлса чакин суврат
 Қилурмиз олти соат иккимиз бор-йўқ айш-ишраг.
 Агар у шомда келса, яхши бўлгай тун бўйи суҳбат,
 Ярим тундан ўтиб эрди у бир келган кеча фурсат,
 Бу тун орзу ушалмасдан қолибдир ярми, бу тақдир.

На бўлди оқибат, эй телба Ғолиб, бир назар қилгил,
 Уйига бормагил деб айтган эрдим сенга ою йил,
 Мени афв айласинлар тўғри бу сўзлар ва лекин дил —
 Ушал ёкка олиб борди, Зафар, охир надур ҳосил:
 Тўқилди обрўйим ярмиси бир дамда бетаъхир.

¹ Сийминтан (Сийминбадан) — кумушбадан, окбадан;
 гўзал, зебо.

ҚИТЪАЛАР



Султон Қўқонбеков таржимаси

Ҳиндистон – бу диёрликда ажиб кутлуғ,
Диёрлар ичра вафоси мўл, бекиёс.

Куёш Шарқдан чикқанидек яшнаб, улуғ
Бу диёрдан чиккан ростлик, лутфу ихлос.

Ва бу мева дунё бўйлаб сочган уруғ,
Шундай уруғ унган бу юрт тупроғи соз.



Раҳмонберди Муҳаммадҷонов таржимаси

Энди шундай жойни топ, тилли жон ҳеч бўлмасин,
Ҳамсухан ҳеч бўлмасин, ҳамзабон ҳеч бўлмасин.

Битта уй курмок керак, безшик ва бедевор;
Қўни-қўшни бўлмасин, посбон ҳеч бўлмасин.

Гар бўлиб қолсанг касал, бўлмасин бир меҳрибон
Ва ўлиб кетсанг агар, навҳахон¹ ҳеч бўлмасин.

¹ *Навҳахон* – гўянда, айтувчи.

* * *

Кўнгил майхонасига қадам энди қўйганлар,
Хавас этмангиз асло бўлурман деб боданўш¹.

Қаранг менга, гар ибрат олувчи бўлса нигоҳ,
Мени тингланг, кулоқ гар насиҳатдан бўлса хуш.

Кўрсатиб жилва, соқий ўғирлайди имонни,
Чалиб созини мутриб, олиб қўйгай ақлу хуш.

Мана, тунда кўрувдик ажойиб бир манзара:
Ёзиб боғбон этакни, қўлин очган гулфуруш.

Юрар соқий хиромон, ёқимли куй чалур чанг,
У жаннат кўзларинга, кулоқ бундан бўлур хуш.

Келиб кўрсак саҳарда, асар ҳам йўқ базмдан:
На кайф бор, на ширин дард ва на шавқ очган оғуш.

Ўша суҳбат фироқи ўтида ўртаниб бир –
Қолибди шам, у ҳам жим, йўқ унда ҳеч эсу хуш.

* * *

Мен ўзимни бус-бутун ишқ раъйига топширганман,
Топинганим чакмоқ ёққан жисму жонимдан доғман.
Соқий, майхўр ташналиги ҳимматинга боғлиқдир,
Май дарёси бўлсанг агар, мен шимғучи кирғоқман.

¹ Боданўш – майхўр.

* * *

Дил яроси – бу давлат, ишк шуъласи – посбон,
Фурсат пойлар маъюслик пистирмада ногахон.
Не умид килай ундан навкиронлик чоғида!
Ёшлигида ҳам сира ёкмас эди бу дoston.

* * *

Дил сиқик деб нолима! Ахир, бу бир кофир-ку!
Сикилмаса, барибир у паришон бўларди.
Ёш тўкмасам ҳам, уйим ахир вайрон бўларди:
Денгиз денгиз бўлмаса, бир биёбон бўларди.
Тоат қилса умрбод банда кирур жаннатга –
Ёр дарбони Ризвон бўлса, ишим осон бўларди.

* * *

Кўнгил бериб танҳолик тушди улар бошига,
Ғариб-бекаслигимга дерлар энди тасанно.
Ҳар нарса бу жаҳонда ўлиб-йитиб боради,
Куёш нури – ел кучган лип-лип чироғдан зиё.

ШОИРНИНГ ПОДШОҲГА АРЗИ

Раҳмонберди Муҳаммадҷонон таржимаси

Эй улуғ, тахти осмон шаҳаншоҳ!
Эй буюк, офтобнишон ҳукмдор!
Мен эдим бир бенаво¹ гўшанишин²,
Кўкси пора-пора бир кулфатга ёр.
Бахш этдинг менга иззат-обрӯ,
Сен туфайли топди равнак касбу кор.
Мен каби ҳеч арзимас бир заррага
Очди сиррин офтобу ою сайёр.
Йўк эрурман бир илм ё ҳунарда,
Ўз вужудимдан мен ўзим-да безор.
Мен ўзимни гар десам тупроқдан,
Мен аминманки, килур тупроқ ҳам ор.
Шодман аммо шу туфайли дилимда:
Подшоҳга мен эрурман жон нисор.
Бир кадрдон кул, мурид ва хайрихоҳ,
Эрди ҳар вақт ушбу аризанигор³.
Бўлдим энди, минг шукур, хизматчи ҳам,
Бўлди тўртта нисбатим, каммас бирор,
Сизга додим айтмасам, айтай кима?

¹ *Бенаво* – бечора, ожиз, нотавон.

² *Гўшанишин* – хилватли макон тутган киши.

³ *Аризанигор* – ариза ёзувчи.

Кимга ҳолимни қилай мен ошкор?
 Пири муршид! Менга бегона ҳавас.
 Қилмам орзу зарварақ тўн, тождор.
 Қиш учун бир нарса лозим-ку бироқ,
 Токи аёз кунда бўлмай беқарор.
 Бўлмасин менга нега даркор либос?
 Бор танам, гарчи кўримсиз, бемадор,
 Ҳеч нимарса ололмадим мен бу йил,
 Ҳеч нимарса қилолмадим мен бу бор.
 Кундузи офтоб ва тун бўлди – олов,
 Ўт тушсин, бўлса шу лайлу наҳор!
 Тобланур оташга одам тобакай?
 Ахтарар офтобни токай жондор?
 Тафти офтобнинг, оловнинг яллиғи!
 Ва кино раббано азобан нор!¹
 Белгиланган менга даргоҳда маош,
 Лекин олмоқнинг қизик бир йўли бор.
 Мурдаларга бир расм бор; олти ой,
 Халқ қилибдур шу расмни ихтиёр.
 Мен бироқ борман ҳаётнинг домида,
 Олти ойлик йилда бўлгай икки бор.
 Қискаси, ҳар ой бировдан қарз олиб,
 Чўнтагига фойда солгайман бекор.
 Ҳар маошни уч бўлиб, бир қисмини
 Тортиб олгай ҳар сафар бир соҳуқор².
 Йўқ букун оламда шоир битта ҳам
 Мен каби машшоқу моҳир, сеҳри бор.

¹ *Ва кино раббано азобан нор* – эй Худо, олов (дўзах) азобидан кутқар! (Қуръони каримдан).

² *Соҳуқор* – судхўр.

Марди майдонларни дoston айласам,
 Шамшир ўткир бу тил олдида бекор.
 Базму мажлис қилсангиз ораста гар,
 Бу қаламдан сочилур дур жилвадор.
 Айтмасангиз шеърима таҳсин – бу зулм,
 Қўймасангиз меҳр менга, сизга ор.
 Сизга қул бўлсамда юрсам белибос?!
 Сизга хизматкор, бировдан қарздор?!
 Мен олиб турсам маошни ойма-ой,
 Бўлмасам токи жаҳонда хору зор.
 Мен дуо-ла шеърни қилғайман тамом
 (Шоирона майда сўзга йўқ хумор):
 Бўл саломат, минг йил кўргил умр,
 Йил эллик минг кунга бўлсин баробар.

СОҚИЙНОМА

Шоислом Шомухамедов таржимаси

Соқий, мен пашанглик¹, Афросиёбдан²,
Билдингми аслиму насабим Жамдан³.
Узат менга майни Жамшиддан мерос,
Сўнг жаннатга етқум, мерос Одамдан.
Бир куни базмогоҳ соқий косамга
Сузилган май куйди, тоза, мусаффо.
Димоғимга етгач кизил май иси,
Талону торождан қилмай ҳеч ибо,
Ҳам ул сархушликда мен рақибимнинг
Ёқасин тутмоқни этдим муддао.
Дедим: – Эй, сен сурур уйин маҳрами,
Саволларим бордир одобга ошно.
Аввал борлиғимиз даъвосин гапир,
Деди: – Бу куфр-ку шариат аро.
Дедим: – Охир недур бу борлик бари?
Деди: – Ҳай-ҳай, айтиб бўлмайти асло.
Дедим: – Муҳолифлар билан не қилғум?
Деди: – Сулҳ асосин айлагил барпо.
Дедим: – Бу мартаба ва мансаб недур?
Деди: – Дев фириби, доми аждаҳо.
Дедим: – Сафаримнинг сабаби недур?
Деди: – Ватан аҳли кўргузган жафо.

¹ *Пашанг* – Афросиёбнинг отаси.

² *Афросиёб* – Турон подшоси.

³ *Жам* – қадимги Эрон подшоҳи Жамшид исмининг қис-
қарган шакли.

- Дедим: – Бу кун гапир Дехли нимадир?
 Деди: – Дехли жондир, жаҳондир симо¹.
 Дедим: – Айт, Банорас нимадир ўзи?
 Деди: – Гул ошиғи, мастона², зебо.
 Дедим: – Азимобод³ қандай? Ул деди:
 – Фазо чаманидан рангинрок рўё.
 Дедим: – Хуш келурми салсабил⁴ суви?
 Деди: – Суҳан⁵ суви ундан ҳам аъло.
 Калькутта ахволин сўрасам деди:
 – Саккизинчи иқлим демаклик раво.
 Дедим: – Унда одам кўпмикин, қандай?
 Деди: – Ҳар хунар, ҳар жойдан муҳайё.
 Дедим: – Бунда қандай ишдан фойда бор?
 Деди: – Ҳар кимсадан кўркув ва риё.
 Дедим: – Унда қандай иш қилмоқлик керак?
 Деди: – Шеъру сўздан бўлак ҳар бало.
 Дедим: – Бу оқбадан, ойюзлилар ким?
 Деди: – Лондон аҳли бу моҳлико.
 Дедим: – Буларда дил борми ва нечук?
 Деди: – Бор-ку совук темирдан, аммо.
 Дедим: – Излаб келдим бунда адолат.
 Дер: – Тошга бош урма, чикмагай садо.
 Дедим: – Бул кун менга қандай иш лойик?
 Дер: – Икки оламдан бўлмоқ мосуво.
 Дедим: – Нажот йўлин кўрсатгил, деди:
 – Ғолиб, сенга нажот фақат Қарбало⁶.

¹ Симо – бу ерда: жисм, бадан маъносида.

² Мастона – мастлардек.

³ Банорас, Азимобод – Ҳиндистондаги шаҳарлар.

⁴ Салсабил – тоза, тиник муздек оқар сув.

⁵ Суҳан – Ҳиндистондаги дарё.

⁶ Қарбало – Ироқдаги саҳро.

РУБОЙЛАР

Эргаш Очилов таржимаси

1

Хар пардани, Голиб, ўз навоси бордир,
Хар гўшани ўз файзу сафоси бордир.
Пок айлади жисмимни жаҳон ташвишидан –
Банголани хуш обу хавоси бордир.

2

Умрим бўйи тақдир кўлида хор бўлдим,
Умрим бўйи омадга умидвор бўлдим.
Сармоя йўғ-у, фойда хаёлин килдим,
Бир ваъда йўғ-у, кўйида кўп зор бўлдим.

3

Мен рози эмасман берсалар жаннатни,
Хак даргоҳида турли-туман неъматни.
Жон қайта танамга кирса, сарф этгай эдим –
Бир кўргали сени, бу буюк давлатни!

4

Ё Раб, жаҳон аҳлига дили хуррам бер!
Жаннат тилаганга оташини ҳам бер!
Шаддод¹ хафа ўтди сендан кўрмай ўғил,
Одам² мулкин қавмига қилмай кам бер!

¹ *Шаддод* – афсонавий араб подшоҳларидан бирининг номи. У гўё худолик даъво қилган.

² Бу ерда Одам Ато кўзда тутилмоқда.

5

Беморман-у, май дардима дармон бўлгай,
 Ҳам куввати дил, ҳам роҳати жон бўлгай.
 Отамга¹ дедим: май ичгали майл айла,
 То бода ичиш расми фаровон бўлгай!

6

Кўркув ила кўнглим то банд эрмас эди,
 Ҳеч нарсага қаттиқ пайванд эрмас эди.
 Орзум мени Каъбаю сафардин ғайри –
 Тарки элу хотин, фарзанд эрмас эди.

7

Дунё сен учун айш-ишратистон бўлсин!
 Шодлик гули юз рангда намоён бўлсин!
 Келди ҳайиту баҳор хуррамлик олиб,
 Мендек неча юз жон сенга қурбон бўлсин!

8

Кўз олдида беморни фақат тургай ёр,
 Ўз нафъу зиёни-ла иши йўқ зинҳор.
 Толибга талаб қилгани не имкон бор?
 Йўқ меваси берса-да хино барг бисёр.

9

Суҳан суви олдида бекор қанду набот,
 Тенг келмас унга Нил ила Жайхуну Фурот.
 Ҳинд отли бу бир парча ери оламнинг –
 Зулматдир-у гўё, Суҳан – оби ҳаёт.

¹ Бу ерда Одам Атога ишора қилинмоқда.

10

Ҳайрон бўлма, фалак агар қаҳр этса,
 Бош этса куёш, ой ўзини маҳр этса.
 Ҳеч бўлмас ажаб юз берса шундай ҳол:
 Шоҳ хоки пойин ўпиб, куёш фаҳр этса!

11

Сен орзуни кўп бердинг-у, сармойани кам,
 Қошингда қиёмат куни биз бўлсак жам,
 Қўй мени ҳолимга – чекиб хасрат-ғам,
 Мен қилмаган айшларимни ўйлай ул дам.

12

Шодлик базмида хасталарга не қувонч?
 Жанг ичра оёғи басталарга¹ не қувонч?
 Гар ёғса булутдан покиза май, Ғолиб,
 Биз – кўзаю жом шикасталарга не қувонч?

13

Юзинг каби юз йўк бирор инсонда,
 Покиза вужуд ҳам бу каби ҳеч жонда.
 Дединг: сира парво қилмагум гап-сўзга,
 Ёмонларнинг кўзи лекин ёмон-да!

14

Қашшоқлик оламида аччик ҳаёт,
 Тоат-да қилолмайсан излаб нажот.
 Кошки Ҳақдан ишораи савму салот² –
 Бўлса эди, фарз бўлганидек ҳажжу закот.

¹ *Баста* – боғлик.

² *Савму салот* – рўзаю намоз.

15

Кошки бу жахон янгидан ижод бўлса,
 Вайрона бу кулбам зора обод бўлса.
 Мендан кўра яхши бу тубан оламда –
 Ким ўзгани(нг) ғам-кайғусидан шод бўлса.

16

Токай эл ила тинчу саломат бўласан?
 Токай нишонаи маломат бўласан?
 Ғам кечасининг, дедингки, тонги бўлмас,
 Бундай дема, мункири киёмат бўласан!

17

Манзил менга ҳам шу кора ер – кайга борай?
 Бор тупроғини сочди бошимдан, найлай?
 Зар берди-ю ўзгаларга, кўйди менга дом,
 У онадир ўзгаларга-ю, менга ўгай.

18

На ханжару ўқ захми ила ўлганман,
 На шерни(нг) тушиб чангалига сўлганман.
 Тишлайман-у лабларимни, қонин сўраман,
 Қон юта яшашдан безор бўлганман.

19

Мен яккахудолик ғамидан озодман,
 Ўз поклигима ўзим гувоҳман, шодман.
 Сўз ичра салафларга бугун шогирд эсам,
 Бас, эрта халафларга¹ тайин устодман.

¹ Халаф – ордан келаётганлар, авлодлар, ворислар.

20

Ғолиб, менинг катта бобомдир Зодшам¹,
 Шундан яшадим қилич дамида мен ҳам.
 Саркардалик ўтди-ю, ёпишдим шеърга –
 Бобомнинг синган қиличи бўлди қалам.

21

Ҳар ким эса йўқчилик туфайли поймол,
 Расволик ила ҳам ўнгланар гоҳ аҳвол.
 Биз ташналаб-у, хирқа-чи, ботмиш майга,
 Сокий, қадахинг тешикми – бу қандай ҳол?!

22

Эй, нега чўчийсан бу қадар ўлимдан?
 Дил мангу ҳаётними тилар ўлимдан?
 Куйдим-ку табиий ҳарорат ўтида мен,
 Оғир бу ҳаёт, билсанг агар, ўлимдан!

23

Маълумки, шикоят айламак яхши эмас,
 Ёр ҳусни-ю дил дарди – сўзим мавзуси, бас.
 Ҳолимни келиб кўрмади-ю, сўрмади ул,
 Душман яралаб, ёр эса ўлдирди, абас².

24

Сўзингга сенинг эътимод айлаб бўлмас,
 Ёлғон ила ўзни шод айлаб бўлмас.
 Сен ваъдани тоғдай уйдинг – орасидан
 Бир яхши ваъдани ёд айлаб бўлмас.

¹ *Зодшам* – Пашангнинг отаси, Афросиёбнинг бобоси.

² *Абас* – беҳуда, бефойда.

25

Тун бўйи агарчи меҳмон қилдим уни,
 Бирмунча ўзимга меҳрибон қилдим уни.
 Кўнглим сира хотиржам эмасдир, чунки
 Васл ичра ўзимдан бадгумон қилдим уни.

26

Минг нарса менга ато этишса – Уники!
 Жаннатни пешонамга битишса – Уники!
 Мен Унга қилай фидо юз шодлик ила –
 Махшар қуни танга жон этишса – Уники!

27

Дил юзини тирнаб, қондан йўллар очай,
 Кўз орқали юзга қонли ёшлар сочай.
 Умрим бўйи кора киймасам Каъба каби,
 Мўминга¹ тутиб аза жаҳаннамга тушай..

28

Олам сўзни гар тушуниб етгай эди,
 Номим менинг Аршдан-да ўтиб кетгай эди,
 Дин бўлса агар сўз илми нетгай эди –
 Девоним илоҳий китоб этгай эди!

29

Кошки бу жаҳондан йўқ бўлса эди ғам,
 Бир йўла унут бўлса унинг эскиси ҳам.
 Ночорлигимизга нукта қўймоғи кийин
 Ҳар қанча тугаб-битса-да дунёда ситам.

¹ Мўмин – Ғолибга замондош шоир.

30

Уришди бугун дилдаги доғимга олов,
 Сабрим томирига эса тизғни беаёв.
 Фитна ила сепишди димоғимга атр,
 Этган эди беҳол жуда жисмимни тумов.

31

Умрим бўйи бир хумга¹ хуморман, соқий,
 Йўқ сабрим – ташна, бекарорман, соқий.
 Хум оғзини очу куй томоғимга уни,
 Кафтимда қадах-да йўқ, хорман, соқий.

32

Дерлар олам аҳли риёкор дема,
 Яхши кўринар, агарчи маккор дема.
 Ҳар қанча яшаб ёмон, бадном кетсам,
 Марҳумни ёмон эди зинҳор дема.

33

Ҳар қанча ақл май зўридан паст бўлгай,
 Ақл хиралашиб, ваҳм забардаст бўлгай.
 Ҳар кимнинг ақл бўлса агар жавҳарида²,
 Нега ичар у балони – бадмаст бўлгай.

34

Ҳар кўз ранжу ғам кўлида ғаввосдир,
 Тупроқдир у гар лаълдиру гар олмосдир.

¹ Хум – завк аҳли наздида сулукнинг ибтидоси. Бунда солик хумга эндигина солинган майдек қайнаб-тошади.

² Жавҳар – асос, моҳият, гавҳар.

Ул дилки, жаҳондан озод эди, энди
Этган асир ишқига Нароим Досдир¹.

35

Биз севги хақида ўқидик кўп нарса,
Биз севги хақида сўқидик кўп нарса.
Тарк этдигу оламини, бироқ оламда
Биз севги хақида тўқидик кўп нарса.

36

Дил, яйра, бугун Наврўз байрамидир,
Шодлигу кувонч Наврўзнинг ҳамдамидир,
Ҳар канча айшу ишрат этсанг дамидир,
Унут барини – хоҳ камию хоҳ ғамидир.

37

Давр дардини этганим ракам ҳам ўтди,
Сўз мулкани олганим у дам ҳам ўтди.
Май эди юпанчим қариликда, Голиб,
Май ҳам юва олмаган ғам ҳам ўтди.

38

Эй, юзинг офтобдек жаҳонни ёритар,
Бахтинг оламини ўзига банда этар.
Ҳақ минг-минглаб Наврўз умид-орзусини
Ўчмас қилиб умринг китобига битар.

39

Дил ҳар бир эшикдан умидин гар тилагай,
Бир-икки қадах пок май у аксар тилагай.

¹ Нароим Дос – Голибнинг хинд дўстларидан бири.

Бир сув менга бахш этди донишманд Дос,
Гўё у ҳаёт суви – Искандар тилагай.

40

Кулбамда менинг агар ғубор кўргайсан,
Бўйнингда илонни сен тумор кўргайсан.
Тор шунчаки, сен гўё ер узра туриб,
Осмондаги юлдузни бирор кўргайсан.

41

Овоз чиқарар тирнок зарбидан чанг,
Билдим яралишини қаердан оҳанг.
Нохушлик пардасида хушлик яширин,
Кирни тошга бежиз уришмас, билсанг.

42

Ғам дастида бас дилинг агар ҳам бўлмас,
Зар кетса-кетар – ундан ҳеч ғам бўлмас.
Эй хожа, бу сийму зар, бу сийму зар,
Ғаммаски, чекканинг билан кам бўлмас.

43

Кўз равшану шоддир юрагим ҳар асно,
Қар бўлса-да, яхшидир қулоғим аммо.
Қуфр аҳлининг Худолик этиб даъво,
Айтган сўзини эшитмагайман асло.

44

Ғолиб сира рўзғор ғамини ёд этмас,
Биҳишту хур ишқида дилин шод этмас,
Бордир тани-ю, чекса-да дард, дод этмас,
Бордир дини-ю, бир ишни обод этмас.

45

Бўлди бу замона жохил ахлига ёр,
 Жохиллигидан йўлсизлик бўлди шоир.
 От билса-да ўзни, бир-биридан фарки
 Дажжол эшагидан Исо эшагича бор.

46

Ночорлик қайғуси тамом ўлдирди,
 Дил танглиги-да бўлди-ю дом ўлдирди.
 Хослар хоси бўлиш ғами куйдирди,
 Кўзгаб ҳасадим, таънаи ом¹ ўлдирди.

47

Ғолибдек сўзда ҳеч ким сарвар эмас,
 Сўз завкидан ўзга дилида гавҳар эмас.
 Текин ва тиник майни тилар у мўл-қўл,
 Бу майфуруш, аммо, соқийи Кавсар² эмас.

48

Май куйқасига тўла пиёла то ҳануз,
 Шодман – яшнар баҳорги лола то ҳануз.
 Куфр эрта ғамин ейиш таваккул³ йўлида,
 Кўхна май экан сенга ҳавола то ҳануз.

¹ Ом – авом.

² Соқийи Кавсар – Ҳазрат Али.

³ Таваккул (*Таваккал*) – тариқат мақоми. Комил эътиқод ва тўла ишонч билан ўзини Яратганнинг ихтиёрига топшириб, дунё, тирикчилик ва нафс ташвишидан бутунлай фориғ бўлиш.

49

Дўстлар боғидан бу ранг бериб тоб чиқади,
 Сўлар гулу ундан, лола шодоб¹ чиқади.
 Омадли кишиларнинг кутлуғ уйида
 Офтоб ботиб кетса-да, маҳтоб чиқади.

50

Зоҳидларнинг юриши хайф жаннатда,
 Ҳар шохдан умид килар улар албатта.
 Ташбеҳ юзидан синчиклаб боқсанг агар,
 Ҳайвоннинг ўзи бокилаётган ўтда.

51

Ҳар кимнинг иши яхшилик бўлса мудом,
 У маҳрами хосларнинг у суянчи авом.
 Эл кўнглидан осон эмас олмоқлик жой,
 Яхши чиқарар гоҳи ёмонликда ном.

52

То икки адиб – Майкашу Жавҳар² бордир,
 Сўз мулкида шон бизга муқаррар бордир.
 Майхонада пирмиз – ўзимиздан сокий,
 Майдонда қилич – боиси Жавҳар бордир.

¹ *Шодоб* – сероб, гуллаб-яшнаган.

² *Майкаш ва Жавҳар* – Голибга замондош шоирлар. Бу ерда Голиб шоир дўстлари номи асосида сўз ўйини қияпти: Майкаш – май қуювчи, сокий дегани бўлса, Жавҳар сўзининг тиш, тиг деган маъноси ҳам бор.

53

Қўлим ё хазина тешигида бўлса,
 Ё бир парипайкар эшигида бўлса.
 Ё ҳеч кишига тушмасин ишим, ёки
 Мендек киши йўклик бешигида бўлса...

54

Мен масту умиднинг майидан бас шу менга,
 Қўлимда калава учи – йўқ кайғу менга.
 Лутфу карами бўлмаса-бўлмас, не қилай,
 Истеъдод берди – раҳмати шу-ку менга.

55

Ҳар ташвиш агар олтину зардан чиқади,
 Ғам чекма, тутун агар жигардан чиқади.
 Бўлмайди қилиб сира гадодан миннат,
 Хизматга киши аҳли ҳунардан чиқади.

56

Дўст ишки туфайли жон иши меҳру вафо,
 Мактуб жавоби кеч агар етса равво.
 Ёзганда қўзим тўккан ёшлар боис
 Мактуб қатини очиш мушкул доимо.

57

Домдан қутулиб, эшикка чикдим гўё,
 Наф борми бу озод бўлишимдан асло?
 Арзир қилсам ўзимга нафрат изҳор,
 Шарти шу: ватан йўли тилида аммо.

58

Сўз устасидир Бисмилу¹ меҳри дарё,
 Сўз қадрин оширди, меҳр аро ҳам танҳо.
 У султондир – агар сўз иқлим бўлса,
 У пешво – муҳаббат эса дини дунё.

59

Бу мактуб хаста дилга бўлди дармон,
 Келтирди бу дарвешга обрўю шон.
 Ўзимга ўзимни бахш этди гўё,
 Жисмимдаги ҳар бир тукка кирди жон.

60

Озод кишининг равиши бошқа, Ғолиб,
 Ким аҳли тариқат – иши бошқа, Ғолиб.
 Эрам боғи бизга орзулардан кечмоқ,
 Бу боғни яратган киши бошқа, Ғолиб.

61

Порлоқ офтобга ўхшагай рухсоринг,
 Саҳродаги сел сингари феъл-атворинг.
 Дейман паришонлигини кўриб бу қадар:
 Биз – хонахароблар каби зулфи торинг.

62

Ишқ ичра қилиш орзуни изҳор мушкул,
 Дил конига чунки нафасинг ғарқ буткул.

¹ *Бисмил* – Ғолибнинг замондоши бўлган калькутталик шоир.

Сахрода адашдим, энди кум оташидан
Кумга кўмаман оёқларимни нукул.

63

Мавж орқасидан кема соҳилга етар,
Йўлчи ҳаракат туфайли манзилга етар.
Жабр ошса, далил унга шикоят бўлади,
Дилдан нима чиқса, ўша тилга етар.

64

Ҳар кимки ҳақиқатдан агар топса хабар,
Бундай киши хоксор бўлади, билсанг агар.
Эрам боғини тилар Худодан соҳид,
Бас, Шаддод ўғли десанг уни ярашар.

65

Мансур ғамидан қилса хикоят, не бўлар?
Гар қилса яқинларинг хиёнат, не бўлар?
Ҳақ битта деганга оқибат дор бўлса,
Ҳақ икки дегувчига ниҳоят не бўлар?

66

Қилсанг-кил ҳар қанча даво-дармоним,
Ман этма фақат майни, ошар туғёним.
Мен ўлсаму, ҳайф эмасми, икки-уч хум –
Май қолса бўлиб мерос уйимда, жоним.

67

Қолди на дарахту на барг орзу боғида,
Олди барину селу куйдим доғида
Уй асли омонат эса селда нима айб,
Ночорга писанд эмас ажал сиртмоғи-да.

68

Эй май қадахи, шодликдан урдинг дам,
Кибр ичра ситам тузоғини курдинг хам.
Ёд айла мени ёлғизу оқсоқ кишини,
Курсанг йўлда, чунки ўзинг бердинг ғам.

69

Кўксимда ғаминг сабаб тиконим бордир,
Қонли дилиму ёши равоним бордир.
Мен сенга етолмайман – жону тандан
Сен фориғу менинг тану жоним бордир.

70

Таъна қилибон дилингни қора қиламан,
То ғамзада дил дардига чора қиламан.
Мактубга жавоб қарзу жавоб қилмадинг-ей,
Кеч келса жавобинг энди пора қиламан.

71

Ночорга гадо фақат маломат этади,
Ошиқдан ажал фақат надомат этади.
Дил қонидан уммон бўлган кўксимдан
Жонини фақат ўқинг саломат этади.

72

Дунёда зарур мудом музаффар бўлмок,
Мард этса нима, шунга муяссар бўлмок
Шарқ офтоби шуъласида тобланган
Май кайфи билан дили мунаввар бўлмок.

73

Бир кун ёлғонни тарк этдинг, Ғолиб,
 Эртан яна май қошига етдинг, Ғолиб,
 Бу беҳуда тавбани нетдинг, Ғолиб,
 Тавба қила, тавба қила кетдинг, Ғолиб.

74

Ким қисмат лутфига агар қилса назар,
 Қайғуси каму қувончи кўп, билса агар.
 Куфр ичра тафовут мену Санъонда кўп,
 Тоат ҳақи ўзга, эҳсон ўзга бўлар.

75

Ғам қўли билан ел агар олгай ҳосил,
 Беҳол бўлар ундан ҳушёру ғофил.
 Бир хум май қолдирдим ўғлимга то
 Ўтказсин ота ўлимини енгил.

76

Эй сенки, Каъба сари от солдирдинг,
 Кўнглингдаги орзуларни ўт олдирдинг.
 Билдим, бу қадар тез юришинг бежиз эмас,
 Уйда бир ўжар, ёмон хотин қолдирдинг.

77

Эй шох, чекиб ранжу риёзат келдим,
 Орзумни қиларсен деб ижобат келдим,
 Юзимга бериб рангу тароват келдим,
 Кўз ёши билан тилаб адолат келдим.

78

Жонимки, ғаму азоб бемикдор унда,
 Андишаю фикр этди тиканзор унда.
 Кўздан оккан дилнинг ҳар порасини
 Топарсан учи ўткир бир хор унда.

79

Бу уйкуни кун билан кошу кўз дерлар,
 Орзу тонги каби дилафрўз дерлар.
 Шунданми, кўриб кундузи хисрав¹, не ажаб,
 Бу хисрави гар мулки Нимрўз² дерлар.

80

Қоп-қора сочинг белинга тўлқин уради,
 Ҳеч нарсаси йўқ камар уялиб туради.
 Белингаги соч ташбеҳи ушбу: гўё
 Ҳамсоя бўлиб бойга дарвеш юради.

81

Болта тиғига етди дарахтим менинг,
 Оташда куйиб кетди рахтим³ менинг
 Мен ўлсам ўлай, сен бадном бўлма фақат,
 Қулмас феълинг туфайли бахтим менинг.

¹ *Хисрав* – подшоҳ; мажозан: офтоб. Бу ерда сўзнинг шу
 икки маъноси асосида тажнис ҳосил қилинган.

² *Нимрўз* – Сейистон вилоятининг қадимий номи.

³ *Рахт* – 1) нарса; 2) кийим.

82

Май куйқасию дарду, яна бўлса заҳар,
Сокий қадахимга қуяди, билсанг агар.
Қўй бахту саодатни – ўлдирди мени
Ноҳид¹ нозу Миррих этиб қаҳр шу қадар.

83

Ёр ноз ила май базмига таклиф этди,
Қаҳри тугади-ю гўё, меҳри етди.
Ёндирди юзу кўзимни майдан, аммо,
Ноз-ла қўлим этагидан узди-кетди.

84

Ё Раб, қўлла ушбу жаҳонда бизни,
Фасли гулу майда – хуш замонда бизни.
Бўлар эди қанча тузу сув ҳаққи, ахир,
Зухд ахлидан асрагин омонда бизни.

85

Шоҳмиз – тожимиз ўт, тахтимиз қонранг,
Ваҳшат билан ер юзига солганмиз чанг,
Дур худди, балик тангаси аммо, билсанг,
Токка қочамиз шер билан қилсак жанг.

86

Кимнинг дилида тама нишони бўлса,
Ер гўшт эмас, ҳатто устухони бўлса.

¹ Ноҳид – Зухра (Венера) сайёраси.

Ҳайрон бўлманг, Хумо қанотида юриб,
Соя каби тупроқ макони бўлса.

87

Сену мени(нг) қўлимизда етти иқлим,
Орзуга эришгунча қон бўлмас ким?
Жаннат яратишга қолдими бир жилва?
Дўзах яратишга қолдими нур ёким?

88

Мавжудмисан, эй Худо, зар бермадинг-ей!
Қақшатса-да бу дунё, зар бермадинг-ей!
Йўқ, йўқ, на ғойибсану на бешафқат,
Билгач нафи йўқ асло, зар бермадинг-ей!

89

Токи ҳаракатдаю равондирмиз биз,
Асрори илоҳийга кондирмиз биз.
Нома келади юкоридан – шудир бахт,
Олтинчи авлоди Сосондирмиз¹ биз.

90

Бахш эт нафасим агарчи оташ уфурар,
Кўз ёшим агар жумла жаҳонни ўпирар.
Орзум шу: қиёмат куни бахш айласа жон,
Ҳар бир томиримда ишқ олови гупирар.

¹ Сосон – Сосонийлар сулоласи асосчиси.

91

Дилни ёкиб ўтга, пок қилсам ўзни,
Тигнинг домида ё хок қилсам ўзни,
Сендан узилиб ё доғ қилсам ўзни,
Сенга етишиб ё чоғ қилсам ўзни.

92

Ҳар чашма мисоли бир уммон бунда,
Ҳосил беради тикан-да ларзон бунда.
Бангола замини ҳосилидан сўрама,
Камиш қаламу ўтин Хейзрон¹ бунда.

93

Тонг чоғию файз хумосию олам дом,
Тонг чоғию шавқ ҳавосию осмон том.
Бўл ҳамнафас олам билан – уйғот ўзни,
Тут кўлингга тоза маю биллур жом.

94

Олам элига солувчи титроқ кўзсан,
Гўёки адоғи йўқ мутлоқ кўзсан.
Бемор бўлсанг агарда ҳеч бўлмас ажаб,
Дилбарликда чунки бош-оёқ кўзсан.

95

Эй ёр, бу бечораю хайрон сари кел,
Бегонани кўй, дўсту қадрдон сари кел.
Дединг: «Ажалингман – мени даъват этма».
Айтмай унда кулбаи вайрон сари кел.

¹ Хейзрон (Хайзурон) – дарахт номи.

96

Шом келдию кетди – бошда товуси хаёл,
Олди шоҳлик тахтини Ковуси¹ хаёл.
Осмон тўла юлдузларнинг порлашидан
Бўлди дунё димоғи фонуси хаёл.

97

Дарди бедаво кетарми бир он кўздан?
Ҳар дам мижа юзимга тўкар кон кўздан.
Кўздан бошка яна дилим ҳам бордир,
У хастаю бемор юз чандон кўздан.

98

Ёмон феълу хўй қўлида қурбон бўлмок –
Дунёда хамиша хору сарсон бўлмок.
Бағрингга ботар ханжардан қаттиқрок
Ўз килмишидан ўзи пушаймон бўлмок.

99

Эй сўзга мудом оро беришга тайёр,
Сўз зулфига ҳалқа урма кўп ҳам бекор.
Сен ўзга нима деб англаган бу олам
Тўрт унсур боис асли, билсанг, пойдор.

100

Бу айшу сафо толедан эмасми нишон,
Бу айшу сафода сирлилик гўё ниҳон.
Сармоия нозу яна зеб-зийнати хусн
Қайрилма чиройли қоши ёрнинг бегумон.

¹ Ковус – Эрон шоҳи, Кайкубуднинг ўғли.

Бир жилвасига агар сазовордирмиз,
Фақру фано¹ мулкига харидордирмиз.

105

Мен топган эдим сенинг кўйингда паноҳ,
Қаҳр айласангу кувсанг эшикдан ногоҳ,
Икки кўзим ортимда борай Каъба қадар,
Каъбадан ўтгач, солай йўлга нигоҳ.

106

Йўл мавжуд абаддан то хузури Оллоҳ,
Хоҳи узун англа уни-ю, киска хоҳ.
Йўл ярмидаги чашма билан соя эмиш
Кавсар билан тўбо² дегани, бўл огоҳ.

107

Меҳрнинг унар ери азалдан дил эди,
Меҳр урфи жаҳонда йўкса мушкул эди,
Рисола деганга сидк агар омил эди,
Ҳар рисола бисмиллоси бисмил эди.

108

Эмишки, такозо килар одобу русум:
Расулдан сўнг келар имоми Маъсум.

¹ *Фақру фано* – тариқатнинг сўнги макоми. Оллоҳдан бўлак ҳамма нарсадан узилиб, ёлғиз Ҳаққа боғланиш, таваккул эътиқоди билан яшаш.

² *Тўбо* – жаннатдаги ранг-баранг мевали ва хушбўй серсоя дарахт.

Кўй барчасинию тут Али этагини,
Юлдуз эмас, ой босар куёш ўрниниким.

109

Тунда куяди нега дили аҳли камол?
Қувват олади ундан зулфу хату хол.
Меърож қилишининг сабаби тунда Расул:
Йўқ тундан яхши фурсат этмоққа висол.

110

Шоҳ хар йили эҳсон этиши одатий ҳол,
Қўлимга тутиб Хожа Тошон этди савол:
Ўшар бу булугдан ёккан ёмғирга,
Шоҳ оркали майсага оёк қўйди ниҳол.

111

Бердим деб умрни елга чекма афсус,
Ҳақ раҳматидан бўлма умидсиз, маъюс.
Мақсад ҳеч азоб эмас жаҳаннам ўтидан,
Балки поклаш дилни агар қилсанг ҳис.

112

Бир тушки, икболдан аломат бўлади,
Олам шоҳи¹ кўрса, ижобат бўлади.
Ҳар қанча зиёда бўлса-да тонг файзи,
Кун ярмида шоҳга у далолат бўлади.

¹ Олам шоҳи, шоҳ дейилганда бу ерда куёш кўзда тугил-моқда.

113

Ҳар кимки хотин олса, у доно бўлмас,
 Ғам-ташвиши кўп, фароғат аммо бўлмас.
 Уй-жойи бўлиб, хотини бўлмаса-чи,
 Дунёда унингдек бой асло бўлмас.

114

Олам аҳли асир эмиш домингда,
 Шоҳона тиник май тўладир жомингда.
 Исмингни бутун мавжудот зикр этади,
 Дунё бошию охири номингда.

115

То бу йўлдан аҳли билан шоҳ ўтди,
 Бош кўкка етди, унданам, оҳ, ўтди.
 Уйим йўли Каъба йўлига айланди,
 Чунки бу йўлдан шаҳаншоҳ ўтди.

116

Бир тушки, ундан дин шами жилвагар-ей,
 Бундай тушни кундузи шоҳлар кўрар-ей.
 Кундуз куни бундай ажиб туш кўрмоқ
 Тонг чоғи қилинган дуодан бўлар-ей.

117

Ғолиб, ажиб оқибат менга бўлди насиб,
 Ҳам дўст меҳри ёрдиру, ҳам хавфи ракиб.
 Дунёда менинг туғилишим тарихининг
 Берди ҳаяжони шавку лафзи-да ажиб.

МУНДАРИЖА

Уч халкнинг шоири.....	3
Ғазаллар	11
Мухаммас.....	123
Қитъалар	126
Шоирнинг подшоҳга арзи	129
Соқийнома	132
Рубойлар	134

Адабий-бадий нашр

Жахон шеърятти дурдоналари

Мирзо Ғолиб

УМРИМ ГУЛИ

Рассом *А. Сайидбердиев*

Мухаррир *Б. Худоев*

Бадий мухаррир *Р. Зўфаров*

Техник мухаррир *Т. Харитонов*

Кичик мухаррир *Д. Холматова*

Мусаххих *Ш. Орипова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Тугушева*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.

Босишга 2013 йил 12 апрелда ружсат этилди.

Офсет қоғози. Бичими 70×90^{1/32}. «Times» гарнитураси.

Офсет усулида босилди. Шартли босма табағи 5,85.

Нашр табағи 5,23. Адади 3000 нусха. Буюртма № 13-24.

Бахоси шарғнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O`zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz